

ЧАШМА

Тошкент

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти

1983

Кўлингиздаги «Чашма»нинг навбатдаги сонига республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшаб, ижод этаётган қаламкашларнинг шеър ва дostonлари жамланган. Уларда буюк Ленин, ленинчи партия, дўстлик ва қардошлик, ёшлик ва бахтиёрлик тараннум этилади. «Юракдаги тўлқин», «Ер айланади» дostonлари ва шеърый туркумларда ўзининг шонли икки минг йиллигини нишонлаган дўстлик ва тенглик шахри — Тошкент мадҳи куйланади.

Тўплам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланиб нашр этилмоқда.


Тақризчи
Озод ШАРАФИДДИНОВ

70403—145
К ————— 55—83 4700000000
356 (04) — 83

© «Еш гвардия» нашриёти, 1983

ЕДГОР ОБИДОВ

НИГОХ



Едгор Обидов 1940 йилда Тошкент областининг Тошкент районида туғилган. 1982 йилда Москвадаги М. Горький номли адабиёт институтини тугатди.

Е. Обидов «Оққуш эртаги», «Кипригингда юлдузлар» китобларининг муаллифидир.

КОМСОМОЛЛИГИМ

Қаламимдан нур томса — Зарга ўлчаб тортилса,
Ҳислар тиниқлигидан, Йигит номин оқламоқ,
Тиниқ орзулар билан Ориятда бор бўлса —
Кўнглим тўлиқлигидан, Гар шу ихтиёр бўлса —
Тўлиқ кўнглим ўсадир Сен шу ишда борлигим,
Меҳрим илиқлигидан, Коммунистик ёшлигим,
Бари даврим мазмунин — Комсомоллигим!
Роса бўлиқлигидан,
Яъни сен борлигингдан
Менинг баркамоллигим,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим!

Баркамоллик не эди
Оқ нурлар оғушида,
Бобом кўрган рўёми
Болаликда тушида.
Не синоат бор экан
Тенгдошларим ишида...
Тоғлар гангиб турибди
Кела олмай ҳушига.
Шу навқирон ёшида —
Тоғдан зўр залворлигим,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим.

Байкалдан Амургача
Тақдир йўли тортилса,
Ёшлик эшелонига
Давр юки ортилса,
Қарши чўлин пахтаси

Равшан тортиб кетаман
Сени ўйлаганимда,
Юрагинг зарбига мос
Қўшиқ куйлаганимда,
Қайда бўлсам номингни
Севиб сўйлаганимда,
Борлигим иқбол аро
Туриб бўйлаганимда...
Бахти безаволлигим,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим!

Харита юзидаги
Оқ доғлар ҳам ранг олса,
Олабий қирғин деган
Совуқ жумла йўқолса,
Йигитлар боқишида
Фақат илиқлик қолса,
Табассум тиниқлиги
Қар дилга ўт сололса,
Меҳр ўтин ёқолса —
Сенинг сериқболлигинг,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим!

Денгиздай жўшиб турса
Тиним билмас юраклар,
Кундан кун орта берса
Орзу-армон, тилаклар,
Асримиз қаддин тиклаб
Турса кучли билаклар,
Қаршингда қаддин букса
Сирли юксак-юксаклар,
Нечун олқиш айтмайин
Тоғдай ўсиб кўкраклар?
Сен — коммуна баҳори,
Орзу навнихоллиги,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим!

Сенга олам боқадир
Минг юлдуз кўзи билан,
Умиддай мўлтиллаган
Минг кўз юлдузи билан,
Кўксида энг ардоқли
Суюкли сўзи билан,
Тақдирин қўлларига
Тутиб ўз-ўзи билан...
Барча нуфузи билан
Маним нуфуздорлигим,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим!

Сайёралар сайрига
Йўл очмоқ не бўлибди,
Қалбини машғал қилиб
Нур сочмоқ не бўлибди,
Оламни онам дея
Даст қучмоқ не бўлибди,
Галактика сирларин
Шарт очмоқ не бўлибди,
Сир ечмоқ не бўлибди,
Илми оламворлигим,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим!

Бу орзули дунёда
Орзу каби суюксан,
Шижоатдан бунёдсан,
Бунёдсан, эзгуликсан.
Ленин таълимотидан
Қалби олов ўтликсан,
Ростин айтсам, сен шундан
Қудратлисан, буюксан,
Улуғликдан улуғсан
Эл аро элдорлигим,
Коммунистик ёшлигим,
Комсомоллигим!

ТОШКЕНТ ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

Юракдирсан тиним билмай
Уриб турган туну кун,
Қасамдирсан истиқболга
Миллион тилдан айтилган.
Севгидирсан, садоқатсан
Умр бўйи мен учун.
Жасоратлар масканисан
Руждан бунёд этилган.

Армондирсан қўшиқларга
Тўлиб турган лиммо-лим,
Оҳангдирсан, юракларга —
Қуйилгувчи оромсан.
Тилақдирсан ва забардаст
Билақдирсан, эй, шаҳрим,
Шеъроятсан жаранглаган,
Яъни Ғафур Ғулумсан.

Нурафшонсан, ишчи қалби
Сингари нур сочурсан.
Кенг оламга бағрин очган
Асил дўстлик тимсоли.
Ҳар зарбингга қулоқ тутсам
Минг-минг мазмун очурсан.
Ҳам қадимсан, ҳам навқирон
Осиёнинг жамоли.

Чин сўздирсан Мақсуд ога
Қаламидан тўкилган,
Сен коинот дарвозасин
Очган буюк олимсан.
Китобдирсан, янги боби
Эндигина тўкилган.
Истиқболим сен ўзингсан,
Қўшиғимга талқинсан.

Ииллар ўтар, ўзгарадир
Фасллар ҳам, давр ҳам.
Сен ҳам янги чирой билан
Истиқболга борурсан.
Даҳлсизсан, даҳлсиздир
Сени мадҳ этган қалам,
Умри боқий оламдирсан,
Маним бўлиб қолурсан.

Қучоғингда камол топдим,
Онам каби суюксан,
Қалам тутдим, шеър баҳона
Меҳрим айтмоқ ниятим.
Мадҳинг дoston қила олмам,
Минг дostonдан буюксан,
Буюкликдан буюксану,
Боқийдирсан, Тошкентим.

ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ СЎНГГИ ДАФТАРИ

Хаёлимдан яратдим уни,
Хаёлимда чиқдим варақлаб.
Кўзларимдан тошган туйғуни —
Ҳар сатрида юрибман сақлаб.

Саҳифалар — титроқ ҳаяжон,
Ҳар бир нуқта — портловчи нигоҳ.
Оқлик узра ёғилар осмон.
Сийнасида яширин чақмоқ.

Борлиқ узра сочилган туйғу,
Мангуликка элтувчи даъват.
Армон бўлиб туюлган орзу,
Урушларга ўқилган лаънат.

Бу дафтарнинг йўқдир адоғи,
Бу дафтар — тин билмаган юрак.
Шодлик эмган севгининг боғи —
Ҳар байтида отмоқда куртак.

Баҳор каби ям-яшил дафтар
Варақланар қалбимда ҳамон.
Битилмаган байтларин битар —
То тонггача Ҳамид Олимжон.

* * *

Табассум қилади уйқуда гўдак,
Она юрагига қуйилади нур.
Айтинг, бунга қандай илова керак,
Айтинг, бунга қандай таржима зарур?

Емғирга юзини тутар қизалок,
Оламга ёйғудай табассумини.
Айтинг, ким излайди унга бир изоҳ,
Борми табассумнинг ўзгача исми?

Аэропорт майдони,
Хорижий меҳмон —
Энг аввал нур каби табассум йўллар.
Зарурмас англлатмоқ учун таржимон,
Уни таржимонсиз тинглайди диллар.

Майли тиллар ўзга, эллар ҳам ўзга,
Ҳамма ерда фақат бир хил табассум.
Табассум ярашар ҳар қандай юзга...
Қанийди оламга у бўлса ҳоким!

* * *

Хаёлдек эриб кетар тун бағрида нигоҳим,
Неларнидир шивирлар ўз-ўзидан дудоғим,
Бу сенинг номингмидир дил аро овунчоғим,
Еки сайёраларга йўллаган бир сўроғим...
Қалбим тўла интилиш, атроф эса зим-зиё,
Менинг кўзим юлдузлар жилвасига маҳлиё.

Ўзим ҳам айтолмайман ҳатто не истар кўнгил,
Ўйлар ҳам аллақайда орзулар билан машғул,
Ўзим-ку она ерда, истаклар кўкда дулдул,
Ироқ сайёралар ҳам ошнодир ой, тугул.
Таъзим қилмоқда бу дам поёнсиз шу кенг фазо...
Менинг кўзим юлдузлар жилвасига маҳлиё.

Сен ҳам бир юлдузсан-да, менинг она тупроғим,
Сир эмас, сайёралар аро энг ёруғроғим,
Бағрингда олмос нуқта униб ўсган қишлоғим,
Аммо шу нуқта азиз, дил аро овунчоғим,
Бағринг мени ром этар мисоли меҳригиё...
Аммо кўзим юлдузлар жилвасига маҳлиё.

Туманли тонгларингда тундай қаро қошлигим,
Субҳидам боғларингда қолиб кетган ёшлигим,
Яна қайда кўрардим... эҳ менинг бебошлигим!
Қани келса ёнимга сабрли-бардошлигим,
Хаёлим йироқларда, қалбимда-чи, илтижо,
Кўзим эса, юлдузлар жилвасига маҳлиё.

Тарк этарман фазони, сизга боқар эмишман,
Тўлганиб туйғуларим қанот-қоқар эмишман,
Қуюн каби қуйилиб ерга оқар эмишман,

Тун бағрини нигоҳим билан ёқар эмишман,
Яна қалбим қаъридан тизғиб чиқар бир нидо...
Менинг кўзим юлдузлар жилвасига маҳлиё.

Ўзинг билан қоламан яна кўнгил ардоғим,
Қиш куни қирчиллаган тупроғи қатқалоғим,
Хаёллар сендан қанот олган, нурли қароғим,
Орзу-сайёраларга йўллагувчи сўроғим,
Чунки қалбда интилиш, атроф эса зим-зиё,
Шундан кўзим юлдузлар жилвасига маҳлиё.

* * *

Бир тўлганиб олади олам,
Уфқ кўзига тортади сурма.
Ел этагин елиб субҳидам,
Шивирлайди сойга бир нима.

Сой юзида ишвали ханда,
Тонг нурига олар чўмилиб.
Бу тиниқлик ҳоким масканда,
Майсалар ҳам боқади кулиб.

Кулгу бўлиб боқар зарралар
Гунчаларнинг юмиқ лабидан.
Товушсиз бир қўшиқ таралар
Сехрланган ошиқ қалбидан.

Ошиқ — бу мен, ҳар гул доғида
Юрагимни кўраётирман.
Тонг тўлганиб отар чоғида
Уфқ кокилин ўраётирман.

Ел сингари елпинар хаёл,
Қалб — мисоли ошиқ субҳидам.
Қилганида сойга арзи-қол,
Бир тўлганиб олади олам...

* * *

Кичкина кулбамда айланар дунё,
Дарчамга қанотин уради хаёл,
Мўралар ҳаваси келгандай гўё
Тик чўққи тиғига санчилган ҳилол.

Кимнингдир жарангдор кулгиси сачраб,
Коинок саҳнида қотиб қолибди.
Биров энди уни сайёра атаб
Бир оз юрагимга гашлик солибди.

Япроқлар питирлар мисоли юрак,
Оппоқ нур еимириб энди тўярлар.
Шаклсиз ташвишдай ҳар ёнда ҳалак,
Алаҳсиб юрибди жим-жим соялар...

Мен дарчам ёнидан кетмайман нари,
Барчаси кулбамда бўлгандай меҳмон.
Оппоқ нурлар билан тўйинган сари
Қалбимни ёзгим бор мисли дастурхон.

САЪВАЛАР

Боғ ичида бир жуфт саъва ўйнайди,
Шоҳ оралаб бир-бирини қувлайди.
Билолмайман нималарни куйлайди...
Сирингизни ошкор айтинг, саъвалар.

Қалбим қалқиб, дилим ўртаб қарайман,
Балки мен ҳам куйлаш учун ярайман,
Муҳаббатим қандай изҳор қилай мен,
Шуни такрор-такрор айтинг, саъвалар.

Мен ҳам бир ишқ ичра қолган боламан,
Сиз ўргатинг, ишқим куйга соламан.
Йўқса ҳасрат билан ўртаб ёнаман...
Ҳеч бўлмаса бир бор айтинг, саъвалар.

Жуфт-жуфт бўлиб еайрайлик-да бизлар ҳам,
Муҳаббатдан сўз очолмай мен мулзам,
Сиз ўргатинг, қолмасин дилда алам...
Шу сир менга даркор, айтинг, саъвалар.

Мен ҳам бир боғ ғунчасидан тот олдим,
Тилим ўзбек тили, шоир от олдим.
Нечук сиздан, саъважонлар мот қолдим...
Шундай бўлса, минг бор айтинг, саъвалар.

Боғ ичида бир жуфт саъва ўйнайди,
Шоҳ оралаб бир-бирини қувлайди,
Билолмайман нималарни куйлайди...
Сирингизни ошкор айтинг, саъвалар.

Қоялар сукутини англайман қўшиқ каби,
Шабнамлар тиниқлиги табассумдай туюлар.
Юлдузларнинг бағрига интилар менинг қалбим,
Нигоҳимга нурлари орзу бўлиб қуйилар.

Оламда не ҳодисот — бари бериб акс-садо,
Менинг кайфиятимдан топар ўз ифодасини.
Топиб ўз ифодасин, юрагимга бўлар жо
Ва руҳимга тўлади туйғуларнинг шодаси.

Туйғуларнинг шодаси куйимга қанот бўлиб,
Ошиқмоқда қайгадир... Ким кутмоқда уларни?..
Улар менинг бағримда чиқди рангларга тўлиб,
Мазмун билан тўлдириб мен яшаган кунларни.

Мен яшаган кунларим мазмунига қарайман,
Даврим юрак зарбига ташлайман шундай назар.
Баъзан дўстлар бағрига шабнам каби сачрайман,
Тиниқликдан тиниқлик ахтараман саросар.

Тиниқликни куйлаган куйларим тиниқ тортиб,
Эзгуликлар бағрига чўкса, бошим осмонда.
Мана, улар кетмоқда бўйнимга юкин ортиб,
Истиқболга элтгайман не бор бўлса имконда.

Қоялар сукутидай бир қўшиқ яратгайман,
Табассум тиниқлигин шабнам каби кулдириб.
Орзуларим юлдузин мен кафтимда элтгайман,
Покиза дўстлар қалбин нури билан тўлдириб.

* * *

Тўлқинлар ёлида ўйнайди нигоҳ,
Қоялар сукути этади дилтанг,
Юксакда чўққилар кўринса мудроқ,
Тортилар асабим торлари таранг.

Тинглайман майсалар шивирини жим,
Гўё менинг учун сирдош, ҳамсуҳбат.
Еллар этагидан келади тутгим,
Аmmo бас келолмай, бўламан диққат.

Ҳавас билан қараб қоламан узоқ
Юксак сайёралар жимирашига,
Бетоқат қалбимни қилгандай мазах
Кўз қисиб ишвали имиллашига.

Бургут парвозига қилмасдим ҳавас,
Олиб қочмаганда хаёлимни у.
Кўкларга кўтарган қаноти эмас,
Менинг юрагимдан отилган туйғу...

Тиним билмас сира уйғоқ ҳиссиёт,
Еллардан қанотсиз ўзгим келади.
Тўш уриб юксаклар бағрига шаддод,
Қоялар сукутин бузгим келади.

Шалола шов-шуви, гуллар шивирини
Қувноқ юрагимга бўла олур жам.
Беҳис сукунатнинг асрлик сири
Туюлар шодликка тутгандай мотам...

Юксак-юксакларга отилар туйғу,
Қоялар мунғайиб боқади мудроқ,
Мудроқ боқишлардан қалбимда ғулу...
Коинок бағрини кесади нигоҳ.

Тонг бўлиб тўлғанди тонгда гўзаллик,
Юзидан кўтарди нурсиз пардани.
Нигоҳи эритиб шабнам-заррани,
Титради. Лаблари қирмизи ҳоллик —
Тонг бўлиб тўлғанди тонгда гўзаллик.

«Уф» тортиб юборди уфқлар беҳол.
Тун шарпа сингари четга сурилди.
Нур сачраб, нурсизлик бағри тилинди,
Енгил қанот қоқиб қўзғалди шамол...
«Уф» тортиб юборди уфқлар беҳол.

Ташна нигоҳ билан қарайман узоқ,
Шафақ кокилларин кўзга суртаман,
Енгил нафасига кўксим тутаман.
Шод руҳим — туғилмиш кунгадир байроқ...
Ташна нигоҳ билан қарайман узоқ.

Шод руҳим байроқдир... бу менинг куним —
Ажиб гўзалликнинг эрка фарзанди.
Ширин титроқ билан олам турланди,
Шу менинг олашим. Бир парча умрим...
Шод руҳим байроқдир, бугунги куним!

Тонг бўлиб тўлғанди тонгда гўзаллик
Кундузнинг жамолин очиб юборди.
Нур сачраб, ювилди олам ғубори...
Қизғиш тиниқликда, заррин уфқда —
Тонг бўлиб тўлғанди тонгда гўзаллик.

* * *

Ниш урмаган куртаклар ҳали,
Ҳали ердан аримаган қор.
Фақат еллар ҳуштагин чалиб,
Баҳор излаб изғийди бедор.

Еллар каби бедор хаёлим.
Еллар билан ўйнар басма-бас.
Баҳор эса қор остида жим —
Куртак каби яширин ҳавас...

Умид бўлиб очмоқда юзин,
Умид бўлиб кўтармоқда бош.
Ҳали юмиқ бинафша кўзин
Нури билан силайди қуёш.

Еллар ўйнар, ўйнайди ҳавас,
Кенгликларда кезар муштарақ.
Бу дам икки вужуд аро лол —
Баҳор бўлиб тепмоқда юрак.

Ниш урмаган куртаклар ҳали,
Ҳали ердан аримаган қор.
Фақат еллар ҳуштагин чалиб
Баҳор излар...
Изғийди бедор.

ОҚШОМ

(М а н з а р а)

Қуёш аста ёнбошлайди,
Тирсак қўйиб уфққа.
Шафақ қизғиш тўр ташлади
Қўш ўрқачли, қў, тоққа.
Тўр ташлади...
Тўри билан —
Булутларни чулғади.
Бир зумгина нури билан
Коинотни чўғлади.
Бир зумгина яшнаб кетди
Дала — гуллар макони.
Бу маконда тиниқлигу
Туйгуларнинг тугёни.

МЕН ВА ОЛАМ

I

Мен ўрмонни тинглайман сокин...
Сокинлигин бағримга қуйиб.
Ташна кўнглим енгил олар тин
Виқорини қалбимда туюб.

Виқорини қалбимда туюб,
Сукутидан ором топарман.
Унинг яшил бағрини суюб,
Ҳисларимни аста ёпарман.

Ҳисларимни аста ёпарман,
Япроқларнинг титроқ юзига.
Сўнг сўзсиз бир савол қотарман,
Сўзсиз жавоб қайтар ўзимга.

Сўзсиз жавоб қайтар ўзимга,
Тасдиқми бу ва ёки инкор...
Сирли олам кўзим ўнгида,
Сирли олам тўкмоқда виқор.

Сирли олам тўкмоқда виқор,
Сукутида қудрат ва маъно.
Гўё сўзсиз этмоқда изҳор
Армонларин армонли дунё.

Армонларин армонли дунё —
Тўкаётир бағримга бу он.
Мен тинглайман, тинглайди само...
Атрофимда айланар замон.

II

Мен бўронни тинглайман... шовқин—
Суронини қалбимга қуйиб.
Юракда ҳам борлиқда тошқин —
Борлиғимни бормоқда юлқиб.

Борлиғимни бормоқда юлқиб,
Бунда ҳислар билмайди тиним.
У бўшлиқлар кафтида қалқиб,
Қайларгадир солибди йўлин.

Қайларгадир солибди йўлин.
Тинчимни у кетмиш юлқилаб,
Хаёлларим, орзу ва... кўнглим
Кенгликларда борар чирпираб.

Кенгликларда борар чирпираб,
Борлиғимда, борлиқда бўрон.
Тақдиримни бағрига чирмаб —
Атрофимда айланар замон.

III

Мен дунёни тинглайман шундай,
Борлиғига тутаман бағрим.
Қалбим борин сипқормоққа шай —
Тақдирини билиб тақдирим.

Тақдирини билиб тақдирим —
Бўронларга кўксим очаман.
Сокинликка боқаман сокин...
Кенгликларга туйғум сочаман.

Кенгликларга туйғум сочаман,
Ўзлигимга айланур олам.

Юлдузлардан қуёш ёқаман.
Мен давримнинг мазмуни — одам!

Мен давримнинг мазмуни — одам,
Тақдиримда ер билан осмон,
Унга бағрим тутмай туролмам,
Атрофимда айланар замон.

IV

Атрофимда айланар замон,
Сўнг бағримга сингиб кетадир.
Ўзим унга бўлурман давом,
Ўзим унга бўлурман тақдир.

* * *

Майсалар тебранар, тўлганар кўнгил,
Еллар нашидаси қалбимда ўйнар.
Бу ерда нафосат уфурар ҳар гул,
Сукунат сеҳрли афсона сўйлар.

Тиниқ юксакларга сингади нигоҳ,
Уфқлар қизарар шафақ тўрида.
Табиат мисоли гўдак беғуноҳ,
Қувнар юрагимнинг ўтли қўрида.

Мен унинг бағрида, бағримда у ҳам,
Қалбимнинг қаърига сочар нафосат.
Ажиб бир тангилик унда мужассам,
Бетайин шўхлиги менгадир одат.

Тиниқ тепаларга ташлайман нигоҳ,
Уфқлар четида ўйнайди ўйлар.
Табиат тинглайди маъсум, беғуноҳ...
Сукунат сеҳрли афсона сўйлар.

* * *

Кўзларингда уфқларнинг зангори тиниқлиги
Бағрига тортар мени бир умр умид бўлиб.
Умидлар уфқининг ҳеч сўнгги бўлмаган каби
Қолавердинг йироқда борган сарим талпиниб.

Мен ҳам бир олам умид билан яшадим,
Покиза йўл изладим, ўзимни урдим ҳарён.
Тиниқлик ахтардим, тиниқликда адашдим,
Аммо бу ўткинчи ҳол йўл топмоққа сен томон.

Уфқлар тиниқлигин сипқоргувчи юрагим
Сен томон талпинмоқда, балки албат топарман,
Фақат мендан юз бурма. Қийин бўлар юрмагим,
Умид бўл, мен қуёшдек нигоҳингга ботарман.

Нигоҳингга ботарман орзу бўлиб умрбод,
Тиниқликлар бағрида кўрармиз сўнг ўзимиз.
Умидларнинг уфқида кулиб боқса шу ҳаёт —
Авлодлар олдида ҳам ёруғ бўлар юзимиз.

* * *

— Беғубор тиниқлик, мафтункор зиё
Фақат сенга бўлсин, ол, ташна қалбим.
— Менга жо бўлмаган тиниқлик — рўё,
Зиё ҳам мен ўзим, менинг матлабим.

— Мана сенга олам, мана кенг дунё,
Фақат сенга бўлсин, ол, ташна қалбим.
— Менга жо бўлмаган олам бу — рўё,
Кенглик бу мен ўзим, менинг матлабим.

Мен бир гирдоб ичра бўлмоқ истайман,
Тортиб кетсин қаърига у чирпираб,
Ҳаловатим қолсин майли чирқираб,
Умрим, фақат сендан шуни қистайман,
Мен бир гирдоб ичра бўлмоқ истайман.

Мен бир офтоб ичра ёнмоқ истайман,
Бор вужудим учқунларга айлансин,
Руҳим кўкнинг пештоқиға бойлансин,
Умрим, сендан фақат шуни қистайман,
Мен бир офтоб ичра ёнмоқ истайман,

Мен бир шитоб ичра қолмоқ истайман,
Устоз Ойбек руҳи юрса ёнимда,
Хайридиннинг шаҳди бўлса қонимда,
Умрим, сендан фақат шуни қистайман,
Мен бир шитоб ичра қолмоқ истайман,

Мен бир хаёл ичра қолмоқ истайман,
Тўлқин бўлсам, уммонлардай жўш урсам,
Юлдуз бўлсам, юлдузларга тенг турсам,
Тақдир, сендан фақат шуни қистайман,
Мен бир хаёл ичра қолмоқ истайман.

* * *

Уфқлар четида қўнғир қоялар
Субҳидам қошида бош эгар гўё.
Ҳали бўшлиқларда изғир соялар,
Ҳали артилмаган тун сурган сиёх.

Ҳали булутларнинг бағрини тилиб,
Бургут кўк саҳнига чекмаган имзо.
Фақат саррин еллар айшини қилиб,
Гулларни силкилаб ўтар бенидо.

Майсалар тебранар гўёки шамгин,
Сукунат сеҳридан кўтаролмас бош.
Фақат япроқ узра томчи нуқра жим,
Умиддек мўлтираб кутади қуёш.

Умиддек мўлтираб товланади у,
Субҳидам чехрасин очади ёлғиз.
Қуёшни кутар у бедор, беуйқу,
Сўнг нурлар бағрига сингади изсиз...

Ҳали артилмаган тун сурган сиёх,
Ҳали бўшлиқларда изғир соялар...
Арзир тонг шу онга бўлса маҳлиё,
Бош эгса арзийди юксак қоялар.

ЧИНОРЛАР

Умрим хиёбонида чинорларнинг сояси,
Менинг мурғак бошимга раво кўрмас губорни.
Чинорлар соясида тиниқлик ҳикояси,
Тиниқликдан олганман кўксимдаги виқорни.

Виқор билан ўтаман чинорлар соясидан,
Истиқболим уфқлари оқ нурлар оғушида.
Чинорлар жой излайди менинг учун ёнидан,
Мен ҳам бир чинорман-да чинорларнинг тушида.

Аммо мурғак хаёлим чинорларнинг шоҳида,
Янги чиққан япроқдай шўх пилдираб турибди.
Юксакларга талпинар қанот боғлаб гоҳида,
Атрофида мезонлар гир айланиб юрибди.

Мезонларга қўлимни силтаб-силтаб кўяман,
Умрим хиёбонида ташлайман дадил қадам.
Чинорлар соясида қаламимни йўнаман,
Тақдиримни йўрғаклаб шивирлар япроқлар ҳам.

* * *

Сўнгсиз борлиқ кўзим ўнгида,
Сўнгсизликнинг бағрида биз ҳам.
Бирга ўтган йўлнинг сўнггида —
Сўнгсиз бўлиб қолмоқда одам...

Хаёл тиниқ бўшлиқлар узра
Сўнгсизликнинг қўшиғин айтар.
Нур йиғади заррама-зарра,
Нур сачратиб бағримга қайтар,

Қайтар яна у нурли хаёл,
Юввош тортиб талпинади у.
Талпинар у... қўлларингга ол,
Фақат олма беҳис, бетуйғу.

Ениб олсанг, у ҳам ёнади,
Бефарқ олсанг, сўнар ўша дам.
Сўнгсизликдан шу он тонади...
Рангсиз бўлиб қолади олам.

Борлиқ бугун кўзим ўнгида
Тиниқликка талпинар бу дам.
Сўнгсизлик бор бу йўл сўнггида,
Сўнгсизликнинг бағрида биз ҳам...

Баҳор келиб, оқ олмалар гул очибди боғларда,
 Капалаклар гулдан-гулга қўнар шарбат ахтариб.
 Мен ҳам ёшлик нашъасидан тотиб шундай чоғларда,
 Оқ гулларнинг ранги билан тўлдираман дафтарим.

Орзу каби тиниқ ранглар дафтаримни тўлдирса,
 Ўйларимга қанот бўлса енгил-енгил шаббода.
 Туйғуларим тиниқ тортиб гулдан кулгу ундирса,
 Руҳим чиндан виқор билан кетармиди ҳаволаб.

Руҳим чиндан енгил тортса, қалбим ором топса, бас,
 Шунда баҳор баҳорлигин чиндан ҳам тан оларман.
 Деҳқон бобом кайфияти менинг учун муқаддас,
 Шу кайфият дилга қўнса, қирларга йўл соларман.

Унда ёшлик ҳисларимни уруғ қилиб сочарман,
 Суғорурман дилдан оққан қўшиқларим сув қилиб,
 Сўнг оламдан янги олам очмоқ сирин очурман
 Ва яшарман ўшал олам уфқларига интилиб.

Фақат деҳқон бобом руҳин дилга жойлай олсам, бас.
 Унинг бирлан одим-одим қадам ташлаб боролсам.
 Ола билсам баҳор чоғин ҳавосидай кенг нафас.
 Соф ҳисларим оқ гулларнинг рангларига қоролсам.

Шаббодалар ўйнашмоқда сочиб умрим гулларин,
 Баҳор ўтар ёшлигимни чаккасига тақволиб.
 Ўтган йиллар эслатади ортда қолган йўлларни,
 Эҳ, бу йўллар ёшлигимни бермасмикин қайтариб!

Баҳор келиб, оқ олмалар гул очганда боғларда
 Хаёлларим шу гулларнинг кипригида титрайди...

* * *

Мен сени кутаман тонг маҳал,
Хаёлим нурларга чулғаниб.
Зориққан юрагим кўп маҳтал...
Тонг каби энтикиб, тўлғаниб —
Мен сени кутаман тонг маҳал.

Сойлар ҳам интизор куйлайди,
Қалбимдек мавжланиб майсалар —
Балки сен ҳақингда ўйлайди.
Бир ажиб жимирлаб чайқалар —
Сойлар ҳам интизор куйлайди.

Сўнмаган юлдузлар мўлтирар,
Сайр этиб юксакда оҳиста.
Умидли ўйларим тентирар,
Нурлардан ясайди гулдаста —
Сўнмаган юлдузлар мўлтирар.

Мен сени кутаман тонг маҳал.
Қўлимда нурлардан гулдаста.
Талпинар юрагим... кўп маҳтал,
Нур бўлиб куйилгин оҳиста...
Мен сени кутаман тонг маҳал.

* * *

Бугун тамом бошқачадир орзу-ҳавас ҳам,
Юксакликка талпинади дам-бадам хаёл.
Куррамизда яшаб турган ҳар битта одам —
 Ҳаваслари ундан ортиқ бўлса эҳтимол.

Тўғри, давр шиддати ҳам ошиб бормоқда,
Бугун қизиқ туюлади кечаги ҳавас.
Чексизликнинг дарвозасин дадил қоқмоқда
 Менинг тенгдош ватандошим тинмай бир нафас

Ер гирдида айланмоқлик нима бўлибди,
Ернинг ўзин айлантирсам дейди одамлар.
Тундрага қиш барвақтроқ тушиб қолибди...
 Қуёшни шу томон бурсам дея чамалар.

Хуллас, шундай... буюкликми ё оддий ишми —
Нималигин билолмай ҳам қоласан баъзан.
Юксак орзу безар бизнинг юксак турмушни,
 Ўзимиз шу орзуларнинг даврига фарзанд.

Гарчи бизнинг томирларда олов оқмайди,
Қон оқади. Аммо бу қон давримиз қони.
Ҳеч ким юлиб юрагини машъал қилмайди,
 Аммо қойил қилгувчилар бордир Данкони.

Шоирларга қийин бўлди. менга ҳам қийин.
Унча-мунча шеърни шеър деб атаб бўлмайди.
Бу даврнинг шиддатини қандай куйлайин —
 Биламанки, замондошим кўнгли тўлмайди.

Кўнглим тўлмас ўзимнинг ҳам, аммо шиддаткор
Даврим билан истиқболга бирга кетаман.
Замондошим орзуларин қанотлари бор,
 Шу қанотлар шиддатидан қўшиқ битаман.

* * *

Аста қанот ташлаб келар тун,
Қоронғилик босар саҳрони,
Чирсиллайди ўчоқда ўтин,
Биқирлайди чўпон қумғони.

Хаёлларим учар жимгина,
Юрагимда лағча-лағча чўғ.
Чўғ мисоли кўкда жимжима
Юлдузлар ҳам кўз қисишар шўх.

Чигирткалар тинмай чирқиллар,
Нурга ўзин отар парвона.
Чирқилламас қалбим, чирсиллар,
Ерқин ҳислар шундан нишона.

Ўйларимдай қанот қоқар тун,
Эзгу хаёл қоғлар саҳрони...
Чарс-чарс ёнар ўчоқда ўтин,
Биқирлайди чўпон қумғони.

Мавжлар ўйинига термуламан жим,
Нигоҳим тортқилаб шивирлайди кўл.
Қизгин баҳслашади хаёл ва оқим,
Сирли уфқларга бошлашади йўл.

Бетинч талпинади жисму жоним ҳам.
Аста таралади кўл узра қўшиқ.
Хаёл келтирдими йироқдан, билмам,
Ё оқим бердими хаёлга қўшиб.

Бир ажиб қўшиқки, мисли афсона,
Борлигим забт этиб боради секин,
Кўнглим симиради уни мастона,
Эзгу орзулардек ардоқлар кейин...

Кейин оқимларга йўллайди яна,
Нурлар жарангидан излайди оҳанг. .
Зангор бўшлиқларда қилиб тантана,
Истаклар ипини эшади таранг...

Нурли оқимларда ўйнар нигоҳим,
Ненидир паришон шивирлайди кўл.
Хаёл сирли қўшиқ қанотида жим,
Йироқ соҳилларга бошлар яна йўл...

ГУЛ ВА ҚОЯ

(м а н з а р а)

Нурга муштоқ маъсум турарди
Кипригида бир томчи ёши...

Гоҳ қояга бошин урарди
Тугагандай гўё бардоши.

Қоя эса боқар хўмрайиб...
(Ахир, унда борми эҳтирос!)

Тутиб қуёш сари ўмровин
Дер: «Соямдан баҳрамандсан, бас...»

Кипригида зарра томчи ёш,
Гул тебранар маъсум, қайғули...

* * *

Далалар тиниқлигин симиради юрагим,
Чашмалар зилоллиги кўзим қорачиғида.
Зангори бўшлиқларга интиладир истагим,
Хаёлим уфқларнинг сўнаётган чўғида.

Эзгуликнинг қаноти шу чўғларнинг рангида,
Кўтарилиб бормоқда эркин-эркин юқори.
Қоришиб ҳам кетар гоҳ сайёралар чангида,
Гоҳи унда кўринар тиниқликнинг виқори.

Тиниқликнинг виқори қалбимга келиб қўнар,
Эзгуликнинг қанотин жо қиламан бағримга.
Уфқларнинг кетида сўнгги ҳовуч чўғ сўнар,
Қолдириб ҳароратин юрагимга, меҳримга.

* * *

Бир эпкиндан юрагим
Тўлиб-тўлиб турибди.
Шеър айтиб юбормоқдан
Тийилиб туролмайман.
Ўлкаминг ҳур қизлари
Пахта териб юрибди,
Мен йигит бошим билан
Етиб улгуролмайман.
Истикбол уфқларида
Нурлар тошиб ётибди,
Пахтазорлар сўнгида
Ўйнаган шафақ каби.
Шафақранг дудоқлардан
Тонг еллари тотибди,
Шунданми сармаст бўлиб
Эсар бетинч, асабий.

Асаблар каби таранг
Уфқларга тортилган —
Лобар қизлар нигоҳи
Эгатлар бўйлаб ўтар.
Уларнинг зиммасига
Давр юки ортилган,
Давр юкин елкалаб,
Бахт куйин куйлаб ўтар.

Қизлар шижоатидан
Қалбим тўлиб турибди.
Бу кун улар шаънига
Шеър айтмай туролмайман.
Давримнинг ҳур қизлари
Пахта териб юрибди,
Мен йигит бошим билан
Етиб улгуролмайман.

РОССИЯ

Кенгликка ўч хаёлим парвозга топиб имкон,
Буюк Россия узра эркин қанот қоқадир.
Эркин қанот қоқаркан тиниқликда шодумон,
Меҳр тўла ҳиссиёт тўлиб-тошиб оқадир.

Шеър билан бор ҳисларим гарчи этолмам баён,
Аммо қалбда истаклар туғён солиб юрибди.
Ҳамма ҳам бўлолмади ахир Ҳамид Олимжон,
Бир ўзбекнинг боласи кўнглин очиб турибди.

Мен не учун севаман Россияни бу қадар?
Ўз-ўзимга бераман гоҳида шундай савол.
Жавобга сўз тополмай ажабмас бўлсам музтар...
Дил меҳрини тил билан очмоқ ахир кўп маҳол.

Оқ қайинлар бағрида оқ нурларнинг ўйини,
Менинг очиқ бағримдан таралгандай туюлар.
Кўз илғамас азамат аргувонлар бўйини,
Уларнинг бир виқори юрагимга қуйилар.

Мен не учун севаман Россияни бу қадар?
Истиқболга боққандай бағрига кўз ташлайман.
Мен-ку ўзбек фарзанди, дилимда бир ўт ёнар,
Ўтли юракдан тошиб, меҳрим айта бошлайман.

Осмондай кенг бағрингда қанча яйраб кезмадим,
Енисей кўпригида қўлларимнинг изи бор.
Саянда ҳам Уралда ўзим сайёҳ сезмадим,
Москвалик дўстларим хат ёзар такрор-такрор.

Еки шуларнинг меҳри қалбда издек қолдими,
Е инқилоб нур сочган истиқболга йўлми бу?

Болганинг тўлқинлари юракдан жой олдим,
Еки Ленин номидан кўз очган илиқ туйғу?..

Унинг хислатларини санай берсам бирма-бир,
Минг дoston камлик қилар, ожиздир бунга қалам.
Россия меҳри билан боғлабди мени тақдир,
Шунинг учун гурурим тошиб сўзлайман бу дам.

Ўз-ўзимдан сўрайман бир гапни такрор-такрор,
Мен бу қадар севаман Россияни не учун?..
Бу саволга жавоб йўқ, фақат уни севмоқ бор,
Севмоқ бор, Россия бор, демакки бағрим бутун.

Кенгликка ўч хаёлим парвозга топиб имкон,
Буюк Россия узра эркин қанот қоқадир.
Эркин қанот қоқаркан тиниқликда шодумон,
Меҳр тўла ҳиссиёт тўлиб-тошиб оқадир...

* * *

Сукунат сўзласин,
Кўзлар сўзласин.
Сўзласин дилларда тош қотган армон.
Хаёл сесканмасин,
Хаёл тўзмасин.
Тинглайин энтикиб,
Тингласин осмон.

Тақдирлар эртагин тингласин шамол.
Тингласин юлдузлар киприги титраб.
Тингласин уфққа бош қўйиб ҳилол,
Сенинг кўзларингга интизор қараб.

Кўзларинг сўзласин, орзули олам —
Армонга айланган йиллар аксини.
Уруш юҳо бўлиб ютганини ҳам
Ун олти ёшли қиз рақсини.

Сен-ку ўз сенлигинг кўрмадинг ўзда,
Маним ўз манлигим эмасди бунёд.
Туйғулар айланди у чоқ Ватанга,
Қасосга айланди орзули ҳаёт.

Бунга сўз ифода бўлмоғи мушкул,
Дардини айтолмай титрайди замин.
Кўзларинг сўзласин, майли, сукут қил,
Ойбек сукутидай сбир ва вазмин.

Уша киприкларда қотган ҳаяжон,
Умидли кўзларда ёнган эҳтирос,
Ватан туйғусидан тўлғонган тугён —
Фақат ўт нигоҳдан изласин қиёс.

Сўзласин, қўйиб бер, не бўлса армон
Рақс учун яралган қўллар титроғи.
Қаршингда бош эгиб тингласин замон
Сен, ўзбек қизининг ўтли нигоҳин!

Тонг каби оқарган толеидан шод —
Хаёл сесканмасин,
Хаёл тўзмасин.
Бу кун ўз қадрини тингласин ҳаёт.
Сукунат сўзласин,
Кўзлар сўзласин...

СОЛДАТ МАКТУБИ

Онажон,
Ешлигим мазмунин бугун
Лаҳзалар қувончи билан ўрайман.
Истиқбол манимдир,
Бағримдир бутун...
Шу иқбол қадрини сиздан сўрайман.
Сиз ҳаёт бердингиз,
Солдингиз йўлга,
Дунёнинг нурлари қалбимга тўлди.
Тупроқнинг тафтини
Илк бор сезганда
Ватан тушунчаси
Дилга жо бўлди.
Онажон,

 шу буюк тушунча қадрин
Қутлуғ айём куни
Сиздан сўрайман.
Қалбда қалқиб турган
 туганмас меҳрим —
Ватан туйғусига ўрайман.
Иқболга йўл очган
Нурли салтанат
Олтмишга тўлибди,
 нишонлар жаҳон.
Давримиз қомуси — биз учун даъват...
Буюк коммунага интилар инсон.
Онажон,
Шу буюк қомус қадрини
Инқилоб тенгдоши — Сиздан сўрайман.
Бугун унинг ҳар бир
Олтин ҳарфини
Ёрқин туйғу билан ўрайман.

Хатарли кунларни
Кўрган бошингиз...
«Замон тинч бўлсин» деб қиласиз дуо.
Хатарли йилларда
Тўккан ёшингиз —
Миллион юраклардан сачраган нидо.
Букун олам сокин,
Олам осуда,
Дилларда умидлар тўлқин стади.
Орзулар чарх урар мовий самода...
Орзулар оламни тутади.
Онажон,
Шу тиниқ орзулар қадрин
Бу қутлуғ айёмда Сиздан сўрайман,
Умидлар мавжида
Орзули даврим —
Тиниқ туйғу билан ўрайман.
Бугун мен оламни
Бағримга олиб,
Сизнинг меҳрингиздай
асрайман сергак.
Гарчи ҳарб илмида
Эрурман толиб...
Эзгу ният билан тепмоқда юрак.
Бўшликқа игнадек,
Санчилган туйғу —
Маним туйғум эрур, маним истагим.
Кумушранг ракета
шаклидадир у,
Қалбимга туташдир
Ҳар бир бўлаги.
Яхши ҳам сиз борсиз —
Ватан тимсоли...
Постдаман, кўзларим ўнгида олам.
Тинч бўлсин замона,
Унинг камоли —

Сизнинг орзунгиздек барқ урсин, онам!
Барқ урган оламнинг қадрини бугун
Дунёни таниган —
Сиздан сўрайман.
Ватанни асрамоқ —
Умримга мазмун,
Уни меҳрим билан ўрайман.
Онажон,
 Ватаним боғлари яшнар,
Шаҳарлар, далалар,
 тоғлари яшнар,
Тўрт уфқи,
Яъни сўл-соғлари яшнар.
Мен шулар қадрини Сиздан сўрайман...
Евуз назарлардан асрайман!

О Н А


— Уйқингда ҳам билмайсан ором,
Гоҳ куласан, гоҳи куюниш, —
Дея койиб қўяди онам,
Соғлигимдан қилади ташвиш,
Дейман:
— Она, бу эмас-ку сир,
Интиламан доим курашга.
Ташвиш тортманг,
Ўзингиз ахир
Ўргатгансиз шундай яшашга!

* * *

Кўз ёш эмас қоғозга томган,
Бағримдан бахт излаб чиққан нур.
Нур рангини тақдир деб эмган —
Шу қоғознинг бориға шукур.

АБДУСАИД КЎЧИМОВ

БОЙЧЕЧАК



Абдусанд Кўчимов Самарқанд областининг Ургут районида 1951 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугаллаб, меҳнат фаолиятини «Уқитувчи» нашриётидан бошлади. Ҳозирда «Ленин учқуни» газетасида ишлаяпти.

Унинг «Кашфиётчи болалар», «Менинг Ўзбекистоним», «Тошбургут» номли китоблари нашр этилган.

САМОЛЕТДА

Учмоқдаман фазода мағрур,
Қучмоқдаман кўкни тобора.
Юрагимда тошмоқда ғурур
Сенга боқиб, она сайёра.

Ана, қолди ҳилолда изим,
Кафтимдадир заркокил қуёш.
Олисдаги Чўлпон юлдузи
Бу кеч менга энг яқин йўлдош.

Хаёл кезар само чўлини,
Пастга томон қарайман яккаш.
Она замин сулув келину,
Ўзбекистон гўё тиллақош.

Қирларида яшил гулханлар
Еқиб кетган баҳор еллари.
Ун тўрт қардош дўстин жон қадар
Қучиб турар унинг қўллари.

Туйғуларим жунбушга келиб,
Фахр тожин кияман, ҳамда —
Бу фахримни бир жарчи бўлиб,
Изҳор қилгим келар оламга.

ЛЕНИН МАВЗОЛЕИ

Оламда кўп турли эҳром, бинолар...
Доҳий мавзолейи — шоҳона қаср.
Унинг ҳар гиштида минг хил жилолар,
Мармар жилвасига турибман асир.
Довруғи кетгандир она-Ватанга,
Кетгандир мағрибдан машриққача то.
Бу қадар шухратни кўрмаган Эйфель,
Кўрмаган Мисрнинг эҳроми ҳатто!..

* * *

Камалак жилоси қўнмиш адирга,
Кўкатлар баргида кумуш сирғалар.
Тоғлардан тойчоқдай чопганча қирга,
Бетиним куйлайди тошқин жилғалар.
Ватаним ҳуснидан қамашар кўзим,
Емғирдай қуйилар қалбимга илҳом.
Шиддаткор ирмоқдай отилар шу зум,
Дафтарнинг юзига дилдаги калом.
Рухимда уйғонур чексиз бир сурур,
Юртдошлар бахтининг рамзи бўлгудай
Ва она заминни кўтариб мағрур,
Коммуна қасрига қушдек елгудай.

УЧ, ҚЎШИҒИМ!

Уч, тойчоғим,
Чух, қани!
Учгин мовий самога.
Туёғингнинг чақини
Ларза солсин ҳавога.
Манзил ҳали йироқдир,
Энди чиқдинг сафарга.
Аmmo умид чироқдир,
Зафарга чоп, зафарга.
Чатнаб ётган чўллардан
Уқ ёй бўлиб учиб ўт.
Из тушмаган йўллардан
Бахтинг изла, бахтинг тут.
Балки тунлар пинжида
Парвозингдан чекиб дард,
Қайралган тиг қўнжида
Йўлинг пойлар бир номард.
Тигдай тегсин уларга
Дупурингнинг наъраси.
Шунда ўчиб кетажак
Ғанимларнинг нафаси.
Уч, тойчоғим, мен сени —
Яратганман зўр ишқдан.
Туёқларинг ёлқини
Қўшиқдандир, қўшиқдан.
Уч, қўшиғим — учқур той,
Юрак номли юрт сари.
Эриб кетсин куйингдан
Бу «мамлакат» дардлари.
Эриб кетсин шам мисол,
Оташингга бермай тоб.
Энг мураккаб, энг содда,

Барча-барча изтироб.
О, гар вақт тегирмони
Эзиб кетса овозинг,
Даврларнинг сурони
Парчаласа парвозинг,
Она замин қалбига
Тута олмасанг қулоқ,
Қўйгин, ундай парвоздан
Учмаганинг яхшироқ.

БУЗИЛМАСИН ОНАМ УЙҚУСИ

Ҳей, сиз еллар, чавандоз еллар,
Тулпорингиз совутинг бир дам.
Кўрмайсизми, ором олмоқда
Гўдак мисол бокира онам.

Ҳей, булбулча, тонгла малаги,
Тўхтат бирпас созингни сен ҳам.
Ахир еру кўкнинг худоси
Ухламоқда боладай бу дам.

Ҳей, шалола, исёнкор қудрат,
Эркинликка чопган саманим,
Бир зумгина олгин ҳаловат,
Ухлайверсин тинч онажоним.

Бузилмасин онам уйқуси,
Посбон бўлинг унга, одамлар.
Ахир титраб турар куррамиз,
Бирдай эмас; ҳамма қадамлар.

* * *

Ернинг қулоғига най чалар ёмғир,
Самонинг энг эски куйини.
Самонинг энг эзгу ўйини
Гоҳида дард билан,
Гоҳида зарб билан,
Ернинг қулоғига шивирлар ёмғир.

Гоҳида қўшиқдай,
Гоҳо ноладай,
Гоҳо илтижодай тўлғанади у.
Она алласидан сархуш боладай
Тинглайман шу куйни беуйқу.

У сирли шивирлар, сирли ҳайқирар:
— Дардларни қувингиз, одамлар!
— Ғуборни ювингиз, одамлар!
У сирли шивирлар, сирли ҳайқирар...

Ҳей қайиқчи!
Қандай гап бу,
Тўхтаб қолди эшкагинг?
Лабларингда хазин кулгу,
Хаёл сурмак эрмагинг.
Қайдалигинг эсла бирпас,
Эшкагингни ол тезда.
Пуч хаёлни қилсанг ҳавас,
Тушмагин-да денгизга.
Йигитмисан ахир...
Бўл, ҳей!
Синдир тўлқин шаштини.
Забт айлагил денгизнинг ҳув
Туман босган даштини.
Нигоҳингда ёнсин чақин,
Қуриб қолсин майли лаб.
Шиддатингдав нилий тўлқин
Ҳайратлансин шовуллаб.
Фақат, фақат бир манзилда
Тўхтамагин ҳеч узоқ.
Тўхтадингми, ўз-ўзингга
Қўяжаксан сен тузоқ.
Қутурсами тўлқин, ҳай, ҳай,
Додинг етмас қулоққа.
Сени писта пўчоғидай
Ирғитади қирғоққа...

БУ ЛОҚЧА

Қиш тахтига ўтирди яна,
Дарёларни музлачди қат-қат.
У борлиққа ҳоким ягона.
Бўйин эгмас булоқча фақат.
Қиш тишини қайрар дарғазаб,
Қор остида қолди булоқча...
Бироқ, ўша куни эрталаб
Очиб олди янги сўқмоқча.

ФУТБОЛ МАЙДОНИДА

Ана, кенг, ям-яшил майдонда
Курашар бир гала ўйинчи.
— Оҳ, қаранг! Тўп тушди нишонга,
Суюнчи чўзинг, ҳей, суюнчи!

Беллашув шиддатли ва оғир,
Ҳаққоний «жанг» борар басма-бас.
Афсуски, бунда ҳам баъзи бир
Ландавур, ношудлар йўқ эмас.

Балодай кўринар ҳар дамда
Ундайлар одамнинг кўзига.
Довдирар, қоқилар қадамда...
Ўзига қийин-да, ўзига!

Чунки, бу майдонда ҳеч қачон
Иш бермас «тиргак»лар, «нарвон»лар.
Бу ерда қучади доим шон
Энг кучли, энг моҳир, чаққонлар.

* * *

Кузакнинг изғирин панжасидамас,
Япроқ қуриб қолса гулбахор куни;
Бир азоб руҳимни эзади бесас,
Кукунга айланар шавқим учқуни.
Дунёни айлана-айлана ботса —
Кимнингдир қуёши, куймайман,
Бироқ —
Тирик юрак ғафлат лойида ётса,
Туюлар азадан кўра дардлироқ.

* * *

Тоғ булутга турар санчилиб.
Қўтариб тургандек осмонни гўё.
Қув пастдаги митти булоқни
Илғамоқ ҳам қийиндир ҳатто.

Тоғ кўркига келар ҳавасим.
Тоғдек қотгим келмайди, аммо.
Пастликдаги жўшқин булоқни.
Олқишлагим келар доимо.

ҚЎШҚАНОТ

Юлдуз эмиш оналар меҳри,
Оловга ҳам этурлар таққос.
Йўқ-йўқ, қуёш унинг қошида.
Оддийгина учқундур холос.

Бўрон эмиш оналар қаҳри,
Қиличга ҳам этурлар таққос.
Йўқ-йўқ, чақмоқ унинг қошида
Оддийгина учқундир холос.

Шу икки куч қанотмиш унга,
Шу қанот-ла буюк эмиш у.
Дунё бино бўлгандан буён
Шу қанот-ла суюк эмиш у.

ПОИГАЧИГА

Марра яқин,
Марра яқин,
Учиб қолгин, дўстим, ҳей!
Кулиб турган бахтгинангни
Қучиб қолгин, дўстим, ҳей!
Ўз кучингни синамоққа
Мана, энди етди гал.
Бир нафасда, балки, барча —
Истакларинг бўлар ҳал.
Бир нафасда толегинанг
Кулиши ҳам ҳеч гапмас.
Бир нафасда севинчларинг,
Сўниши ҳам ҳеч гапмас.
Марра яқин,
Марра яқин,
Жуда қиммат бу дамлар.
Товонингдан ёнсин чақин,
Қойил, десин одамлар.

ПУШКИН

Сочлари патила, кўзлари чақин,
Митти юрагида шижоат — довул.
Сочлардай зим-зиё гурбатли бир тун
Чангалзор қўйнида туғилди булбул.

Зимистон тўқайзор ичра ёниб у,
Куйлади бечора Россия дея,
Эзгу куй соҳиби ўлмайди мангу,
Бу кун уни куйлар бахтли Россия!

БОЙЧЕЧАК

Япроқларин ёзди серғалва тонгда,
Қишнинг муз тахтига солиб зилзила.
Унинг бу шиддатли жасоратидан
Қаҳратон қиш қалбин босди гулгула.

Гарчанд кўролмади сулув баҳорни,
Лекин унга жонин фидо этди у.
Ва гўё: «Дўстларим, баҳорни куйлаш —
Жондан ҳам азий! — деб, нидо этди у.

ХА ТОЛАРИМ

Гоҳо юксак чўққиларга
Чиқмоқ бўлсам агарда,
Ё нотекис сўқмоқларда
Тойиб кетсам сафарда,

Ё қайдадир толиб қолсам,
Йўлим босса туманлар,
Нигоҳимдан ғойиб бўлса
Сулув-сулув чаманлар —

Хатоларим, хатоларим,
Сиз тушасиз ёдимга.
Хаёлимдан силжимайсиз.
Ҳар нафас, ҳар одимда.

Сизга боқиб, яна қалқиб —
Кетмай дейман йўлимда.
Бордир сизга нафратим ҳам,
Ҳурматим ҳам дилимда.

Аямасдан мени гоҳи
Дард қаърига ташлайсиз.
Гоҳи менга сабоқ бўлиб,
Тўғри йўлга бошлайсиз.

БИР ИГИТ

Бир йигит — эс-хуши жойида, ўктам,
Кўзидан сезилар сабот-бардоши.
Чехраси янада кўринар кўркам
Порласа гоҳ унинг хаёл қуёши.
Уни кўп ўйлатар сомончи йўли,
Хаёллар самани кўкда толади.
Аммо унга гоҳи дўстининг дили
Олис сайёрадай сирли қолади,
Балки ютқазикдир, балки ғалаба,
Китоблар қўйнидан ҳаёт излар у.
Китобда оҳ урса бирор талаба,
Бағрига тиг санчар беадад қайғу.
Бахтсизлик олови қуршаса агар
Севиб ўқиётган қахрамонини.
Юраги анордай эзилиб кетар,
Тикмоқдан тоймайди унга жонини.
Лекин кимдир ундан нажот сўрса гоҳ
Тақдир зайли билан умр йўлида
Дўстларим, у асло бўлолмас паноҳ,
Нажот турса ҳамки гарчи қўлида...
Енимда у шундай топмоқда камол,
Енма-ён ўсмоқда гуноҳ ва савоб.
Уни олқишламоқ қийин, эҳтимол,
Лекин қоралаш ҳам азобдир, азоб.

* * *

Жўшиб, ёниб сайради булбул,
Фавворадай тошди ўлани.
Жўшиб, ёниб сайради булбул,
Қўшиқ босди қирни, далани.
Ер кўксига, гуллар баргига
Шабнам бўлиб сингди қўшиғи.
Самовотнинг кимхоб бағрига
Юлдуз бўлиб қўнди қўшиғи.
Шамоллардан ўзиб кетди у,
Титроқ солди ой шуъласига.
Ой кўксидан тўкилди ёғду,
Эриб унинг ашуласида.
Эриб кетди шамдек пирпираб
Зум ўтмайин ҳатто ҳоқим тун.
Еноқлари чўғдек ялтираб,
Тушиб келди тоғдан янги кун.

* * *

Кетдинг...

Кетатуриб хаёлларимни
Бир шода маржондек ситиб кетдинг сен.
Уларни марварид юлдузлар қилиб.
Қўл етмас самога отиб кетдинг сен.
Энди ҳар садодан,
Ҳар бир нидодан,
Ғамгин жарангловчи ҳар «алвидо» дан,
Бедард юлдузларнинг оқ шуъласидан,
Шуълаларнинг бесас ашуласидан
Сехрли бир эртак ўқиб ётибман,
Сехрли бир эртак тўқиб ётибман...

ҲАЁТ ҲУКМИ

Сен пок қалбдан кулдинг,
Чидадим.
Сен пок қалбни тилдинг,
Чидадим.
Сен хиёнат қилдинг
Аҳдингга,
Човут солдинг ётнинг
Бахтига.
Сен дўстингнинг бағрин
Қилдинг қон...
Мен чидадим барига,
Нодон.
Бугун... тўқдинг
Онанг ёшини...
Қасос бўлиб энди
Ейман бошингни!

Ф А В В О Р А

Қайнаб ётган фавворанинг
Кокиллари ёйилган.
Кокиллари камалакнинг
Суви билан чайилган.
Товланиши товусни ҳам
Уялтириб қўяди.
Фақат бир ўй бечорани
Куйдиради, куюди.
Рост, шиддатда вулқонни ҳам
Назарига илмайди.
Лекин қандай оқиш йўлин
Ирмоқчалик билмайди.

ҚОР ЁҒМОҚДА

Қор ёғмоқда...

Қор ёғарди ўша куни ҳам,
Ғалвиридан фақат қувонч эларди фалак.
Қор-капалак ўпар эди чехрангдан, эркам,
Оппоқ нурли парчалардек соф эди юрак.
Худди қуёш томчисидек қорларга боқиб,
Бахтимиз ҳам шундай тиник, оқмикин, дердим.

Қор рақсига кетганигда қўшилиб, оқиб,
Шамоллайсан, деб ўзимча ғамингни ердим.
Бу кун сенинг бахтинг учун қайғурмоқда ким,
Кимлар билан боқмоқдасан оппоқ «қуш»ларга?
Е беғубор шўхлиқлар-у эркаликларинг
Айландими ёшликдаги ширин тушларга?

Қор ёғмоқда...

Бўялмоқда ҳар ён оқ рангга,
Тарновдаги сумалаклар кийган оқ чопон.
Сенга қандай?..

Мен борлиқни оппоқ рангдаги —
Илк севгимга қиёслагим келмоқда шу он.

УЙИНҚАРОҚ БОЛА МИСОЛИ

Ўргимчак тўридай чулғади қалбни,
Борлигин забт этди ёрнинг хаёли.
Кўп ўтмай бу дардни унутди, лекин,
Худди ўйинқароқ бола мисоли.
Сокин юрагини чулғади яна
Ўзга ёр жамоли, ўзга висоли.
Кўп ўтмай бундан ҳам совиди, мана —
Худди ўйинқароқ бола мисоли.
Ешлиги тўзғоқдек учди-ю кетди,
У ёр тополмади бирор вафоли.
Шунда толе уни эрмаклаб ўтди
Худди ўйинқароқ бола мисоли.

* * *

..... га

Бизга толе кулмади, бунга —
Одамларни қилма гуноҳкор.
Дўстлар иқбол тилашди менга,
Бахт тилашди сенга ҳам минг бор.
Қўй, ҳеч кимга қилмайлик таъна,
Бир жуфт қоя эдик иккимиз,
Мағрурликда эдик ягона...
Мағрурликча қолдик яна биз.

ХОТИРА

Ениб чиқди қиз ёноғидай
Қоя бағрин ёриб бир лола.
Еллар унинг бўлиб хуштори,
Жўшқин куйлар этди ҳавола.

Сўнг даҳшат-ла келиб изғирин,
Айлади у лолани қурбон...
Дўстим, ўша лола тақдирин
Унутмайман ҳеч вақт,
Ҳеч қачон!

ДЕВОР

Ўсмирликда...
Ўсмирликда —
Ким суймайди кимнидир?
Қўшни қизни суюб қолди
Юраккинам тушмагур.
У куйласа, гўё дунё
Қўшиқ бўлиб қоларди,
Майин оҳанг дилгинамга
Гулгулалар соларди.
Кўрай дея ой юзини
Фурсат пойлаб юардим.
Ўртадаги лой деворни
Жуда ёмон кўрардим.
Назаримда, қўшнимизнинг
Бу забонсиз девори —
Мендан ёрни тўсар эди
Қоработир мисоли.

Шу бўлмаса, ёр васлига
Етар эдим, чамамда.
Мендан бахтли бўлмас эди
Ҳеч кимса бу замонда.
Деворни йўқ қилиш йўлин
Доим ўйлаб юрардим.
Ишонсангиз, шу нарсани
Тушимда ҳам кўрардим.
Бу ҳаётни у дам чуқур
Ўйлаб кўрмас эдим мен:
Қарашлар ўртасида,
Курашлар ўртасида,
Соялар ўртасида,
Ғоялар ўртасида,
Одамлар ўртасида,
Оламлар ўртасида
Деворлар борлигини
Ҳали билмас эдим мен.
Энди ҳамма деворларни
Кўзим йўқдир кўрмоққа,
Бузиб, қориб ташлай дейман.
Барчасини тупроққа!

ҲАЁТ КИТОБ ЭМАС...

Ҳаёт китоб эмас:
Уни тўқиш қийин.
Уни ўқиш яна қийин,
Дўстгинам.

Ҳаёт шароб эмас:
Уни ичиш қийин.
Ундан кечиш яна қийин,
Дўстгинам.

Аралаш қасрдай,
Тилсимли қасрдай
Тақа-тақ ёпиқдир
Ҳаёт дарчаси.

Юрак чўғдек бўлса,
Ақл тигдек бўлса,
Каттакон очикдир
Унинг дарчаларин
Барча-барчаси...

ОЛҚИШЛАЙМАН

Оналар лабида ёнса табассум,
Кўрмак ҳовлиларда янграса ёр-ёр,
Шарбат тутиб турса ишқомда узум,
Сени олқишлайман, эй, сулув баҳор!
Зангор далаларда куй чалса тўрғай,
Кўзни қамаштирса қордай пахтазор,
Бахтиёр онларда сипқорилса май,
Сени олқишлайман, эй, сулув баҳор!
Бошоқлар чайқалса мисоли дарё,
Минбарда виқор-ла турса чорвадор.
Заҳматкаш халқимга айтиб тасанно,
Сени олқишлайман, эй, сулув баҳор!
Ғалаба қучганда Ўзбекистоним,
Ғалаба қучганда поёнсиз диёр,
Шодликка тўлганда ҳар кун, ҳар оним,
Сени олқишлайман, эй, сулув баҳор!
Қутлуғ зафарларга бешиксан ўзинг,
Оналар қалбидай суюк, бегубор.
Барча тўкинликлар, барча ютуқлар,
Сендан бошланади, эй, сулув баҳор!

ҚАРШИ ДАШТЛАРИ

Сен оч, юпун бўлиб келдинг дунёга,
Кўзингдан тинмади ўкинч ёшлари.
Оҳларинг етмади лекин самога,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари!
Давлатинг, савлатинг — янтоқ, саксовул,
Шўрли явшанларнинг куйик қошлари,
Қўйнингда очмади гиёҳ яйраб гул,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари!
Қандай кўргулик бу, ёнингда Аму,
Сенда саратоннинг олов машъали.
Еки уволмиди сенга қултум сув,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари?
Шунча дард кам экан, кўксингга яна,
От солди Искандар, Чингиз лашкари.
Она элим каби топталди тананг,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари!
Сени топтадилар, лек яшнатмоқни
Уйламади хонлар қашлаб бошларин.
Кўксингга эрмади ҳатто таёқни,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари!
Агарда бошингдан сочмасайди зар
Ильич қуёшининг нур оташлари.
Куйсанг куярдингки, кулмасдинг зинҳор,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари.
Энди кучоғингда қутурмас шамол,
Қумлар телбаланиб учмас сарсари.
Бахтинг бинафшадек очмоқда жамол,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари!
Суюнгил, азизим, ташна лабингга
Ҳаёт улашмоқда ўлкам ёшлари.
Қарагил, чаманлар келди таъзимга,
Эй, Қарши даштлари, Қарши даштлари!

БИР ҚҰШИҚ ИЗЛАЙМАН

Адирда мавж урар зангори газал,
Чўққилар қўйнида лоларанг қўшиқ.
Гоҳ ёмғир эшилиб куй чалган маҳал,
Булутлар қўшиққа кетар қоришиб.
Шоирга ўхшайди бу тонг она ер,
Япроқлар пичирлаб шеър тўқир ҳатто.
Юлдузлар лабидан қанотлари нур,
Ипактан сатрлар учар тун аро.
Биллурий шабнамдай оппоқ чечаклар
Гўё бир-бирига айтур эртақлар.
Бу сахар қалбимга ётдир ҳаловат,
Учқур хаёлимда яшил этаклар.
Бир қўшиқ излайман табиатга хос,
Борлиқдай фусункор, ҳаётдай кўркам,
Кулганда юлдузлар очилса қийғос,
Гўзаллик уфурса йиғисида ҳам.
Бир қўшиқ излайман субҳи сабодай,
Ором ташиш бўлса дилларга иши.
Бир қўшиқ излайман тонги ҳаводай,
Симириб тўймаса уни ҳар киши.
Бир қўшиқ излайман, одамларга у
Ҳаёт ато қилса она қуёшдай.
Гоҳ баъзи олчоққа оғу бўлса-ю,
Мажақлаб ташласа тегирмон тошдай.
Бир қўшиқ излайман,
Бир қўшиқ...

ОТАМНИНГ МАКТУБИ

Уфққа лаб босган йўл бошидасан,
Суронлар, бўронлар олдда беадад.
Ўғлим, ўғитим шу — бу кўчада сен
Кимгадир суяниб яшама фақат.

Қилич тушса ҳамки бошингга агар,
Юрагинг амрига хиёнат қилма.
Ёки виждонингга илаштириб гард,
Отангнинг шод кунин қиёмат қилма.

Олис уфқларни кўзла ҳар нафас,
Бетиним меҳнатдан чўчимагин ҳеч.
Агар одамлар деб олмасанг нафас,
Ҳали ҳам кеч эмас, бу йўлдан воз кеч.

Вақтинг борида қайтгил қишлоққа,
Бунда ҳам шод ўтар ҳар кун, ҳар дамнинг.
Меҳрингни бахш этсанг она тупроққа,
Ҳеч қайси кишидан бўлмайдди каминг.

Бирок, беҳудадир энди бу гаплар,
Ишонмас экан, деб ўйлама яна.
Оталар кўксига ўқдек санчилар,
Ўғлига айтилган ҳар қандай таъна.

...Тунов кун дафтаринг варақлай туриб,
Кўзим тушиб қолди уч-тўрт шеърингга.
Айниқса «Юрт» деган шеърингни кўриб,
Қувончдан сизмайин кетдим теримга.

Қолганлари эса... очигин айтсам,
Кўнглимга сира ҳам бўлмади маъқул,
Гўё бошқача гап йўқдек, ўзинг ҳам —
Бир қизни суйдим, деб ёзибсан нуқул.

Ахир шеърбоп гаплар кўп-ку қишлоқда,
Ёзгин ўзимизнинг Ургут тоғини.
Сойлик бўйидаги яшил ўтлоқда
Қўзилар қувлашиб юрган чоғини.


Еки Омонқулнинг келикени кўр,
Бултур икки тонна тамаки терди,
Бир оёқ бўлса ҳам, Аҳмад тушмагур —
Гуллатди қирдаги ажриқзор ерни.

Ким ҳақда ёзсанг ҳам ёзгин-у, майли,
Фақат ҳар сатрингда эҳтирос бўлсин.
Сенинг ҳаяжонинг — шеъринг туфайли
Юраklar шодлигу қувончга тўлсин.

Қисқаси, қўрқмасанг меҳнат қилмоқдан,
Яхши шеър ёзишга ишонса кўнглинг,
Мен ҳам ғойибона, юрак-юракдан
Сафарингга оқ йўл тилайман, ўғлим...

ЖУРА АЛИМАРДОН

КЕЛАЖАККА САВОЛЛАР



Жўра Алимардон 1942 йилда Қашқадарё обла­сти­нинг Чироқчи районида туғилган. ТошДУнинг филоло­гия факультетини тугаллаб, ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

Бунга қадар унинг «Чўл таронаси», «Манзилдаги ўйлар», «Замондош ўйлари» тўпламлари чоп этилган.

ЧАМБИЛ

Қайтмоқдаман, қадрдон Чамбил,
Эй, хаёлим улғайган маскан!
Қайтмоқдаман, талпинади дил,
Ошиқади сабр қилмасдан.
Қайтмоқдаман, бетизгин хаёл —
Бошлаб кетар ёшлигим сари.
Боғларингда билмай не малол,
Югуради ўйлар сарсари.—
Шунда тинглаб эртақ, кўшиқлар,
Очилганди идроким кўзи.
Гоҳо дейман бундан не ҳузур
Оқламасанг эл берган тузин.
Не ҳам қилдим бағрингда кетиб,
Нелар кўрди бу ташна кўзим,
Не яхшилиқ уруғин экиб,
Нелар олдинг, дейман ўз-ўзим...
Тер тўкишар «оқ олтин» учун
Эй, Чамбилим, сенда қари-ёш.
Шунга берар йигитлик кучин,
Шу учундир ирода, бардош.
Фарзанд каби асраб, парвариш —
Қилинмоқда ҳар битта шона.
Шундан эрур рўзғор тебратиш,
Шудир роҳат, элга тўёна.
Қайтмоқдаман, ўйчан кўзларим
Дўстлар, сиздан олиб йироққа.
Майли, барча соғинч сўзларим
Мен бағишлай бу кун қишлоққа.
Қайтмоқдаман, қадрдон Чамбил,
Эй, хаёлим улғайган маскан!
Қучоғингга талпинади дил
Етгунимча сабр қилмасдан.

УЛКАМДА БАҲОР

Улкамга бахмалдан поендоз тузаб,
Сепларин кўз-кўзлаб ёйилди баҳор.
Қуёш ҳам мудраган уйқусин бузиб,
Водийга нур билан бермоқда охор.
Қишнинг уйқусидан турган юмронлар
Инлари ёнида қоқилган қозиқ.
Толеи ёр бўлган жамики жонлар
Кўклам нафасидан олмоқда озиқ.
Гуриллаб ҳар ёнда ўйнашиб еллар,
Ипак рўмолчадай сийпалар юзни.
Ел ўпган толларнинг тани жимиллар,
Кўклам таровати чакнатар кўзни.
Эрта кўрган учун олам юзини,
Бойчечак чехраси бўлмиш заъфарон.
Офтоб эркалатиб Қоқи қизини,
Зиёга ўрайди бўлиб меҳрибон.
Тўрғай юксакликда муаллақ бўлиб,
Шодликдан тўқийди янгроқ бир қўшиқ.
Бир нафас ўзим ҳам қувончга тўлиб,
Куйламоқ бўламан тўрғайдай жўшиб.
Бир нафас мени ҳам тинч қўйсин олам.
Ҳар келган андуҳдан ўртанса киши,
Бардоши етмагай метин бўлса ҳам.
Елкадан ирғитиб ташвиш юкени,
Қониб шимирайлик наврўз ҳавосин.
Бир нафас ечилсин диллар тугуни,
Бир нафас тинглангиз кўклам навосин.
Улкам сийнасида ушбу кун баҳор,
Баҳордай уйғониш руҳим ҳамроҳи.
Мен унинг бағрини этгум ихтиёр,
Табиат кўркининг кўклам-ку шоҳи,

Ким тиласа камолим,
Ким тилагай заволим,
Бу оламда илҳомдан
Йўқдир ўзга амалим.
Оламда яшаш йўли —
Шу, деб ўйлар пул қули.
Менга қолса ҳаётнинг
Фикр абадий гули.
Далда бўлиб ишончим.
Гоҳо ортар қувончим,
Оқламакка эл тузин
Қалам менинг таянчим.
Бордир мақсад ва аҳдим,
Ўшадир тожу тахтим.
Ҳақ йўлида шеър билан
Топилгай менинг бахтим.

ХОНАНДА

Сирли олам сир-асрорини
Эш айлагай юрак торига.
Машрабнинг ул оҳу зорини
Машраб бўлиб куйлар ёрига.

Гоҳ недаңдир кўнгил совутиб
Неларгадир кўнгил қўйдирар.
Одамларни шундай овутиб,
Мафтункорлик тожин кийдирар.

БИЗ ҲАМ КЕЛАЖАК ЭДИК

Бизлар ҳам мозийда келажак эдик,
Кимларнинг орзуси, суянган тоғи.
Умид денгизида нақ маёқ эдик,
Оталар интилган мақсад чароғи.
Бизга қолдирдилар китоблар аро
Яшашда орттирган маъно дунёсин.
Бизга қолдирдилар, тополмай чора
Ҳақликка талпинган диллар даъвосин.
Бизларга қолдириб сўнгги ишончин.
Мангу кўз юмдилар, қолди бу олам,
Бу кун биз ворисмиз улар қувончи,
Ташвишли ҳаёти, хаёлига ҳам.
Бироқ биз не қилдик меросхўрга хос?
Уларнинг ишончин оқлай олдикми?
Боболар ишини билиб муқаддас,
Улар орзусига содиқ қолдикми?
Ё макру қаллоблик йўлига ўтиб,
Мол-дунё тўплашга қўйдикми ихлос?
Оламда инсонлик бурчин унутиб,
Тубанлик тўрига тушдикми бесас?
Боболар айтган у олий туйғуга
Етмоқлик биз учун кўрингач душвор,
Ишни фарзандларга юклаб, уйқуга —
Кетмоқлик биз учун бўлдимши шиор?
Омонсиз вақтнинг исканжасида
Келажак ўтмишга айланар илдам.
Барҳаёт тарихнинг дастпанжасига —
Илинган бахтиёр шунинг учун кам.
Айланиб келаркан замон саҳнаси,
Кимлар куч-қудратин совурар елга.
Буюклик нишони — тарих саҳифаси,

Улардан сўз очиб кирмагай тилга.
Бизлар-ку ўтмишда эдик келажак,
Заминнинг саҳнаси бу кун бизга ёр.
Пайт келгач, нишонсиз кетди деяжак,
Келажак ишқида бўлмасак бедор.

ЛАҲЗАЛАР

Лаҳзалар кўзгудир...
Босилган ҳар қадам,
Чекилган дард, алам,
Ё қайғу, ё қувонч
Барчаси, барчаси
Ўшанда мужассам.
Лаҳзада ярақлаб,
Бахтинг ҳам топилгай.
Лаҳза гоҳ бахтингга
Қиличдай чопилгай.
Лаҳзалар, лаҳзалар —
Дилдаги ларзалар.
Лаҳзалар измида
Армону орзулар...

ТЕМИР ИЎЛГА

Тўғрилиқдан яралдингиз тўғри бўлиб,
Таҳсин айтса арзир сизга, юз ўргилиб.
Ҳар иккингиз елкадошсиз манзил аро,
Ҳолатингиз бу ҳаётга ишора ё.
Тўғрилиқдан сиз тонсангиз — қулар ҳаёт.
Тўғрилиқдан яшнар доим, кулар ҳаёт.
Иўловчига орзу-армон сиз-ку суюк,
Тўғрилиқдан ташигайсиз елкада юк.

ЕМҒИРЛИ КУН

Булутлар тўда-тўда, қилич серпада чақмоқ
Мана ёмғир ёғмоқда, бугун осмон бадқовоқ.
Қиш қурумин ювмоқда само бағридан бу сел,
Соф ҳавода кезиб кўр, ҳислар қўзғатар хил-хил.
Замиң зангор тус олмиш навбахор фаслига хос,
Ариқлар ёқаси ҳам ялпиздан киймиш либос.
Тин олган бу табиат қайта бошлагай ҳаёт,
Қайта бошлар аслига, табиатга ўлим ёт.
Табиатга ўлим ёт, замон ҳукми унга пуч
Билмадим замин чархин айлантирар қайси куч?
Биз-ку, замин фарзанди, бизда мақсад, эътиқод,
Қайта бошланса қани бизга берилган ҳаёт!
Ҳаёт тилсимин очмай, тахлаб жумбоқ тошини,
Михлаб қўяр хаёлга минглаб инсон бошини.
Биз туғилиб не қилдик — фурсат измида тутқун,
Ризқинг қияр ҳаётдан ё бир кундуз ёки тун.
Ё бир кундуз ёки тун толе ҳам боққай кулиб,
Мақсад сари элтгай у бошингдан юз ўргилиб,
Шунда нолишлар тамом ўринсиз туюлади,
Самовий фикрлар ҳам бетиним қуйилади.
Сўнг фурсат чангал солиб қилса ҳам умринг тамом,
Сен эришган камолот авлодда этгай давом...
Қиш қурумин ювмоқда само бағридан шу сел,
Ёмғирли кун кезиб кўр, ҳислар қўзғатар хил-хил.

ДАРҒА

Довул тинчиб, ҳорғин бошин
Қўйди денгиз сатҳига.

Синаб дарға бардошини,
Ўтди унинг мадҳига.

Дарға мамнун, чиқди кема
Довулларнинг оғзидан.

Тўлқинларни бир-бир йиқди,
Бўғиб гўё бўғзидан.

Атроф сокин, яшил денгиз
Бўлиб қолди мафтункор.

Ғолиб кема сузмоқда тез,
Омад бўлди унга ёр.

Бўрон пайти моҳир қўлда
Иўл ўнгланди ростакам.

Сокин пайтда қўйса рулга,
Бошқаради бола ҳам.

ЎРМОНДА

Исён кўтарилди — ҳақиқат талаб,
Шерлару қоплонлар бўлишди тараф.

Айиқлар ўкириб, бўрилар улыб,
Жангга аралашди ғазабга тўлиб.

Қулади қайинлар, титрар қарағай,
Ғажигишди бир-бирин не деб сўрамай.

Қонлардан ер бўлгач қирмиз поёндоз,
Ҳақ қарор топгандай туюлди бир оз.

Жанг тинди, майдонда минг-минглаб қурбон,
Инграниб жон берди энг сўнгги қоплон.

Тулки-чи, тулки-да, ўз ишин билди,
Бир четда биқиниб, томоша қилди.

Ўчди жанг сурони, майдон тин олди,
Ўрмон тулкилару қуёнга қолди.

БОЛАРИЛАР ҚИССАСИ

Улар иноқ эди, битта оила,
Топганин ўртада кўришар баҳам.
Баҳор, ёз бол йиғар меҳнати билан,
Ҳамжиҳат ўйлашар қиш гамини ҳам.
Тинч-тотув яшарди, мингга бир она,
Барчаси ўшангга бўлар гиргиттон.
Барчасин маскани биргина хона,
Минг жонга бир она азиз, меҳрибон.
Йил ўтди, урчиди авлодлар тагин,
Етишди орада яна бир она.
Низолар туғилиб, жанг бўлди қизгин,
Бу мушкул аҳволга топилмай чора.
Гўёки қўш ҳоким бўлгандай пайдо,
Узоқ давом этди жанжал шу хилда.
Иккига бўлинди, бошланди низо,
Ҳокимлик даъвоси — ҳар икки дилда.
Болчи бу низодан бўлдию огоҳ,
Устомонлик билан қўллади тадбир.
Бир гуруҳ арини кўтариб ногоҳ,
Янги бир масканга жойлади масрур.
Тагин бир оила бўлдию бунёд,
Уй-рўзгор ғамига киришиб кетди.
Вўнғиллаб куйлашар шу дея ҳаёт,
Болчининг иши ҳам юришиб кетди.
Тагин тинч-тотувдир ҳар бир оила,
Тагин бол йиғмоққа қилишар амал.
Иккисин ажратган кайвони эса,
Иккисин болини олар бемалол.

СЕРКА

Чўпон қўй ҳайдарди яйлов оралаб,
Қуёш тиг тортарди кўкдан мўралаб.
Сурувлар силжиши тезламас, аттанг,
Чўпонни ушбу ҳол айлади гаранг.
Узукун толдирди қўйлар қадами,
«Ҳай-ҳайлаб» ҳайдар у олмасдан дамин.
Иши ўнг келмайин ўйларга толди,
Ниҳоят сурувга бир серка солди.
Сурувни бошлади серка саланглаб,
Изидан йўл босар қўйлар аланглаб,
Яйловда яйраркан қўй билан қўзи,
Чўпоннинг ой бўлиб ёришди юзи.
Энди у най чалиб кезар қувончда,
Серкаси бор экан, кўнгиш ишончда.
Фақат у серкадан бўлай деб огоҳ,
Бўйнига кумушдан илди қўнғирок.
Серканинг қай томон йўналса йўли,
Жаранглар қўнғирок — огоҳ этгули.
Кўнглини кемирмас беҳуда гашлик,
Барча иш жойида, қалби қуёшлик.
Сурувни сураркан серка қадами,
Сурувдай сурилар чўпоннинг ғами.

Ж А В О Б

Эркин куйлай олмас митти булбул ҳам,
Токи у кўнмаса энг юксак шохга.
Разм сол тўрғайга, куйлаш-чун ул ҳам
Титраб талпинади осмон-фалакка.
Хаттоки тоғдаги у ҳуркак каклик
Куй ишқида кўнар баланд қояга.
Бургут ҳам ҳис қилар ўзини бахтли
«Гурқуллаб» айланса чексиз самода.
Юксаклик қушларга бергандай илҳом,
Садога тўлдирар само жимлигин.
Инсон ҳам шу тақлид юксакликка ром,
Юксаклик кўрсатар кимнинг кимлигин.

Ф А Р Қ

Ҳамжиҳат ишлагай
Болға ва сандон.
Иш қуролин пешлагай
Болға ва сандон.
Бироқ бор тоблашда
Фақат битта фарқ.
Ҳар бири одатин
Қила олмас тарк.
Болға зарб беради
Металлни пойлаб.
Сандон зарб олади
Бағрига жойлаб.

ҚАЛДИРҒОЧ

Сим арқонда тизилишиб,
«Вижир-вижир» қиласиз.
Заиф нурда исинишиб,
Не маслаҳат қурасиз?
Жазирама қуёш тиғин
Ҳарорати сўндими?
Жозибадор куй-қўшиғинг
Куз елида тиндими?
Куз елида қишни кўриб,
Улкамни тарк этасиз.
Қай юрт ҳақда қўшиқ айтиб,
Қаёқларга кетасиз?
Ҳар диёрда бир қасида
Кўринади сизга хуш.
«Вижир-вижир» барчасида,
Чунки қушсиз, чунки қуш...

БҮРОН

Гўдак нафасидай мулойим,
Мойил эди эзгу истакка.
Ел эди, севарди у доим
Қувват бахш этмакни юракка.
Дил розин уқмагач ҳеч жонзот,
Ғазабдан шамолга айланди.
Орзусин сўйлади бир ҳолат...
Шунда ҳам йўллари бойланди.
Совуқлик кўрдию, совуди,
Сўнг бўлди аламдан изғирин.
Лоқайдни беаёв чимчиди,
Чимчиди ошкора, яширин.
Шунда ҳам боқдилар бепарво,
Ҳеч кимса тушуниб етмади.
Бекорга ўртанди овора,
Қалбидан бир ғашлик кетмади.
Дарғазаб бўлдию, бўронга —
Айланиб, кўрсатди кучини.
Ваҳима солдию ҳар жонга,
Олди у барчадан ўчини.

САЙРОҶИ БЕДАНА

Сайроқи бир бедана тушди тузоққа,
Қафасга солиб қушбон, илди таёққа.
Тарик бериб неча бор маст айлади, маст.
Тин олмасди бедана сайрашдан бирпас.
Ўқир гўё қасида, куйлар берилиб,
Чўқиб қўяр эди дон гоҳо керилиб.
Муғамбир беданабоз бир шумлик туйди,
Сайроқи атрофига тузоқлар қўйди.
Сайрар эди бедана, сайрарди тинмай,
Ҳамжинсини чақирар: «Донга мўл, бу жой!»
Сайраш билан оқлар у еган донини,
Сайраш билан сақлар у ҳатто жонини.
Беданалар алданиб келарди бир-бир.
Келганлари илинар «потира-потир».
«Питбилдигин» қўймасди сайроқ бедана,
Эркин қушлар тузоқда қон қақшар, ана.
Беданабоз тузоғин айларди тавоф
Ва илинган қушларни қиларди кабоб.
Сайроқини сийларди банг бериб қушбон,
Бир сайроқи дастидан ўзгалар қурбон.

БОЛАКАЙ

Тўп тепади шаддод болакай,
Эски мозор майсасин топтаб,
Шод қийқирар бошқалар билан,
Мўлжалига урилса копток.

Дарров турар йиқилса гоҳи,
Еш бола-да, қайдан билибди:
Майса эмас, боболар руҳи —
Қадамларин ўпиб турибди.

ГАДО

*(Чет эл сафарида бўлганлар суҳбатини
тинглаб)*

Титроқ қўлларига тутганча таёқ,
Дармонсиз вужудга мадад кўзлайди.
Тонгдан то шомгача кезганча саёқ,
Ҳар эшик, гўшадан эҳсон излайди.
Қоқ суяк қўлларин очиб дуога,
Бирга минг берсин деб яратган эгам.
Сахийга омонлик сўрар худодан,
Омадлар тилайди душманига ҳам.
Тақдирнинг мавжида толе ахтариб,
Қайрилган бўлса ҳам орзу қаноти,
Ажабки, тангрига мунгли ёлвориб,
Башарга бахт тилаб, кечар ҳаёти.

Қ У Ё Ш

Кўкда ҳоригач Қуёш, болишига қўйди бош.
Само узра юлдуз, ой балқиди, очиб чирой.
Кундуз этмоқчи бўлиб чирандилар, ажабо,
Қуёш ўрнин босмади сонсиз юлдуз, тўлин ой.

ОНАЛАР ҲАҚИДА

Бу онадир, Ватан тимсоли —
Юрагида доим мужассам.
Бу онадир, ҳаёт висоли
Жисми аро бўла олган жам.
Бу онадир, не-не буюк зот.
Вужудидан таваллуд топган.
Бу онадир, бахш этиб ҳаёт
Юракларда орзу уйғотган.
Бу онадир, не-не қаҳрамон,
Даҳоларни ардоқлаган зот.
Бу онадир, оламга аён
Яратгандир онгли мавжудот.
Она борки, ҳаёт булоғи
Қайнайверар абадул-абад.
Она борки, замин қучоғи
Нурга тўлган, порлар коинот.

* * *

Не сабаб бунчалар аразу гина?
Севганим туфайли менми гуноҳкор?
Ишқ ўти сўнган қалб уйғонди яна,
Гўёки қиш тугаб келгандай баҳор.

Бир лаҳза кўнглимни этиб бахтиёр,
Сўнг эса сўзлашмай дилни этдинг хун.
Қолмади ҳаловат, кетди ихтиёр,
Қалб қуши севгининг домида тутқун.

Билмадим, севмоққа ҳақлими бу қалб?
Сен эса юракка солдинг лаҳча чўғ.
Ишқ майи бунчалар ҳам тотли, ҳам талх,
Ундан юз бурмоқнинг иложи ҳам йўқ.

ҚАТРАЛАР

НИНА ВА ҚАРМОҚ

Тўғри Нинавой киёлмас кийим,
Эгри Қармоққа илинар буюм.

ПИЧОҚ

Туғилган чоғда йўрғаклади қин,
Қинда сезармиш ўзини эркин.

УСТАРА

Бўлса ҳамки ўткир Устара,
Қора тошга юз суртар, қара!

ПЛАСТИНКА

Бул ҳам дея замона зайли,
Чир айланар, ишга доим шай.
Бир куйлашнинг ишқи туфайли,
Тилдиради сийнасин атай.

ОМОЧ ВА МОЛА

Темирдан тиш кийиб, у қинғир Омоч,
Ер кўксин беаёв қиларкан пора.
Омоч айбини ёпиб, ёзганча қулоч,
Ортидан юради жонкуяр Мола.

БУРГУТНИНГ ЖАВОБИ

— Чумчуққа тегма, қанча эти бор,
Сенга бу ярашмас, шиддатли шоҳбоз!
— Ҳар қайси овнинг ўзга гашти бор,
Чийиллашига эдим ишқибоз.

ЧҮЛҚУВАР ДҮСТИМГА

Кўкни кучмоқ истагида
Парвозга шай бургутдай,
Орзуларнинг этагида
Чўл қўйнига шошасан.
Чўл ишқида ёнар қалбинг,
Ерга шайдо йигитдай,
Тагин янги ер очай, деб
Жайхун бўлиб тошасан.
Биламанки, қақшаб қолган
Чўллар сени чорлагай,
Чунки хаста бу ерларга
Бермоқдасан сен ҳаёт.
Минглаб йиллар бағрида гул
Кўрмаган чўл яшнагай,
Қўлинг сеҳри, қалбинг меҳри
Қилгуси уни обод.
Бу кун, дўстим, бир сабабдан
Сен кўноқсан уйимда,
Қўноқ тушиб, чўл ишқини —
Жойладинг сен дилимга.
Ғафлат кетди, кўриқ-бўз ер
Ишқи кезар ўйимда
Сен сингари бахт қушини
Қўндирсам бас қўлимга.

КЕЛАЖАККА САВОЛЛАР

Инсонлар қалбидан аримас армон,
Мақсадга интилар доимо ёниб.
Мақсадлар ниҳондир, мақсадлар аён,
Сарҳадсиз орзулар қайнар уйғониб.
Келажак ишқида талпиниб кўнгил,
Хаёлан кўраркан ҳаёт тарзини;
Сўроқлар тугилиб баъзан турфа хил
Ошқора тўксам дер юрак арзини.

Турфа кўринса ҳам дилларда тилак,
Биз учун ягона бўлди эътиқод.
Шу зангор заминда шу бизга тиргак,
Олға интиламиз гоҳ тажанг, гоҳ шод.
Коммунизм сўзи биз учун маёқ,
Шу сўзга пайванддир фикру онгимиз.
Уни тугал қурмоқ, кўрмоқ иштиёқ,
Умиду ишончда отди тонгимиз.

Бизлар талпиниб яшаймиз бу кун,
«Жаннат жамият»да яйрасин деб жон.
Умр-чи, вақтлар измида тутқун,
Хоҳишга бош эгмай тугаши аён.
Бироқ сиз кўрасиз, йўқдир бунга шак,
Эй, бизнинг келажак эвара авлод!
Ушанда сиз бизни бир бора эслаб,
Ташна руҳ сўроғин этингизлар ёд!

Биз қурган жамият сизга-ку асос,
«Ишлаган — тишлайди» — унинг шиори.
Тер тўкиб ишламоқ аждоддан мерос,
Меҳнатдан шон қучар элнинг шунқори.
Бироқ доғ топилар ҳаттоки ойда,
Биз билан гоҳ ёндош юрди қилвир зот.
Наҳотки қилвир йўқ сизлар бор жойда,
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Қийиндир тасаввур қилмоқ ҳам бир он,
Наҳотки бўлмаса давлатнинг ўзи?
Кишилар бўлишиб бир тану бир жон,
Наҳотки бошқарса ўзлигин ўзи?
Таҳдид солмагайми инсонга инсон?
Ягона бир ватан бўлдими бунёд?
Қолипга тушдими ёки барча онг?
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Қонун-ку чекларди юлғич зотларни,
Ноэзгу хислатлар қилинди таъқиқ.
На чора, учраган гоҳо ётлари,
Қонунга чап бериб, яшашди биқиқ.
Инсонга зийнатдир яшамоқ ҳалол
Аксини кўрган чоғ, босарди ҳайрат.
Сизнинг даврингизда наҳот йўқ бу ҳол?
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Баъзилар йўл топиб, йиғди пулу мол,
Яшашдан мақсади келимга илҳақ.
Уларга ўлимдир яшамоқ ҳалол,
Бу йўлда тўр ёзиб, ташлагай қармоқ.
Пулсиз жамиятда булар уруғи —
Неларга сиғиниб, қўйди эътиқод?
Бу чигал савдонинг борми йўриғи?
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Замин сийнасида бир неча тузум,
Ўзгача-ўзгача ахлоқ, сиёсат.
Ҳақ дея билишар ҳар бири ўзин
Бари-ла келишмоқ, ахир аросат!
Уларнинг қўлида қудратли қурол:
Мўлжалга шай турар атом, водород.
Ўйласанг, бу ишлар даҳшатли бир ҳол...
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Кўп ишлар қилинди то бизга қадар,
Тарих гилдираги кетмагай ортга.
Коммунизм иши бизга ҳам-шиор,
Жонимиз фидодир шу қутлуғ юртга.
Бу йўлда толиқмай ташлаймиз қадам,
Онгларида уйғотиб янгича одат.
Бироқ учрар эди гоҳо терс одам,
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Йилдан-йил бўлмоқда турмуш фárovон,
Йилдан-йил ўсмоқда коммунистик онг.
Пок севги кўз очар эркин бу замон,
Пок севги ёқтирмас турфа-турфа ранг.
Бироқ бор ишқдан ҳам кўзловчи фойда,
Ишқдан ҳам қилвир зот кўзлар даромад.
Сизда ҳам учрарми бу каби «шайдо»?
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Буюк иш қилмоққа боғлар эдик бел,
Кўнгилда орзулар гўёки вулқон.
Бироқ банд бўларди уй-рўзғорга қўл,
Сўнг секин совурди томирларда қон.
Қалбга ўй чўкарди қуйқунди бўлиб,
Қарабсиз, умр ҳам ўтибди, ҳайҳот!
Сизлар яшармисиз бундан қутулиб?
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Ўзлашиб битдимиз бутун ер юзи?
«Очил дастурхон»ми бу чексиз жаҳон?
Маҳсулин тутдимиз юлдузлар у кез?
Озигин очдимиз сизга океан?
Даволар топилиб ўлимга ҳатто,
Йўқолиб кетдимиз инсондан ҳасад?
Оламда кўп эди турли муаммо,
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Дўст бўлса юраклар, тинчлик барқарор,
Тинч-тоғув яшашга интиқдир жаҳон.
Биз тинчлик постида турдик шай, хушёр,
Биз зўрлик қилмадик ва тўкмадик қон.
Бирок ер талашиб кекса заминда,
Ҳамонки, инсонга инсонлар сайёд.
Одамзод орзуси коммунизмда
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Партия ишига, кашшоф бўлган чок —
Содиқлик йўлида қилдик қасамёд.
Онгларида партия ғояси чароғ,
Лениннинг йўлидир бизга эътиқод.
Бизларнинг онгдаги жамиятда, сиз
Нелар қилмоқдасиз, недир эътиқод?
Балки руҳ жонлангай дарак берсангиз,
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Бу йўлда курашдик биз ҳам мардона,
Бу йўлда белдадир ҳақлик камари,
Бу йўлда кўрк очар экан замона,
Демакки, бу бизнинг кураш самари.
Бу замон, бу кураш бўлмагай тамом,
Асли-ку, курашлар измида ҳаёт.
Ушбу ҳол сизда ҳам эгарми давом?
Бу қандай ҳал бўлди, келажак авлод?

Ҳали-ку, туғилар минглаб муаммо,
Ҳали-ку, сўроқлар билмагай якун.
Балки ушбу баҳсга қўшилар ҳамма,
Балки жўн сезилар бизнинг баҳс у кун.
Бугун бу — биздаги энг олий туйғу,
Шу йўлда курашгай жами одамзод.
Бизнинг ҳаёл етган, етмаган орзу
Қай йўсин ҳал бўлди, келажак авлод?

Қ А Л А М

Тағин бош эгурман, қадрдон қалам,
Тағин сен қўлимда тўғрилиқ тоши.
Сен доим йўлдошсан келса шодлиқ, ғам.
Сен ўзинг исёнкор руҳим қуёши.
Сенингдай ҳеч кимса бўлолмас сирдош.
Илк севги завқин ҳам кўрганмиз баҳам.
Сен даво — чашмдан тошса қайноқ ёш,
Сен даво — қалбга тиғ тортганда алам.
Сен каби бирор дўст бўлолмас яқин,
Сен қалбим ардоғи, туйғумга маҳрам,
Умримдан розиман борлигинг ҳаққи,
Сен бахтим рамзисан, қўлдошим, қалам!

АБДУЛҲАИ НОСИРОВ

ЖАВДАР



Абдулхай Носиров 1946 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Республика радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар бош редакциясида ишлайди.

Унинг «Кўзгу», «Уруғлар» номли тўпламлари босилиб чиққан.

Гулга кирди ғўза — баҳорги орзу,
Қуёш нурларига чайди япроғин,
Эртанги покиза умидга кўзгу,
Табассуми бўлиб сахий тупроқнинг.

Ҳаприқиб кетаркан кўнгил қурмағур,
Ёшлиқнинг завқлари бошлар ҳаяжон,
Чирқ этган қушчанинг кўзларида нур,
Ќўза баргларида ўйнар саратон...

Қовжираб, қайтади майсалар дами,
Сарғайган баргларда олтин шуълалар...
Уфққа туташиб осмону замин,
Тўлганиб ётибди сўнгсиз далалар.

Отам тонгдан шунда...
Эгат оралар,
Ҳар ғўза баргига меҳр яшириб,
Қумуш соқолида қурум-қоралар...
Гуллар кўзларини кўяр шошириб.

Ҳайратдан кўксига типирлар туғён,
Эшитиб ҳар гулнинг нафас олишин.
Шундай саҳарларни қаршилаб шодон,
Ҳаёти наҳордай безовта, жўшқин...

Тонги шабнамларда ёшлиги қолган,
Далаларда яшар севги ташвиши...
Уйган хирмонлари толедек улкан,
Қулган юзларида қуёш балқиши.

Кун ҳам қайтаётир ёниб зиёда,
Алвон ёгдуларин қориб тупроққа,
Толларни эркалаб ўтган шаббода
Райҳон бўйларини урар димоққа.

Шийпон бурчидаги ўчоқ ловуллар,
Қоқигул юзида оқшом салқини.
Дала ортидаги сой ҳам шовуллар.
Яшил пахтазорга бўйлар тўлқини.

Отам эса ҳамон ғўзалар аро,
(Ясаб олган каби шунда тахт атай).
Бахтига топиниб турарди гўё
Чаноғидан тошиб чиққан пахтадай.

Яктагин тортқилар шамол энтикиб...
Сойга тикилади шафақ бўёғи.
Бу олов чўғларга нигоҳин тикиб,
Кузги хирмонларни салмоқлар, чоғи.

Салмоқлар бахтини
Езиб кенг қулоч,
Хирмондек юксалиб, зиёга тўлиб,
Замин оғушида яйраган қувонч —
Жоним, Ўзбекистон — деҳқоним кулиб...

* * *

Кезмайин не юртни — денгиз, боғ, чаман...
Ой ўтмай ўртайди соғинч жонимни.
Қанот пайдо бўлар гўё
Учаман,
Интизор қилмай деб меҳрибонимни.

Кўз олдимдан ўтар муштипар онам,
Наздимда, қутлайди оппоқ тонгимни.
Қанот пайдо бўлар гўё
Учаман,
Асло зор қилмай деб онажонимни.

Нотинч тушларимда сой бўйи, далам...
Ўт-хазон қопламиш ҳовли-томимни.
Қанот пайдо бўлар гўё
Учаман,
Ҳор — мозор қилмай деб гулистонимни,

Орзиқиб бағрингга ўзни отаман,
Ёр, она, Ватаним, омон бўл абад!
Оламга ҳайқириб оҳим айтаман,
Кўнглим,
Айирмагил соғинчдан фақат!

* * *

Жавдар бўлиб ниш урдим мен,
Бош кўтариб тупроқдан.
Қуёшимни хуш кўрдим мен,
Ҳар тонг нурга чанқоқман.

Ширин куйлар шивирлайин,
Шамолларга пичирлай.
Жавдар бўлдим, ширин-ширин
Тотимни ҳеч яширмай.

Жавдар бўлдим, кафтга олинг,
Мен-ку ахир неъматман,
Кафтга олинг, тафтга олинг,
Тафтингизда ҳикматман.

Олов қўйиб ёқди кимдир,
Танклар янчди... ўсдим мен.
Не йўлларга отди тақдир,
Ўлим йўлини тўсдим мен.

Жавдар бўлдим, тўлиғ доним,
Тўқлик бўлдим мен тагин.
Инсон, яна эзиб таним,
Оёқ ости этмагин.

Қуёш билан ҳур кулайин,
Сезмай ҳаёт тахирин.
Нон бўлайин, нон бўлайин,
Нон бўлайин бир ширин.

Даладан қайтади ярим кечаси,
 Уйқусиз кўзлари ҳорғин, қизарган.
 Сирли тун қўйнида ҳовли саҳнаси,
 Гулзорга ой бахмал ёйиб безаган.

Супада ухлайди ўғил-қизлари
 Уларга шод боқиб, ёзар чарчоғин.
 Кейин... бир нуқтада қолар кўзлари,
 Хотинин сўзларин эслайди, чоғи.

Ўпкалаб арз қипти кеча Алиши:
 — Аҳмаднинг дадаси келар ёруғда.
 Наҳот дадасининг шунча кўп иши,
 Ҳатто тугамаса коп-қоронғуда.

Йўқ, унга керакмас ясама тойчоқ,
 Кубиклар, мошинлар, расм дафтарлар.
 Эрталаб чой ичса бирга, хушчақчақ,
 Шомлари тингласа қизиқ эртақлар.

Қишлоқ йўлдариди яйраб сайр этса,
 Қирларда югуриб қувса капалак.
 Майсалар бағрида кўмилиб ётса,
 Дадасин қўлига тутса гул-чечак...

Ўғлин кўзларидан шуни уқиб у,
 Қалбин ўртадимиди наҳот изтироб.
 Укинмоқ бекордир — деҳқон ўғли-ку,
 Пахтазордан топди шон, қудрат, офтоб...

Ёсини танибди, далада кўнгли...
 Ғўза барқ урганда унинг вақти чоғ.
 Ниҳолга қўрт тушса куйиб-ёнди у,
 Дўл урса, сочида пайдо бўлди оқ.

Хирмонлар бўйи чўзса кўкка юксалиб,
 Фахрдан юксалди куйлаб баралла...
 Аминман, ҳали у сизга мерос деб,
 Фарзандларин бошлаб келар далага.

* * *

Ғанимлар умидин этгали яксон,
Ўтли чизиқларда ўқларга учиб,
Кўриб эртаминни порлоқ, чароғон,
Оталар ўтдилар Днепр кечиб.

Сахролар бағрини этгани бўстон,
Сахролар бағрига биз чиқдик кўчиб.
Кўриб эртаминни порлоқ, чароғон,
Ўтмоқдамиз асов Амуни кечиб.

* * *

Кўчам узра порлаб кечалар,
Дилга меҳр тараб кечалар,
Иўлчиларни чорлаб кечалар,
Йироқларга нур сочиб оппоқ,
Равотимда ёнади чироқ.

Дўст-ёрлар азиз меҳмоним,
Дўсти борлар — азиз меҳмоним,
Дўстга зорлар — азиз меҳмоним,
Йироқларга нур сочиб оппоқ,
Равотимда ёнади чироқ.

Кўл кўксимда, келинг мардона,
Уйим оддий, қалбим — кошона,
Ғанимларга, аммо, ғамхона,
Йироқларга нур сочиб оппоқ,
Равотимда ёнади чироқ.

Сассиз қўшиқ жаранглаб
 Сукунатнинг қўйнида,
 Қуёш томон учади,
 Осилади бўйнига.
 Ҳовуч-ҳовуч нур эмиб,
 Энтикади қучади.
 Ҳайга чўмган заминга,
 Ҳаёт донин сочади.
 Ниш уради ҳали у,
 Талпинади кўк сари.
 Қўлларини узатар
 Жажжи гўдак сингари.
 Ер кўтарар бош узра
 Бошоқларни дон дея.
 Онагинам қувонар:
 — Мана, ширин нон, — дея.
 Шувшиб қолган тандирда
 Ширмой ёпар онажон. —
 Юзларидек иссиғу,
 Узларидек азиз нон...

Онагинам қўлларин
 Силаб ўтар бу қўшиқ.
 Ёғду сочиб, йўлларин —
 Ҳам ёритар бу қўшиқ.
 Қават-қават ажинлар
 Ёзув эмиш, хат эмиш.
 Сукунатга айланган —
 Эзгулик — ҳаёт эмиш.
 Бу хатни ўқиб, қўшиқ —
 Оқ сочларга қўнади.
 Орзу бўлиб қолади,
 Кўзларида ёнади —
 Бўронларда яралган
 Сукунат қўшиқлари,
 Туғёнларда яралган
 Сукунат қўшиқлари...
 Сассиз қўшиқ жаранглаб,
 Фазоларда учади.
 Қуёш, тупроқ, онамни
 Маҳкам-маҳкам қучади.

УТИНЧ

Бешикка сол, бела, майли, онаси,
Ухласин деб қўлларини боғлама.
Енган кўнглим ўртар жиндек ноласи,
Банди айлаб мурғак бағрин доғлама
Жонимизнинг...

Баҳор юриб кетса...
Ойдин йўллари —
Ерқин истиқболга олиб боради.
Эркинликни истар бу кун қўллари,
Жонимизнинг...

* * *

Хур яшашга қўшиқ ўргатди...

Муса Жалил

Қушча каби учар эди қўшиғи,
Қушча каби учар эди орзуси.
Қўшиқ эди осмони-ю, борлиғи,
Қўшиқ эди ойнакўли — кўзгуси.
Қўшиқ эди орзу, хайрат, ўйлари,
Қўшиқ эди овози ҳам, сўзи ҳам.
Қўшиқ эди қиру дала, уйлари,
Эркин қўшиқ эди унинг ўзи ҳам.
Қўшиқ эди...
Булутларни тиларди,
Ёритарди самовотнинг йўлларин.
Қўшиқ эди...
Наҳор каби куларди,
Ногоҳ ёвлар кишанлади қўлларин.
Шодлик учун яралган эрк — қушчани —
Банд этди ёвлар озод қўшиқни.
Қўшиқ эса ёндирдию кечани,
Бошин уриб парчалади тўсиқни.
Панжаралар темирини қайириб,
Деворларни ёриб чиқди ул қўшиқ.
Тик отилди, отилди-ю қайрилиб —
Қуёшга, сўнг ерга боқди ул қўшиқ.
Одамларга боқди дард-ла, алам-ла,
Одамларнинг тақдирига йиғлади.
Тақдирини этиб ёрқин аланга,
Одамларнинг тақдирига боғлади.
Учиб ўтди қонлар узра, ўт узра,

Учиб ўтди дарёлардан, қирлардан.
Қизил қонга бўялибди бу курра
Огоҳ бўлди одамлардан, сирлардан.
Олам узра учиб борар қушгинам,
Олам узра қуёш нури, қуюни.
Қўл узатар унга ўғлим, онам ҳам.
«Қўшиқгинам, ёритақол уйимни...»
Булутларни тилиб борар ул қўшиқ,
Елкасида башар, дерди, армони.
Қуёш томон олиб борар ул қўшиқ
Одамларни, сайёрани, дунёни.

МУШАК.

Кўкни нишон қилар
Замбарак,
Ер-осмонни тутар овози.
Лов-лов ёнган олов чамбарак
Самоватнинг чирей-пардози.

Болакайлар қийқириб, қувнаб,
Югуришар кўчалар томон...
Кўчаларда кўрку тантана,
Кўчаларда шодлик, ҳаяжон...

Бахти бутун эл
Бу қутлуғ кун
Қалб меҳрини этиб пайваста,
Шаҳид мардлар шарафи учун
Отаётир тўпдан гулдаста.

* * *

Тик чўққига пастдан боқаман,
Хаёлимни этади мафтун,
Уй селида узоқ оқаман,
«Салом» дейман кўксимда кафтим.
Кексайибди, сочлари оплоқ,
Аммо, турар йигитдек мағрур.
Турар ғамга бош эгмай мутлоқ,
Бош эгмоққа йўл қўймас ғурур.

* * *

Улар қўшни... ўртада девор...
Турфа феълү, муроду, ҳавас.
Уйлари бор, бир хил боғи бор,
Бир-биридан ортиқ-кам эмас.

Улар қўшни... ўртада девор —
Қушлар учун қўналға макон.
Анов қўшни тош отса зинҳор,
Манов қўшни чорлаб сочар дон.

Улар қўшни... ўртада девор...
Турфа феълү, турфа оқибат:
У ҳовлидан қушлар ҳам безор,
Бу ҳовлида яйрайди фақат.

Ажаб, дунё... кимга кенг, ё тор...
Икки қўшни... ўртада девор...

* * *

Ниҳолларни айлаб ҳимоя,
Булутларни қучиб бахтиёр,
Шамолларга сўйлаб ҳикоя,
Боғ четида шовуллар чинор.

Ажаб, лолман билолмай сирин:
Бошда офтоб, ерда сояси.
Шохларига қушлар қўймиш ин,
Танасида илон уяси...

* * *

Сен туғилдинг...

Чинор шохини кесиб,
Бешик ясадилар бежирим бирам.
Бу ёруғ дунёга талпиниб келиб,
Ерга қадам қўйдинг, биринчи қадам...

Улғайдинг...

Оламнинг дардларин сезиб,
Қирларда гул узиб висолга ташна...
Чинорнинг каттакон бутогин кесиб,
Уй тиклаб бердилар.. Сўнг тўй-томоша...

Умрни сой дерлар...

Энтикиб, жўшиб,
Кексалик қасрига етиб борган дам —
Чинорнинг яна бир навдасин кесиб,
Қўлингга тутишгай асо хотиржам.

* * *

Йигит яраланди жанг чоғи оғир,
Гурсиллаб майдонга қулаб тушди у.
Бехос узун кишнаб юборди айғир,
Киприклар учида қалқиди инжу.

Аланга ёприлиб жони-танига,
Номарднинг тигидек тилди кўксини.
Кимсани йўлатмай шунқор ёнига,
Кимсадан асради жондош дўстини.

Тур, дея, пичирлаб қилди илтижо,
Елкамга мин, дея, ёлворди фақат.
Суворий кўзларин очмади, аммо,
Вафодор отига қилмади шафқат...

* * *

Усмон НОСИРга

Устоз,
Суратингга термулдим яна,
Томар томчи каби қалбимга шеъринг.
Қарагин, бу ҳаёт телба, пўртана,
Сўқмоғи алдайди топгунча сеҳрин.
Сен каби ошиқлик дардида куйдим,
Қонимнинг оташи
Жўшар сарбасар.
Қизларнинг дастидан ғазални суйдим.
У менга меҳрибон, вафодор дилбар.
Бутун ошиқликни бахш этдим унга,
У билан айлайман тунлари висол.
Кунларим уланиб етади тунга,
Ва лекин шеърият кўрсатмас жамол.
Сенинг ҳисларингни ўғирлаган шеър
Ошиқ юрагингга қилмади вафо.
Ўлимнинг йўлини тўсолмаган шеър,
Менинг ҳам бошимга солибди савдо.
Сенингдек булбулин сайратиб ҳаёт,
Шеърият бағрида яратди гулшан.
Шеъриятни сенми ёндирган, ҳайҳот,
Ё сени шеърият айлади гулхан?!

Қўшни маҳаллага борган кунмиди,
Урди мени катта болалар бошлаб.
Кўз олдим кундузми ёки тунмиди,
Олтин балиқчани чорладим йиғлаб:
— Рост бўлсанг, эртагим, сўрайман фақат,
Катталарга бергин инсоф, диёнат.

Бир қизни севардим, севарди у ҳам,
Кун аро борардим қошига йўқлаб.
Севгимга хиёнат қилган кун санам,
Олтин балиқчани чорладим йиғлаб:
— Рост бўлсанг, эртагим, сўрайман фақат,
Қизларга бер дея вафо, садоқат.

Болалик дўстимдан айрилдим кеча,
Оқни қоралади бағримни тиглаб,
Уйимга келдим у ётиб тонггача,
Олтин балиқчани чорладим йиғлаб:
— Рост бўлсанг, эртагим, сўрайман фақат,
Дўстларга бер дея меҳр-оқибат.

Ҳаёт боғларида териб насибам,
Куйларман ҳамиша ҳақни улуглаб.
Йўлларда қоқилсам, тойсам, йиқилсам,
Олтин балиқчани чорлайман йиғлаб:
— Рост бўлсанг, эртагим, сўрайман фақат,
Ғолиб келсин доим одил ҳақиқат.

«Қўй, йиғлама, не керак, айт, ўғилчам...»
Мен ўпаман кўзларингдан, юзингдан.
Юпатмоқчи бўлар сени онанг ҳам:
«Гиргиттоним, айланайин, қўзимдан...»

Сен-чи, яна йиғлаганинг йиғлаган,
Ич-ичингдан тошиб келар хўрлигинг.
Қандай дард у юрагингга сиғмаган?
Қандайин дард кўрсатмоқда зўрлигинг?

Хўнграб-хўнграб тишлагайсан лабингни,
Мадад сўраб мўлтирайди кўзларинг.
Нелар эзар мурғаккина қалбингни,
Кўз ёшингдан шалаббодир юзларинг?

— Аразлади, мендан дўстим, жонажон...
— Йиғла, дардинг оғир экан, болажон...

«Ўн саккизга кирмаган ким бор...»
Э. Воҳидов

Кўзларида ҳаяжон тўлиб,
Қанот бўлиб икки қулочи —
Учрашувга ошиқар кулиб,
Кутаётир боғда қувончи...

Тўлғонади сочлари узун,
Тўлғонади қорайиб кеча.
Учрашувга ошиқар мамнун,
Шундай сокин, ғаройиб кеча...

Боши узра сочилар гулбарг,
Иўл-йўлакай сочилар хаёл,
Учрашувга ошиқар дилбар:
— Қандай бўлар биринчи висол...

Чуғурчуқлар шўх куйлар мунча?
— Куйлаб туринг шундай тонггача...

2

Чуғурчуқлар шўх куйлар мунча,
Сув юзида нурдан жимжима.
Шундай сокин, ойдин бу кеча,
Кўкси ичра қалқир бир нима?

Боши узра эгилар қайин,
Япроқчалар пичирлар беун.
Сочларини тараган майин,
Бармоқлари титрайди нечун?

Шўх ирмоқлар тизаётир байт,
Умид бўлиб етаклар тонгга.
Қучоғидан отилиб бир пайт,
Югуради келган томонга.

Тилларидан учар ашула:
— Оқшомгинам, менга бахт тила...

3

Тилларидан учар ашула,
Югуради яшнаб бир орзу.
Йўлларига тўкилар шуъла,
Юлдузлардан тўкилар ёғду.

Сочларининг сочиб бўйларин,
Хиёбонга таратиб анбар —
Ҳилпиратиб ҳарир кўйлагин,
Югуради ул ёрқин қамар.

Югуради она бағрига,
Қувончларин айтмоқ чоғланиб.
Бир ўт кирар кеча қаърига,
Юзларида ёнар тўлғаниб.

Ўн саккизнинг ёлқини будир:
— Бу ёлқинни сўндирма тақдир...

* * *

Ҳар тонг мени шивирлаб,
Уйғотади оқ қайин.
Кўзларимни сеҳрлаб,
Жилмаяр маъсум, майин.

Япроқларин тутади,
Кафтим узра аста у.
Юрагимни ўртади,
Қайинми бу ё сулув.

Шивирларми ё кулар,
Боқиб мөвий осмонга...
Бир кун мени жоду-ла
Бошлаб кетар ўрмонга.

К У К Л А М

Денгиз оқар, кўм-кўк денгиз,
Ўлкам оралаб.
Денгиз оқар — шошқин-тенгсиз,
Юртга кўрк тараб.

Тўлқинида ўйнаб келар,
Баҳор малаги.
Орзусини куйлаб келар,
Сўйлаб тилагин.

Қир-адирга миниб олиб,
Кулгудан ёнар
Дилга жўшқин оҳанг солиб,
Минг бор товланар

Шу кулгудан далаларни
Буркаб чаманга —
Ёйиб алвон лолаларни,
Сочар аланга...

* * *

Боққа етаклади қордаги излар...
Вазмин янги излар — бир ўтли калом...
Ардоқли дўстини қучгандек бўзлаб,
Қўшчинор пойида турарди бобом.

Олис-олисларга хаёли кўчиб,
Олис-олисларни ўпар нигоҳи...
Яна қушуйқуси саҳар кез қочиб,
Баҳорини қўмсаб кезарди боғни.

* * *

Кўкда офтоб чарақлаб кетди,
Нур пуркади водий бағрига.
Тизма тоғлар ярақлаб кетди,
Кифтин тутиб оташ меҳрига.

Жилоланар чўққиларда қор,
Минг хил рангда ён бағри ёнар.
Салқин шамол эсар беғубор,
Хуш кўкламдан кўнгил қувонар.

Тоғ ҳавосин шимираман шод,
Гиёҳ каби яйрайди таним.
Ҳамма ерда уйғонар ҳаёт,
Баҳор бўлиб гуллар Ватаним.

* * *

Замин ухлар — беозор замин,
Оқ кўрпасин тортиб бошига.
Замин ухлар, туш кўриб ширин...
Ажаб, нелар кирар тушига?

Оқ шуълага тўлиб кучоғи,
Ёғдуларга чўмилиб фақат.
Ташвишларни унутиб, чоғи,
Замин ухлар, тўплар куч-қувват.

Замин ухлар, қилманг безовта,
Тўлғонмасин титраб ногаҳон.
Куйиб ёнган жанг, сурон ўтда,
Кўнгли ярим, ярадор, нолон...

Миллионларни бағрига олиб,
Ўртаниб у, чўчиб ётибди.
Одамлар, ҳа, одамлар толиб,
Ер кўксини қучиб ётибди.

Тирикларга тутар неъматин,
Дариг этмай ризку рўзини.
Она-ерим, ваъле неъматим,
Феъли кенгим, очдинг кўзимни...

Замин ухлар — беозор замин,
Оқ кўрпасин тортиб бошига.
Замин ухлар, туш кўриб ширин,
Нелар кирар экан тушига?

Балким кўрар тушларида гул,
Навбахорнинг табассумини.
Куртак бўлиб барқ урган кўнгил
Нурга буркар бахт мавсумини.

Қ О Р

Оққув бўлиб учиб қўнар кафтимга,
Эриб кетар тафтимга,
Сирли, момик қор...
Қор, қор...
Мунча бегубор.

Нафасимга олай дейман,
Қафасимга олай дейман.
Эриб кетар тафтимдан,
Оққув бўлиб учиб қўнар кафтимга.
Кафтимда жон бермоқчи,
Тафтимда жон бермоқчи.

Жон беради,
Тан беради —
Қор...

Аmmo...
Баҳор бўлиб очилади у ҳали,
Наҳор бўлиб очилади у ҳали.
Кўкат бўлиб бўй чўзади қуёшга,
Жон улашар қир-адирга ва даштга...
Гул, ниҳоллар баданида югурар,
Ўй-хаёллар чаманида жўш урар.
Дарахт бўлиб, эгилади мевадан,
Ким айтади кумуш қорни беватан?
Қор, қор...
Мунча бегубор...

Сирли, момик қор.
Оққув бўлиб учиб қўнар кафтимга,
Эриб кетар тафтимдан.
Эриб кетар...

Эриб битар...
Йўқ, эримас ризқу рўзим,
Қор — оппоқ сўзим...
Ризқу рўзимни,
Оппоқ сўзимни —
Бағрим каби зангор осмоним,
Осмон каби кенг далажоним —
Вўзаларим кўтаради бошига,
Пахта қилиб, тош қўшади тошига.
Пахтами у?
Йўқ, у — кўнгил,
У — эзгу орзу...
Оппоқ, оппоқ ҳаммаёқ —
Қор, қор, —
Сирли момик қор,
Мунча беғубор...

* * *

Тоғ бағрида кезаман шодон,
Олчазорлар олар ҳушимни.
Ҳисларимни жўштирар ўрмон,
Учираман орзу қушимни.
Денгизларда сузаман дадил,
Шўх тўлқинлар бўлади ҳамдам.
Яйраганда эслагин, кўнгил,
Бу дунёни яшнатган — одам!

* * *

Ҳаёт йўлларимда чироқдир доим
Оталардан мерос қалбдаги олов.
Ҳаёт йўлларимда маёқдир доим,
Бош узра порлаган алвонранг ялов.

Оталар изини босмоқлик шараф,
Авлодлар йўлига тутганча машъал.
Оталар талпинди қуёшга қараб,
Энг буюк саждагоҳ, офтобдир азал.

* * *

Иўқ, ҳаётим бўлса ҳамки гул,
Ҳаловатни истамас кўнглим.
Йўлларимда учраса довул,
Ором ол, деб қистамас кўнглим.

Дадил бориб қир-сўқмоқлардан,
Довонларни ошайин бардам.
Утиб сахро, чўл, қумлоқлардан,
Юрт меҳрини куйлайин ҳар дам.

Маҳкам боғлаб белбоғни белга,
Одамларга бўлай ҳамнафас.
Ҳалол хизмат қилмоқдир элга
Юракдаги ягона ҳавас.

Орзуларим этаркан парвоз,
Эзгуликка ундаб иродам.
Меҳнатни, дер, айлагин эъзоз,
Одамлар-чун туғулур одам.

ШЕЪР САДОСИ

«Балки таним ўлгандир, сўнган эмас овозим...»

М. ШАЙХЗОДА

«Йўқ: мен ўлган эмасман, йўқ, мен ўлган эмасман,
Умрим — буюк пиёла, ҳали тўлган эмасман».

Ҳақиқатнинг қуёши — устоз, ўлган эмассиз,
Халқ қалбида чинорсиз, зинҳор сўлган эмассиз.

Сиз яшайсиз авлодда, парвозланган қанотда,
Кундалик ҳур ижодда, яшнаётган ҳаётда.

Сиз яшайсиз боғларда, ҳикмат тўла тоғларда,
Юракларда, оҳларда, оқшом, саҳар чоғларда.

Сиз яшайсиз бўсада, шодлик билан ғуссада,
Ёзилажак қиссада, айтилажак ҳиссада.

Сиз яшайсиз гулимда, пахтазору чўлимда,
Кемаларда, қўлимда, истиқболли йўлимда.

Аммо, барвақт кетдингиз юракда армон бўлиб,
Хайр ҳам демадингиз, биз қолдик хайрон бўлиб.

Кўзимизда ёш қолди, қўлимизда ўлмас шеър,
Ғафурга мактубдан ох, титраб кетди оташ ер.

Бирга бўлган даврлар келдимикин хаёлга,
Интизорсиз суҳбатга, сухани шакар-болга.

Илк шеърхонлик йиллардан очилдими саҳифа,
Кулгу, гурунг, шўхликлар, аския-ю, латифа,

Пушкин боғида шеърлар ўқиб, оқшом кезишлар,
Пиво ҳўплаб ёшликнинг сафосини сезишлар.

Тушдимикан хотирга айрилмас дўстлик йиллар,
Лаблар лабда эди-ку, қўлларда эди қўллар.

Мактубни топширмаслик одатингиз йўқ эди,

Аmmo бундан оғирроқ хизматингиз йўқ эди.
Адресини билолмай бўлдингизми овора,
Наҳот, наҳот топилмас бундан ўзга бир чора.
Наҳот илож топилмади тоқширмоққа бу хатни,
Ўзингиз кетдингизми ўтказмай деб фурсатни?
Ўзингиз кетдингизми, наҳот бизларни ташлаб,
Ўзингиз кетдингизми, наҳот кўзларни ёшлаб,
Дилларни етим айлаб кетсангиз ҳам эй, устоз,
Парвозда янграб қолди сиз куйлаган шеър-овоз.

ПАХТАЗОРДА КУЗ

Бошимизда қаҳрабо фасл,
Пойимизда тўзгиган хазон.
Ўзбекистон дилрабо асл,
Хазони ҳам оловли тўзон.

Водийларни буркаб ётибди,
Қанотини ёйганча оққуш,
Деҳқон тонгдан ўйга ботибди:
«Бу баракам ўнгимми ё туш?»

Пахтазорда букун тўшаги,
Пахтасига қўйган бошини.
Увишади доим юраги
Тўкканида осмон ёшини.

Баҳор чоғи уни ардоқлаб,
Қайноқ ерга сочган-ку, ахир.
Сел, довулдан авайлаб, сақлаб,
Бағишлаган оташин меҳр.

Униб чиқди, кўтариб ҳадя,
Олам ичра топай деб қадр.
Сахийларга сахийман, дея,
Шунқорига очибди бағр.

Деҳқоннинг дард қувончи — гўза,
Кўзларининг зиёси, нури.
Ҳар биридан оларкан бўса,
Қолар яна тупроқда меҳри...

Бошимизда қаҳрабо фасл,
Пойимизда тўзғиган хазон.
Ўзбекистон дилрабо асл,
Хазони ҳам оловли тўзон.

* * *

Енмоқни истайди бу кўнгил,
Енмоқни истайди ловуллаб.
Оловга зор этмагил, сингил,
Ўчоғим қолмасин ҳувиллаб.

Кўринса мўрида кўк тутун,
— Ўчоғида ўти бор, — дея,
Ўткинчилар кундуз ёки тун,
Эшигимни очишар қия.


Келаверсин, яхшилар келсин,
Оловимга келсин одамлар.
Олов эрур энг буюк тилсим,
Олов эрур голиб Самандар...

Одамлар бор: бағрин ел тилсин,
Нафс куйида юрар биқсиниб.
Вечора бу қалблар не қилсин,
Еқолмаса ўтда кўксини?

Сен оловни ўчирма, сингил,
Келаверсин яхшилар уйга.
Оташ пуркаб ёнса гар кўнгил,
Яхши шеърдек ёнар мангуга.

ГЕЛДИ БЕРДИЕВ

ТУРНАЛАР



Гелди Бердиев 1942 йилда Қашқадарё областининг
Ғузур районида туғилган. Қарши Давлат педагогика
институтини тугатиб, ўқитувчилик қилди, Самарқанд
область радиосида ишлади. Ҳозирда Ўзбекистон Езувчи-
лар союзи Қашқадарё область бўлимида консультант.

Бунга қадар унинг «Биринчи қор» номли тўплами
чоғ этилган.

ҚИЗИЛҚУМ

Қизариб ётибди бепоён сахро,
Гўё еримизнинг ўғай бўлаги.
Бунда ҳам ҳаёт бор, ҳаёт бор, аммо,
Сув, дея бемажол тепар юраги.
Майда зарралардир уфқдан уфққача,
Осмон ҳам заррадир, замин ҳам зарра.
Унинг қучоғида номаълум қўшиқ,
Ифода қилолмай ўзин овора.
Не ҳол, деб ўйлайсан ҳайрат ичра лол
Қовжироқ гиёҳнинг не кечгай умри.
Гўё қум ичида қолгандай қилол,
Қумга қоришибди офтобнинг нури.
Шамол тарамлайди бағрин эрта-кеч,
Емон туш кўргандай бўласан шунда.
Бу ерда нима бор, андуҳми севинч?
Бунда ҳамма нарса тўзар қуюнда.
Шундоқ ўтиб кетди миллион-миллион йил,
Саволсиз, жавобсиз ўтди кўп замон.
Аввалги гапларни сен бугун қўйгил,
Асримиз яратди ўзгача инсон.
Бугунги асримиз мард фарзандлари,
Ойда ўтов тикиб ёқмоқда олов.
Аммо еримизнинг бир парча бағри
Қум оташ ўтида ёнмоқда лов-лов.
Наҳотки шу бўлак сувсиз, оташда,
Наҳотки шу бўлак яйдоқ ва яланг,
Наҳотки шу бўлак ётса қарғишда,
Наҳотки шу бўлак ўзгартмаса ранг?
Наҳотки, наҳотки қумни тупроққа,
Айлантира олмаса фан ҳамда замон?
Ишонгум фарзандлар турса оёққа,
Қизилқум «Қизилгул» бўлмоғи аён!

НАВРЎЗ

Бутун атроф чароғон, ўлкага ёғмиш шукуҳ,
Ҳар дилга баҳор кириб, тетиклана бошлар руҳ.

Насим эсар тоғлардан, кўкда ситора хушқол,
Анҳорда олтин олма — қалқиб кетмоқда ҳилол.

Ногаҳон янграб кетса қизларнинг қаҳ-қаҳаси,
Шу бўлса керак дейсан бу наврўзнинг даҳоси.

Аввало, деҳқон юртим, баҳорга тўйиб олгин,
Эй она ер, уруғни бағрингга суйиб олгин.

Сумалак ранг боғлардан анқисин кўклам ҳиди,
Қуртак бўлиб гул ёйсин ғунчаларнинг умиди.

Бозордан хуржун тўла отамиз қайтиб келсин,
Бу йилги тўкинликни қувониб, айтиб келсин.

Тандир, ўчоқ бошида доим бўлсин онамиз,
Оналарнинг меҳри-ла ёруғ бизнинг хонамиз.

Янги кун, янги фасл, мен бугун туриб саҳар,
Ўзим ва ўзгага ҳам тилайман янги зафар!

АМУДАРЕ БЎИИДА

Амударё, Амударё, мени олиб кет,
Амударё, этагинга мени солиб кет.

Қулоч ёйиб, оғушингда жўш уриб кетай,
Тўлқинларинг бешигига тўш уриб кетай.

Қуёш эмган мавжларингда товланай бир зум,
Сувларингда юлдуз бўлиб акс этсин кўзим.

Сапчиб юксак қирғоқларга, оқавергин лим,
Майли, шундай суронларда ўтсин бу умрим...

Шу пайт дарё тўлқинлари жоду-сир эди,
Енаётган бағримга у сув сепиб деди:

— Кўп тошиқма, истиқболинг олдинда ҳали,
Олиб кетсам, не кечади онангинг ҳоли?

ТУРНАЛАР

Кўкни бирдан чулгаса турналарнинг хониши,
Қалам тушар қўлингдан, шеърнинг ҳам кераги йўқ.
Жаҳонгашта ўйларинг кета бошлар тоғ ошиб,
Тўниб қолган бағрингга тушар бирдан лаҳча чўғ.

Кўлами тор ва мижғов хаёллардан қутулиб.
Бепоен самоларга тикиласан шундай пайт.
Ўтаётган турналар карвонига кўз тикиб,
Ана, дейсан, мен йиллаб излаб юрган ўша пайт.

Турналар хонишида, турналар карвонида,
Жонланади қайтадан хира тортган ёшлигинг,
Йўқолган нарсанг гўё тургандайин ёнингда,
Яхшиликка йўйилгай бу кеча кўрган тушинг.

Салом, азиз турналар, сизлар фазо бекаси,
Сиз борсизки бизларга самолар қаъри суюқ.
Бизнинг нигоҳимизни тортмаса қушлар саси,
Кимга ҳам керак унда ҳувиллаган бўм-бўш кўк.

БЎРОН

Эй каби эгилди найза тераклар,
Бўрон увиллайди хазонлар сочиб.
Гоҳо мўриларни най қилиб чалар,
Қушлар уясига кирдилар қочиб.

Қуёш қайда қолди, кўринмас осмон,
Тўрт тарафда ахир тўзонли туман.
Дўстлар, огоҳ бўлинг,
Мабодо бўрон —
Қуёшни учириб кетмадимикан?!

ТАРОЗИ

Уни яратдилар одамлар ўзи,
Ўзаро низога қўямиз деб чек.
Бузиб ҳам қўйдилар келганда кези,
Тагин жар солдилар ўзи деб бузуқ.
Тарозига гоҳо тушса ишимиз,
Учрамасин деймиз унинг носози...
Одамлар, мен сиздан қўрқаман баъзан,
Бугун қўлингизда дунё — тарози.

ҚЎШИҚ ҲАҚИДА

Мен «алла»га маҳлиё бўлиб,
Кўз очганман қўшиқ остида.
Сўнг улгайдим бахтиёр, кулиб,
Қувноқ қўшиқ айтиш қасдида.

Қўшиқ айтса онам тун чоғи,
Тинглай-тинглай юмганман киприк.
Қўшиқ бўлди олам қучоғи,
Саҳарларда уйғондим тетик.

Бир кун тугар югурик умр,
Келар ўша мангу ором ҳам.
Дўстлар, тутмам истагимни сир:
Қўшиқ билан ухлатинг у дам.

Х А Ё Л

Мана, ташқарида савалар ёмғир,
Унга тикиламан деразам оша.
Ёмғир қуйилади кўз ёшдай оғир.
Сени ахтараман ҳисларим тошиб.

Ёмғир орасида ажиб туш каби,
Менга тикиласан, энтикиб, севиб.
Сени хаёлимдан қуволмайман ҳеч,
Сен ҳамон турибсан ёмғирда ивиб.

«НОМАЪЛУМ АЕЛ СУРАТИ» ҚОШИДА

Ўтмишнинг ул боқий лаҳзаси ичра,
Суратлар бекаси, турибсан мағрур.
Ортингда ёйилмиш туманлар хира,
Юзингда минг йиллик жилва билан нур.

Сенинг кимлигингни билмоқ шарт эмас,
Буни билмаганлар, билолмаслар ҳам.
Мени қизиқтирган сенинг исмингмас,
Мени қизиқтирар бу гўзал олам.

Ўтмиш — узун арқон, тугунлари кўп,
Ҳатто вайрон бўлди мўъжиза Помпей.
Замонлар куйдириб кул қилди буткул
Қанча эҳром,
Қанча шаҳарларни, ҳей!

Сен эса мангусан, «номаълум аёл»,
Гўзаллик тангриси, сулувлар тожи.
Худди менга ўхшаб миллион инсон дол
Қошингдан ўтади тошиб қувончи.

Чунки сен севгисан, қуёшдан парча,
Дунё ноёблиги сенда лиммо-лим...
Сенга очигини айтсам,
Ҳозирча —
Менинг ҳам севгилим сендек номаълум!

ХАТО ҚИЛДИМ

Секин-секин унутармиз бир-биримизни,
Айри-айри кетар бир кун йўлларимиз ҳам.
Елга айтиб, гулга айтиб ўз сиримизни,
Кўчаларда дуч келармиз жуда камдан-кам.

Ет йигит-ла хандон отиб кезганингда боғ,
Йўлиқади сенга мунгли боқиб бир кимса.
Бирпасгина тикилиб сен менга ўша чоғ,
Гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб, дейсан: «Бу ўша!»

Мен ўшанда сўрамасман сендан ҳеч вақо,
Рухсатингсиз тикиламан фақат бир нафас.
Истардимки пушаймоним ҳаққи, махлуқо,
Севганди, деб ич-ичингдан хўрсинолсанг бас!

И Л Т И Ж О

Кўзларимни юмаман узоқ,
Чўкиб сўнгсиз ўйлар қаърига.
Йўлларингга боқаман муштоқ,
Ташнадирман оташ бағрингга.
Карвонидан ажралган турна —
Мисол хониш қилгум оқшомлар.
Дилбаргинам, ҳолимга қара,
Оҳим билан қораяр шомлар.
Ахир айтгин, нима қиламан,
Қандай чидай бу оғир ўйга?
На йиғлайман, на-да куламан,
Нега солдинг мени бу кўйга?!

Қ А И Т И Ш

Севардинг-ку у замон,
Юзларимдан ўпардинг.
Йироқ кетсам, ўша он —
Излаб-излаб топардинг.

Қайтгин ўша аслингга,
Ҳузуримга кел шошиб.
Агар етсам васлингга,
Кетмам энди тоғ ошиб...

Е Л Ғ И З Л И К

Бир йил бўлди, ёлғизликдан,
Қалбим тилим-тилимдир.
Ул донолар айтган гап ҳақ,
Елғизлик бу ўлимдир.
Ўз уйимда ўзим баъзан
Ваҳимага тушаман.
Номаълум ўй-хаёллардан
Ногаҳон бўшашаман..
Сўнгги чора излаб кейин,
Чека бошлайман шу зум.
Чироқларга тикиламан,
Шафақланади кўзим.
Нимадир у?
Ўт кетдимми?
Енаятими хонам?
Шу лаҳзада газ ўчоғи
Кўринади жаҳаннам.
Шу пайт бирдан ёпишаман.
Трубкага — «01»га.
Сўнг уёқдан садо келар,
Ўт тушди, деб, қаерга?
Йўқ-йўқ, ўша маҳали мен
Трубкани қўяман.
Бу танҳолик азобини
Ваҳимага йўяман.
Тағин ўша оғир ўйлар
Тинч қўймайди бирор зум.
Эшигимни чертар кимдир,
Кимсан, айтгин,
Кимсан, ким?
Аллақандай оғир қўллар,
Бўғабошлар бўғзимдан,
Ялинмоқчи бўламану,
Садо чиқмас оғзимдан.
Ердам сўраб, «02»га —

Ёрдам, дейман,
Тезроқ, тез!
Трубкада бўғиқ овоз:
— Кимсиз? Қандай? Исмингиз?
Йўқ, йўқ, дейман, янглиш бўлди,
Трубкини қўяман.
Бу даҳшатли ҳолатни мен
Елғизликка йўяман.

Шундоқ ўтар бу узоқ тун,
Тонгга маҳтал боқаман.
Яна аллақандай ўйлар,
Оғушида оқаман.
Бемор бўлсам керак, дейман,
Соппа-соғман аслида.
О, ёлғизлик қандай оғир
Йигит ёшинг фаслида.
Ҳа, қалбимнинг туб-тубида
Сезаман бир чўнг оғриқ.
Менга ёрдам беринг, ёрдам,
Менга керакдир ҳордиқ.
Бу «03»ми, дейман саҳар,
Кириб келар врач қиз.
«Кулбангизда сиздан бошқа
Кимингиз бор?
Наҳот Сиз...»
Сўнгги чора излаб,
Аста —
Елғизлигим сўзлайман.
Елғизликни даволанг, деб,
Ундан нажот излайман.
Уни кўриб ғойиб бўлар,
Ваҳималар эртаги.
Доктор қизга дейман секин:
«Учрашайлик...
Эртага...»

ЭКРАНДАГИ ҲАЁТ

Қоронғу хонага тўпланиб олиб,
Одамлар томоша қилишди бизни.
Чўлу саҳролардан қидирдим толиб,
Охири, фариштам, топдим мен сени.
Қанча воқеалар ўтди...
Бир соат —
Ичида иккимиз бола-чақали.
Сўнг — кўнгил совишлар...
Қолмади тоқат!
...Ярим соати бор кинонинг ҳали.
Сен ёниб у дединг, мен эса бундай,
Хуллас, қарор қилдик ажралмоққа биз.
Сўнгги қисматимиз тугади шундай,
Қор узра солдик биз икки томон из...
Одамлар — қоронғуда,
Биз эса — нурда,
Буни яширмадик, шу гуноҳ фақат.
Улар гап қилишар бутун умрида:
Биз эса яшадик бир ярим соат.

ШАҲРИСАВЗ

Баҳор баҳонадир, дийдор ғанимат,
Мен бугун боғларнинг қўйнига келдим.
Қўл етмас висолдай бу дамлар қиммат,
Хиёбон оралаб ҳисларга тўлдим.
Қўрғон деворидан қолган «етим»лар
Буй чўзиб турибди фалакка беҳол.
О, сенинг бағрингга келмади кимлар,
Мен эса ўғлингман, кел, бағрингга ол!
Кетмон дастасида қаварган қўлдай
Боботоғ тепангда, қат-қат қадоғи.
Мен тушиб ўтгани келмадим йўлдан,
Сен ўзбек юртининг нури-қароғи.
Мен билган афсона сенинг ҳақингда
Сиқим тупроғингга арзимас балки.
Асрий афсоналар айтган ақида.
Ахир, сен ўзингсан Кенагас халқи.
Сўлим боғларингни мен танҳо кезиб,
Кафтингда лов ёнган қуёшни кўрдим.
Аср-асрларни турибди тизиб,
Кўнгил малҳами деб Тағобга юрдим.
Ох, кирди бағримга ажиб бир шамол,
Қизгалдоқ баргидай учди ғамларим.
Бу дара қўйнида кўринди камол,
Кўзимга кўринди ёшлик дамларим.
Ўтган муҳаббатга бир боқдим қиё,
Гулдаста ясадим турфа гуллардан.
Менинг кўзларимга шу эди дунё,
Еш бир болакайдай чопдим йўллардан,
Асрини кўтарган инсондай, қаранг,
Ишкомлар тизилиб турибди қатор.

Қушлар учиб юрар оралаб аранг,
Бир парча тупроққа соябон чинор.
Сув ичар минг йиллик туёқ изидан
Овчига чап берган каклик галаси.
Оҳ чекиб чопади милтиқ кўзидан,
Сўнг томга урилар ўқнинг ноласи.
Учмоққа шай бўлган Ғиркўк учаси —
Мисоли товланиб кўринар қирлар.
Аста бота бошлар қуёш парчаси,
Асрий саховатдан сўзлар адрлар...
Хайр сенга, Тағоб, эй, сўлим дара!
Хайр сенга, Китоб, эй, сабза шаҳар!
Шоирлар келганда куй бўлиб янгра,
Эй, ўзбек элининг бошидаги зар!
Сен бир муқаддима бўлдинг ўйимга,
Тоғлардан тонглари таралган нурдай.
Узинг мадад бўлгин шеърим, куйимга,
Дарвозанг очикдир ҳаммага бирдай!

АШУРАЛИ АХМЕДОВ

Н У Р



Ашурали Аҳмедов 1936 йилда Тожикистон ССР Ленинобод областининг Конибодом районида туғилган, Тошкент Давлат университетини 1959 йилда битириб, журналистик касбини эгаллади. Ушандан буён матбуотда ишлаб келмоқда.

А. Аҳмедовнинг «Сенга ошиқар юрак», «Сени деб келдим», «Дил оралаб», «Хуморингман», «Қўшчинор қўшиғи» номли очерклар тўпламлари, «Қўшқанот», «Мен — Ватан ўғлиман» каби шеърий китоблари чоп этилган.

Н У Р

(Д о с т о н)

Апрелга муносиб қўшиқ-куйим бор,
Апрелга, дунёга ошиқлигим бор.
Апрель нафасидан маст эрур кўнгил,
Апрель гулшанидан термоқчиман гул.
Оппоқ туйғулардан қурмоқ-чун чаман,
Қўлимга қувнаб мен қалам оламан.
Хаёлан устознинг ўпиб қўлини
Танладим наврўзнинг илк оқшомини.
Ёниқ ҳисларим бу — юрак кўзгуси,
Кўзгуда аке этар дохий туйғуси.
Мовий кенгликларга тикиб кўзимни
Имтиҳон олдида сездим ўзимни.

* * *

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йил,
Тонг отари.
Учинчи апрель.
Ойлар ичра энг қутлуғ айём,
Ўзгачадир фарахли оқшом...

* * *

У вақтларда мен туғилмагандим,
Менга аёнмасди олам ишлари.
Давр меҳрига йўғрилмагандим,
Билмасдим мен унинг сир, ташвишларин.
Лекин мен йўқман,
Менинг ҳаққимда
Ўйлайдиганлар бор эди бироқ.
Эртанги куним ва тақдиримдан
Сўйлайдиганлар бор эди бироқ.

Ҳали мен яшардим касиб отамнинг
Юрагин тўрида, орзуларида.
Чордевор ичида мушфиқ онамнинг
Эзгу тилагида, туйғуларида.
Лекин бахт ахтарган ўзбек ўғлони
Тимсолида шу тонг гавдаландим мен.
Илмий тафаккурнинг буюк даҳосин —
Ҳаётбахш қўлларин тутиб юрдим мен...

* * *

Питер кўчаларин кезаман ҳайрон:
Ҳар кўча хатарли,
Ҳар гўша дардли.
Оташин қалбларда соғинч ва ҳижрон.
Борлиқ кўз ўнгимда туманли, гардли.
Кўзларим ўнгида икки хил олам.
Икки хил мафқура,
Икки манзара.
Ғоявий курашлар этмоқда давом,
Тўлқинлар зарбидан тўлғоқли куррам.

* * *

Қушдай енгил сезиб ўзимни,
Майдон аро ташлайман қадам.
Истиқболга тикиб кўзимни,
Ширин ўйга толаман бу дам.
Ҳамма нарса ҳаётбахш менга:
Улкан туйғу, буюк умидлар.
Тонг кулажак эртанги кунга
Оппоқ ҳислар мени етаклар.
Октябрнинг нурли бешигин
Созламоқда бўрон қушлари.
Баҳор қоқар унинг эшигин.
Бахтдан дарак берган сингари.

Вақт — замоннинг учқур йўрғаси,
Унда бордир олмос бир қанот.
Инқилобий кураш кемасин,
Рулин тутар шу тонг улуг зот,
Қандайдир бир интилиш меҳри,
Янги тақдир кутар дунёни.
Тарихда бир бурилиш даврин
Бошлаб берар Апрель сурони.

* * *

Қор тагида сеп ёзар баҳор,
Лекин қишнинг ўйинлари бор.
Ҳали Нева очолмайди лаб,
Юзин қоплаб ётар доғ-чойшаб.
Булутларга бўлгандай асир
Қуёш кулмас, тутқун, беназир.
Изғиринда мудрайди ўлка,
Қучоғида қора кўланка...

* * *

Табиатнинг бордир қонуни:
Ҳамма нарса ахир ўзгарар.
Тун қўйнида туғилади тонг,
Тонгда эса орзу бошланар.
Асрларнинг юкин ортмоқлаб
Ғам тоғларин кўтарди Инсон.
Минг йилларким, тун ҳам қаҳқаҳлаб,
Нур ўрнида бўлди ҳукмрон!
Қачонгача қақшар одамзод,
Бахт-иқболдан нечун бегона?
Қачонгача тун яшар, ҳайҳот,
Нечун жаҳон ҳамон ғамхона?
Ўргимчакдек тўрин ёзиб Тун
Олам аро солса-да даҳшат,

Умид деган буюк тушунча
Яшайверди заминдай фақат.
Шафқат кутиб турмасин асло,
Тез чекинсин энди қора Тун.
Кўланкасин йиғсин қабохат,
Бичилмоқда кафани букун.

* * *

Баҳслашар бир тўп министр,
Тақдиридаң сўз очиб бир-бир:
«Ахир бор-ку ишчи-советлар,
Бизга ҳамкор, содиқ кадетлар,
Ишчи-солдат, Советлар яқдил,
Бизнинг йўлдан борармикан эл?
Ҳокимият бор,
Бор янги тартиб.
Бўлар, наҳот, уни ўзгартиб?
Романовдан қолган иморат —
Ичра турган Вақтли ҳукумат,
Балки қулаб битармикан, ё
Советларга ўтармикан, ё...»
Министрлар жуда асабий.
Баҳслашар кўҳна Рус жиддий...
Қалқир майдон,
Қалқир халойиқ,
Одимлари таҳсинга лойиқ.
Қалқир оқим,
Қалқийди бўрон,
Шовуллайди мисоли ўрмон.
Гўё тоғдан йўл олган ирмоқ
Айланмоқда дарёга шу чоқ.
Дарёлар-чи, бўлажак денгиз.
Тўлқинлари қудратда тенгсиз.
Ҳамнафасдир тилак, орзулар,
Қалбларга ёр эзгу туйғулар.

Фикр яқин,
Тиниқдир туйғу,
Туйғулар бу — курашга кўзгу.
Кимни бунча кутар одамлар?
Кимга қалбин тутар одамлар?
Рўй берурми бирон бир аҳвол,
Сўзла юрак, бу қандайин ҳол?!

* * *

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йил,
Тонг отари,
Учинчи апрель.
Қор тагида сеп ёзур баҳор,
Энди унинг чакмоқлари бор.
Гулдурайди момақалдироқ,
Тун қаърига солур зирқироқ.
Ҳар сония учар яшинлар,
Ғарбу Шарққа кўчар яшинлар...

* * *

Тутқич бермас қизгин лаҳзалар
Эзгуликдан беради хабар...
Лаҳзаларда олмос қанот бор,
Қанотида кулар истиқбол.
Сепин ёзиб бошланган баҳор.
Қишга кафан бичмоқда хушҳол.
Бу лаҳзада отмоқда чечак
Сир бўйлари, Кавказ боғлари.
Уларда ҳам тонглар кулажак.
Бу кун Шарқнинг тўлғоқ чоғлари.
Бу оқшомда давр кемаси
Ўз эгасин кутар интизор.
Қачон келар унинг дарғаси —
Қачон келар буюк Исёнкор?

Уни ахир кутяпти олам,
Уни кутар вулқонли асрим,
Уни кутар Марказком бу дам,
Уни кутар келажак, наслим.
...Марксдан сўнг уйғоқ дунёни
Ленин тутди ўтли кафтида.
Башар ўғли еру самони
Тоблади ўз юрак тафтида.
Рус ўғлони жаҳон тақдирин
Ўз тақдири билан боғлади.
Ишчи-деҳқон ҳаракат йўлин
Ўз йўлим, деб дангал танлади.
Курра бўйлаб кулсин адолат,
Эрксиз башар топсин бахтини.
Шунинг учун туғилган фақат,
Бағишлар у ўз ҳаётини.
Иродаси — букилмас метин,
Таъқиблардан чўчимас зинҳор.
Қалби — вулқон,
Тафаккур — чақин,
Нигоҳида чексиз қудрат бор!
Гар бўлмаса ишчи Россия,
Туғилмасди шундайин Инсон!
Етилмасди революция,
Унда кучга тўлмасди вулқон!
Дунё иши, келажак учун
Зарур эди Лениндай инсон.
Учқундан у чиқарди чақин,
Зарядланди ундан кенг жаҳон.
Шу олам-чун жафокаш ўғлон
Зарур эди сув ва ҳаводай.
Давр бермаса уни, бегумон —
Етишмасди олам зиёга!

* * *

Эй, Россия, эй, она ўлка,
Қувон, бу тонг ўғлон келади.
Буюк ишқинг чорлади йўлга,
Толенинг сен томон келади.
Европада улуғ муҳожир
Тақдирингни ўйлади узоқ.
Зафар йўлинг чизиб бирма-бир,
Иқболингни сўйлади узоқ.
Зулмат ичра сўнмас нур бўлиб,
Коммунанинг қурди асосин.
Бу кун эса севишча тўлиб,
Кўрар ўзин иш натижасин.
Қувон, Ватан, қучоғингни оч,
Ленин келар сени соғиниб.
Уни кутгил,
Бошидан зар соч,
Уни кутгил ўғлингдай ёниб,
Қани, сиз, ҳей, тоғ бургутлари,
Пешвоз чиқинг, қалқинг оёққа.
Талпининг эй,
Сир элатлари,
Сиз ҳам уни кутиб олмоққа.
У келяпти уйғоқ халқига,
Ўзи тузган партиясига.
У келяпти тўлқин қалқиган —
Инқилобий Россиясига.
Қани сиз, ҳей, тоғ бургутлари,
Шошилинг тез,
Ўртоқ Коллонтай.
Юртни қучган тун булутларин
Парчалаш-чун, Серго, бўлинг, шай!
Эй, Россия,
Тўлғоқли ўлка,
Бу кун сени бўрон кутади.

Қўзғол,
Қўзғол,
Оловли йўлга,
Ўғлинг сенга машъал тутади!

* * *

Мудроқ тун кўйнида дарёдай уйғоқ
Унинг висолига ташна хаёллар.
Туннинг пардасини йиртгудай шу чоқ,
Инқилоб нафаси — баҳорий еллар.
Мисоли рассомдай Нева юзига
Тонг аксин чизмоқда оқшом табиат,
Тўлқинлар мавжида тонг юлдузига
Талпиниб боқмоқда кўклам, тароват.
Ениқ ҳисларимни секин аллалаб,
Олдинда тонгларим кўринар балқиб.
Эзгулик оламин қучиб, шарафлаб,
Буюк Ленин келар, тўлқинга боқиб,
Ҳаво кемасидай тун чокин ёриб,
Рельсларда ўқ каби учади поезд.
Қўлларида байроқлар, машъала ёқиб,
Одамлар оқади вокзалга шу кез.

* * *

Ленин ҳайрат билан боқар оммага,
Уни эркалайди Апрельнинг ели.
Муштарак бирликни сезар ҳаммада,
Ленин қутлар қизгин
Исёнкор элни.
«Табриклайман сизни, ўртоқлар! —
Дея нутқин бошлайди Ильич —
Буюк сафда шаҳар, қишлоқлар,
Қуролимиз найза ва қилич!
Буюк сафда янги Россия,

Сизни кутар бу кун инқилоб.
Социалистик революция,
Тарихларга очар янги боб!»
Машъаладай, Ленин қалбидан
Отилган шу янгроқ садолар —
Еру кўкни кучди залл билан,
Қалқигандай денгиз, дарёлар...
Нурга чанқоқ дилларга гўё
Доҳий сўзи нур бўлиб кирди.
Камалакдай бердию жило,
Гулбаҳорнинг бўйин уфурди...

* * *

Қуёшда бор қудрат, ҳарорат,
Тўлин ойда чирой, тароват.
Ленинга ёр чексиз саховат.
Саховатга йўлдош саодат,
Боғлиқ эрур улар бир-бирига,
Бу яқинлик илдизи — нурдан.
Шу нурда бор — буюк муҳаббат.
Шу нурда бор — меҳр ва шафқат!

* * *

Шу нурдан бошлайди умр йўлларим,
Шу нурда чайқалиб баҳор шовуллар.
Шу нурга йўғрилиб бахт манзилларим,
Мармар тонг қўйнида боғларим кулар.

* * *

Буюк қалъам,
Менинг нур қалъам,
Буза олмас сени бирор куч.
Дўстлик боис сенсан мустақкам,

Иғвогарнинг хаёллари пуч!
Шу қалъада ўн беш уйим бор,
Ун беш уй бу — ўн беш гулшан боғ.
Шу боғларда мангудир баҳор,
Нафасидан кўксим мудом тоғ.
Озодлигим, бахтим, толеим
Буюк устоз этгандир таъмин.
Юлдузларга туташдир йўлим,
Нур гулшани менинг Ватаним!

* * *

Ўтли домна печдай туюлар менга
Давр оташида замондош қалби.
Унинг ловуллаши ўхшар мартенга,
Тинчликнинг пўлатин қуйиш матлаби.
Эзгулик йўлида тоб берур унга
Учқундан аланга чиқарган юрак.
Нарвон қўймоқ учун юлдуз томига
Шиддат оловида ёнмоқлик керак!
Денгиз тўлқинидай чайқалур йўллар!
Қуёш ёгдусидай унда нур оқур.
Нурга чанқоқ бўлган эркесвар эллар
Менинг нур қалъамга талпинур, боқур.
Зулмга қарши тиг тоблаган дунё —
Йўллари шу йўлга туташур шаксиз.
Озодлик байроғин тутиб кенг Дунё,
Тақдирин боғлади курашда ҳар кез.
Оламда неча йўл, неча кўча бор —
Менинг йўлларимга қўшилур бари.
Нур йўли — ҳақиқат.
Нур йўли — баҳор.
Шу нурдан покланур олам боғлари.
Мен ўша тонгларни кутгум орзиқиб.
Қалбимга ҳамнафас кураш ва зиё.
Лек тақдир йўллари ётибди чангиб,
Нур ва соялардан иборат дунё.

Ер шари айланар кўзим ўнгида,
 Фикримни тортади қусурли йўллар.
 Чақмоқли оламнинг мармар тонгида
 Ҳамон эсаётир аччиқ шамоллар.
 Қайдадир изғийди қишнинг нафаси,
 Тутқун юракларда ғам-алам қат-қат.
 Дардли оёқларда қуллик ҳалқаси,
 Мусибат тоғлари елкада фақат...
 Океан ортида уруш шарпаси,
 Мўлжалга шай турар юзлаб нейтрон.
 Қулоққа чалинар бомбалар саси,
 Урушга нафратдан қалқийди жаҳон...
 Юзма-юз турибди нур билан соя,
 Юзма-юз турибди қабоҳат, шафқат.
 Юзма-юз турибди икки хил ғоя,
 Мафкура кураши авжида фақат...
 Денгизда йўлидан адашган каби
 Нейтрон кемасин кутар ҳалокат.
 Васваса солса-да, Оқ уй асабий,
 Тинчликнинг кучлари сафда ҳамжиҳат.
 Патрис Лумумбанинг қутлуғ қонидан,
 Негр ўғлонлари тутганлар байроқ.
 Мустафо Субҳийлар кечди жонидан
 Туркия осмони булутли бироқ.
 Исёнкор Неттанинг янгроқ созидан
 Анголанинг ўчди қуллик уйқуси.
 Пабло Неруданинг куй-овозидан
 Чилини қоплади кураш туйғуси.
 Сальвадор Альенде ўққа учганда,
 Эрк учун бонг урар Луис Карвалан.
 Қийноқлар, азоблар енгил кўчмагай,
 Лек ҳурлик байроғи тушмас қўллардан...
 Қитъалар,
 Қитъалар,

Уйғоқ қитъалар,
Оловли йўллардан ўтиб боради.
Инқилобий бўрон дунёни қучар,
Бахт, эрка кўксини тутиб боради.

Х о т и м а

Дунё бамисоли чексиз океан,
Якдил халқлар сафи унинг қудрати.
Йўналиш бераркан ленинча даҳо,
Пўлат оқимларнинг ошар шиддати.
Йиллар — замонанинг олтин кемаси,
Сизни суронлардан олиб ўтади.
Лениннинг ўзидир унинг дарғаси,
Дунё йўлларидан голиб ўтади.
Асрим юрагида яшар Энгельс,
Асрим юрагида Маркс нафаси.
Дунёни титратиб сузмоқда дадил
Буюк коммунистлар улкан кемаси!
Кемаки, тинчликка мустаҳкам таянч,
Уни қулатолмас ҳар қандай зўр куч.
Йўлидан адашмас Москва — маёқ,
Йўл босар,
Йўл босар,
Тиним билмас ҳеч!
Қитъалар юкини ортиб ўзига,
Олга айлантитар тарих чархини.
Тўхтамас ҳаракат,
Ленинча ҳаёт,
Довуллар тўсолмас унинг зарбини!
Мачтада ҳилпирар шафаранг байроқ,
Ленин байроғи бу, мангу енгилмас.
Унинг соясида, туриб сафларда
Эрксевар ўлкалар чекиниш билмас.
Кеманинг суръати солур ташвишга,
Ортда мушт ўқталар ғанимлар, бироқ —
Яшинлар йўлини бўлурми тўсиб?


Йўқ, албат гулдиран момақалди роқ!
Ленин сўзи оқар қонимда бу кун
Мен ҳам шу сафдаман —
Кемада борман.
Эрк учун,
Бахт учун,
Ҳақиқат учун
Дунёга жар солиб, менман бахтиёр.
Эзгулик қурашин силсиласида
Мен ҳам бир жангчидан
Кўзларим чақин.
Давримга ҳамнафас куйим, оҳангим,
Жабҳалар аро мен яшинман, яшин!
Товушим хастамас,
Товушим янғроқ,
Ҳиссиз юраклардай паст эмас зинҳор.
Овозим кимгадир солар зирқироқ,
Ортимдан тош отар қайси бир ағёр!..
Афсуски, кемада мен билан борар
Елимдай ёпишиб «шилимшиқ қуртлар»
Ўргимчак ин қуриб қай бурчагига,
Унда изғиб юрар,
Нажот ахтарар.
Баъзан ўз қобигига ўралиб аста
Унда чиғаноқлар бўлур намоён.
Қўйнинг терисини бошга ёпиниб
Бўрилар не учун турар ёнма-ён?
Наҳотки, муртадлар менинг кемамда,
Олис манзилларни кўзлайди, наҳот?
Улар кемамизда ортиқча юк-ку,
Нечун буюк сафда керишар қанот?
Дўстларим, доимо бўлайлик хушёр,
Кемага қўнмасин заррача ҳам гард,
Покиза юраклар чекмасин озор,
Ҳаётда пок кимса тортмасин ғам, дард...
Эй, Ленин кемаси,

Олам сен билан,
Океанлар аро «қоқавер қанот».
Тўлғоқли Дунёга нурсан, ҳаётсан,
Яша, Ленинизм —
Боқий таълимот!

1970.

САБРИДДИН САДРИДДИНОВ

ЕР АЙЛА НАДИ



Сабриддин Сабриддинов Тошкент шаҳрида 1944 йилда туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугаллаган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон радиосининг «Ешлик» радиостанциясида муҳаррир бўлиб ишламоқда.

С. Сабриддиновнинг «Мен йўлдаман» деб номланган илк шеърий тўплами китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

ЕР АЙЛАНАДИ

(Достон)

1

Шошда гуллади анор,
Мадҳин ўқир андалиб.
Бир ёни шафтолизор.
Кетмиш кўкка қадалиб.
Бир томонда анжири
Ғарчча болга буланган.
Боғи-роғлар занжири
Бир-бирига уланган.
Селпиниб ўйнар товус
Боғларида хиромон
Бўзсув билан Кайковус
Минг йилларки ҳур-омон.
Қанча сув оқиб ўтган
Санаб етмас асрлар.
Тўлиб барака қутга,
Яна қанча таширлар.
Охулардай тинмайин
Қалқиб борар шом-саҳар.
Утиб одам кун сайин,
Қолмагандай бўш шаҳар.
Айтар бўлсак, тор келар
Тарихнинг панжараси.
Эрксевар, ботир эллар,
Ўзбекнинг шажараси.
Широқ бобо авлоди
Шошга бўлдилар посбон.
Шакларнинг меҳри-ёди
Бугунги Кўҳна Сакбон.
Боши Тиёншон қадар,
Кенг яйловлар этакдир.
Кўрки нигоҳинг тортар.

Ҳар тоши бир эртақдир.
Ун қадамда мадраса,
Беш одимда саройи.
Ҳар бурчакда учраса
Не ажаб тарих жойи.

Шошни ёдлаб Бобиршоҳ
Кўздан ёшин об қилган.
Ўқчини эслаб гоҳ-гоҳ
Шамширин тавоб қилган.
Восифий васфин битган,
Кўҳна Тошкент ана шу.
Меҳмонга қулоч ёзган.
Қучоғи кенг ана шу.
Асрлар ойнасида
Жилва қилган бу авлод.
Она ер сийнасида
Камол топсин умрбод!

2

«Ялт» этди-ю боқийлик
Сингди йиллар қаърига.
Шошдаги бу воқеълик
Кирди унинг бағрига...

Тошкент жомеъ масжиди,
Янги шаҳар черкови —
Бари қор ичра эди
Уша йилнинг қиш чоғи.

Ярим подшоҳ саройи
Ва беванинг кулбаси
Узра тўшалмиш эди
Бирдай, қорнинг кўрпаси.

Сарой бўшади бироқ.
Кулба — умидга тўла.
Ўртада қорачироқ .
Пирпираб сочар шуъла.

Кампирнинг ҳисларидай,
Лопиллайди, тутайди.
Хонани тўлдиролмади,
Зўр беради, титрайди.

— Буви, — дейди ниҳоят
Бола гапга очиб лаб:
— Отам ҳақда ҳикоя
Шу оқшом беринг сўзлаб.

Соз жойланиб танчага,
Кампир узоқ олди тин.
Ва бошлади чўпчагин.
Бола қулоқ тутди жим.

Бола жим тутди қулоқ,
Ўтмишга ўй бурилди.
Воқеа худди шу чоқ
Кўз олдида тирилди...

3

Капалак қўнгандек ўриклар шохи
Ғуж тўлмишдир оппоқ гулларга тонгда,
Булбулнинг очилиб илҳом булоғи,
Эркалар уларни минг бир оҳангда.
«Чирқ-чирқ» этиб чумчуқ усуллар берур,
Тинглашади эгиб бинафшалар бош.
Бу куйлар сеҳридан ой аста эрир,
Бу куйлар сеҳридан туғилар қуёш.
Иўқ, балки шуқуҳли бу сарин дамлар
Кўрмоқчун уйғонган қуёш Гулнорни.
(Оҳ, билишсайди ўз ҳуснин одамлар,
Билишсайди, бу куч, бу иқтидорни...)
Агар бу эл бўлса гўё чаманзор,
Гулнор бешак, унинг раъноси ўзи.
Дунё — китоб бўлса, одамлар ашъор,
Гулнор унинг асл маъноси ўзи.
Унинг учун кулар тоғларда чечак,

Унинг учун елар боғларда сабо,
Шундай гўзал эди янги келинчак...
Агар куёвидан қилмасам ибо,
Айтар эдим оппоқ қад мрамрини,
Назокат ва соғлиқ бунёд этган гул!
Бўз кўйлак остида қўш каптарини,
Кўзларки, сеҳридан эрийди кўнгил...

4

...Чойқумгон остида чирсиллар ўтин,
Тандирда илийди оши ҳалоли.
Тоғнинг чеккасида ингичка тутун,
Ўрмалар мисоли бир тўп чумоли.
Кўзин очар Чўпон, эски кулбаси
Шинам тортган, ҳар ер оп-орастадек.
Одил табиатнинг қутлуғ туҳфаси,
Кўринар бир қучоқ шод гулдастадек.

— Гулнорим!

— Бегимжон!

— Қўй, бек атама,

Қандай тенглашади чўпон бекларга.
Ўкситма ўзингни, мени алдама,
Чўпонлик тушгандир бизнинг чекларга.
— Йўк, йўк... Сиз маъсума қалбим бегисиз,
Тоғ-тошларга сиз бек,

Шунча кўрklarга!

Қувончим, ғуссамга!

Жуссамга эгасиз,

Сиз бексиз бизнинг бу толей-эрklarга.

— Ох, бу тилларингга қурбон бўлсин жон,

Кел, ўпайин, жоним, ширин тиллардан!

— Вой, уят, уят-ку, ахир, бегимжон,

Уяламан қараб турган гуллардан...

— Боқиб сенга, жоним, — чўпон ёниб дер, —

Нечук ажралмадим эсу қушлардан.

Кел, эркам, шу саҳар битта ўпич бер...

— Бегимжон, уялинг анов қушлардан...

Муҳаббат ноласи чиқади авжга,
Ҳислар хансирайди қайноқ вужудда.
Севги шукуҳидан юраклар мавжда
Замин жим, замон жим, осмон осуда.
— Шундай бахт, — дердим мен, — бўлсин давомдор
Қушлар уни куйлаб қилсинлар парвоз.
Тоза муҳаббатга сермавж чечакзор
Бағрин ёзиб ташлаб, бўлсин поёндоз!

5

Боғлар лобар, лолалар ёқут,
Шўх кўкламнинг соф ҳавосида.
Аммо шунда бир ҳовуч булут
Келиб қолар ҳам либосида.
Соясига боқиб ўзининг
Ер юзида кўрмас нафосат.
Алаmidан ёрилиб кетар...
Йиғлашади гуллар бу фурсат.
Гўзалликни кўра билиш бахт!
(Шундай бахтдан қилма бенасиб.
Улуғ тангрим, берма менга тахт,
Лаънат муҳрин қўймагин босиб, —
Гўзалликни сўрайман ҳар вақт).
Булут ортиб уқлар қанотга,
Тошлар узра елар шўх шамол.
Дам бермасдан кўпирган отга,
Кулба сари келар оқсоқол.
(Оқсоқоллар, маъзур тутингиз,
Ватан учун тепар дилингиз.
Балолардан омон ўтдингиз,
Буюрганда она элингиз.
Сир борсизки, йигит қадди тик,
Басир кўзга ақлингиз чироқ.
Сиз-ла рўшно кунларга етдик,
Сиз туфайли, пурҳикмат Широқ!
Муқаннадек оловда ёнган,

Машраб бўлиб тортилган дорга.
Номсиз,
Номдор,
Меҳр қозонган
Оқсоқоллар бўлган диёрда,
Бугун бизлар бахтимиздан маст,
Мардлингиз юракда ҳавас,
Рухингизга келтирган имон.)
Оқсоқоллар маъзур тутингиз,
У бетавфиқ оқсоқол эди.
Ўз даврида чирик бир илдиз
Асли насли оч шоқол эди.
Оч кўзлари бешиё, сўник,
Буг ўрлайди хумдек бошида.
Рапида юз, бедаво хунук,
Мешдек қорни эгар қошида.
Оқ тўриқнинг қайтар нафаси,
Ўн ботмон юк остида бешак.
Дунё ишин кўринг, қисқаси,
От устида ўтирар эшак.
— Ҳо-ой, ким бор?! — қилади овоз, —
Борми бунда бирор тирик жон!
— Марг теккурлар! — кичқиради боз,
Қаршисига югурар чўпон.
Ассалом...
— Ҳим...
— Келинг, отахон...
Нурафшондир сиз-ла кулбамиз.
— Қўй сўярсан балки беимон,
Бу кулбангга ким зор, бетамиз!
Гап шу: эрта туриб саҳарда,
Эллик қўйни ажратиб шитоб,
Элтиб бергил ўзинг шаҳарга,
Сени кутар жаноби арбоб.
Хўп...
— Ҳа, дуруст...

— Фақат, отахон...
— Нима? Гапир, беимон тўнғиз!
— Қўрқмасмикан... тоғлар шип-шийдон...
Келинингиз қоларкан ёлғиз...
Оқсоқолнинг кул босган кўзи,
Остида чўғ совуқ чақнар зум.
— Кампир келар, кўрқса бир ўзи,
Сенга хотин, менинг-чи — қизим.
Сенларни деб ҳалакман, ҳалак,
Тезроқ отлан, хўпми, бетаъсир?
Мен кампирга берайин дарак...
— Қуллуқ, раҳмат, кўп раҳмат, тақсир.

6

Тоғлар орасида бепоён яйлов,
Боғлари, сувлари жаннатга ўхшар.
Бунда шод қушларни қилмасак ҳисоб,
Қўйлару чўпонлар, улуғлар яшар.
Аслида бўлса жабр, қўйларга жабр,
Қассоб пичоғига етмай ақли шод.
Рўзгор ташвишида чўпонда сабр,
Дунё ўйинидан улуғ ақли шод.
Ҳа, бунда чўпоннинг ити ҳам бордир.
Баъзида суюшиб дейишар Сиртлон.
Битта суяк билан у бахтиёрдир,
Эгасига содиқ, вафодор ҳар он.
Шу яйлов фарзанди биз билган чўпон,
Аяди табиат гоҳ бахтни ундан.
Кўрк берди, куч берди, ғайрат бир жаҳон,
Лек чақнаб кулмади толеси чиндан.
Капалакдай яйрар яйловда Гулнор,
Муҳаббатга тўлган тоза вужуди.
Пойига бош урар мавжланиб гулзор,
Жилвакор бахтининг йўқдир худуди.
— Бегимжон, йўқлабди бизларни улуғ,

Нечун татимади дастурхондан туз?
Меҳмон қадами-ла хонадон қутлуғ,
Нечун отдан тушмай буриб кетди юз?
Сехргар кўзларда қалқийди савол,
Шубҳа парда тортар шўх нигоҳларга.
— Не хабар келтирди, бегим, оқсоқол,
Не юмуш бошлабди уни тоғларга?
— Келтирибди улуг, арбобнинг сўзин,
Эллик қўй ҳайдашни айтди шаҳарга.
— Чиқиб келибди денг оқсоқол ўзи.
Тавба, тонг саҳарлаб ушбу хабарга?
Бир ғашлик тебратар Гулнор кўксини:
— Бегимжон, ҳайдашиб борсам қўйларни...
Бундан полвон йигит қолар ўксиниб:
— Сен-а, йўқ, йиғиштир бундай ўйларни!
Буни сенга раво кўрмасман, Гулнор,
Бу сўзинг тиғ бўлиб ботар юракка.
То белда қувватим, танда жоним бор
Қўй ҳайдаш равомас сендай малакка!
Тонг қоронғусида кетсам отланиб,
Шаҳарда бўлурман айни хуфтонда.
Шу ондаёқ қушдек мен қанотланиб
Васлингга етишгум келаси тонгда.
Кампирин йўллайди, тушда оқсоқол,
Елғиз зерикмассан, бўлади ҳамроҳ.
— Бегим, — томар Гулнор тилларидан бол, —
Сизга худойимдан тилайман паноҳ!

7

ЧУПОН ҚУШИҒИ

Ойдинли тун ойларга боқиб,
Онагинам, сени ўйлайман.
Дилгинамга ўтларни ёқиб
Армонларим сочиб сўзлайман.

Меҳр тўла иссиқ тафтингни
Вужудимда сезаман ҳамон.
Пешонамда қадоқ кафтингни —
Сезмай, энди қалбимда армон.
Узун-узун эртақ сўйлардинг,
Қисқа бўлди умринг эртақдан.
Ҳазин-ҳазин алла куйлардинг,
Ҳазинлиги қолди юракда.
Сенмасмидинг меҳрга чашма,
Менмасмидим эмган кўксингдан.
Мен эдим-ку меҳрга ташна,
Сенмасмидинг мен-чун ўксинган,
Не кун эди, нени билардим,
Ташлаб кетдинг, бунда қолдим зор.
Қучоғингда яйраб кулардим,
Ташлаб кетдинг, олам бўлди тор.
Фақат ойга ёрардим дардим
Ойдинли тун ойларга боқиб.
— Онажоним қайтар, ой, — дердим,
Кўзларимдан ўксик ёш оқиб.
Чорлаганда боласин она,
О, дилимга симров тушган чоқ...
Зўр ҳавасдан ёна ва ёна
Дердим, ундав онам кўркамоқ!
Дердимки: у бўлса гар ҳаёт,
Кўмоч эмас, нонлар ёпарди.
Юзларимни силаркан бот-бот,
Улардан кўп суйиб ўпарди.
Онам учун эркалатди ой
Водийларда узоқ тунлари.
Зар кўйлақлар тикди серчирой
Байрам бўлган ҳайит кунлари.
Аёзли тун тандир ичида
Иссиқ уймас она тилардим.
Сигинардим тақдир кучига
У кимсасиз гўдак йилларим.

Минг бор шукринг қиламан, худо,
Алҳол этдинг, мени бахтиёр.
Бу жисмимга ато қилдинг жон,
Гулнордек қиз бўлди менга ёр.
Минг бир рангда товланди дунё,
Ўксик қалбим бахтларга тўлди.
Бундай бахтга борми интиҳо.
Гулнор менинг имоним бўлди.

8

Бўрибосар бирдан қаттиқ хуради,
Чўпон дарбозада нигорон, маҳтал,
Ниҳоят туйнукдан кимдир сўради:
— Безовта қияпти, ким у бемаҳал?!
Гарчи қўпол эди мўъраган овоз,
Татиб кетди бу он мисоли сафир.
— Чўпонман, элликта қўй келтирдим соз,
Мен қайтишим лозим, ўргилай тақсир!
(Дунё қурилгандир нечун норасо?
Бу расолик гарчи бугун эмас сир,
Терс дунё ишига яна бир мисол:
«Тақсир» каломига қофия «тахқир»).

— Ев босдими, малъун, қайга шошасан,
Яхши одамларни қилиб безовта.
Тонгда қўйларни мен оламан санаб...
Йигитнинг юраги ёнар азобда.
Йил каби чўзилди қопқора бу тун,
Юлдузлар оқ тонгни кутдилар хумор.
Чўпон қалби аро ўкирар қуюн,
Остида тўшаги гўё тиканзор.
Эҳ, унинг оловли нигоҳларида
Туннинг қора бағри ёниб кетмади.
Гулнор билан бўлган никоҳларига.
Хатто, ҳали уч ой тўлиб етмади.
Қуёш ёйиб чиқди ипак толалар,
Интиқ чўпон қалби ғамдан беҳузур.

Қўй-қўзига тўлди яна далалар

Лек аста одимлар арбоби тушгур.

— Ҳей, кимсан, йўқладинг тунда не учун,

Ё катта бобонгдан бормиди қарзим?

— Улуғим, чўпонман, ҳар хизмат — бурчим, —

Тиз чўқар алп йигит. — Тақсир, бор арзим:

— Оқсоқол буйруғи, мана эллик бош...

— Хо-хо-хо, — кулади арбоб, — хо-хо-хо...

Қўй дегил, э, қўйми, кексами ё ёш,

Оқсоқол айтдими, ўзи-я танҳо!

Бутми қўйлар?

— Бут, улуғим, бут.

— Бўрига ҳеч нарса олдирдингми, йўқ?

— Бу чоғда бўрилар солмаслар човут.

— Ростми?

— Ҳа.

— Йўқол, — арбоб урар дўк.

— Тақсирим оламан дегансиз санаб...

Итдан қўрққан соқов берар шундай бас.

Бу сўздан арбоб кетади саннаб:

— Қўйларимга бўри тегмабдими, бас!

Сўнг бирдан арбобнинг феъли хушланар,

— Хўш, ўзинг бўридан қолдингми омон?

Ҳозирги бўрилар тулкидан айёр,

Мана, хизматингга, олақол, чўпон!

Мис чақа жиринглаб думалар ерда,

Жон томир узилиб кетгандай бирдан.

Ана, инсонликнинг қадри-қиммати,

Ана, арбобликнинг адли-ҳиммати.

(Афсус, «Аврора»нинг янгроқ залпига

Фақат йиллар, йиллар қолганди холос.

Афсус, чўпонларнинг ҳазин қалбига

Йиллар надоматни қилганлар мерос.)

— Қуллук...

Сизди йигит кўзларидан ёш.

— Энди, жўна! — арбоб қилади фармон.

Бу хўрликка олам беролди бардош,
Ерилиб кетмади аламдан осмон.

9

ГУЛНОР ҚУШИҒИ

Оймомадан чирой тилардим
Мен қизалоқ тун кечаларда.
Қиқир-қиқир ўйнаб кулардим,
Болалик чоқ боғ кўчаларда.
Қўғирчоғим бутун бир одам,
Бир боғ ўсма — беҳудуд бойлик.
Кўринарди кулбамиз — олам,
Дердим:
— Дунё бунча чиройлик!
Чўмилгани бордим-у бир кун,
Тошқин дарё тез суриб кетди.
Тўлқинлар ҳам мисоли қуюн,
Ўз комига, оҳ, буриб кетди
...Қайноқ тафтдан очдим кўзимни,
Қучоғида элтарди йигит.
Қизик ҳолда кўрдим ўзимни
Еш жисмимда ёнар эди ўт.
Уйимизга олиб келди у,
Суюнчи ҳам олмади бироқ.
Бир умрлик ҳаёт берди-ю,
Бирор кун ҳам қолмади бироқ.
Кейин билсам болалик чоғим,
Ўша сувда оқиб кетибди.
Оловларга тўлди қучоғим,
Ишқ унга ўт ёқиб кетибди.
Севдим уни юракдан-жондан
У-чи, бошқа ораламади.
Уч йил ўтди, ҳатто ёлғондан —
Боғимизга мўраламади.

Мўлтир-мўлтир йиғладим бесас,
Қайноқ бағрин сезиб жуссамда.
Уч йил ўтди ҳатто бир нафас
Ажралмадим севгим — ғуссамдан.
Мени сувдан олди-ю чўпон,
Оловларга итқитди, дердим.
Совчи бўлиб ўзи келган он,
Фақат шунда ариди дардим...
Чўпон, дея орланмайман ҳеч,
Бўлса басдир менга чўпоним.
Тақдиримдан зорланмайман ҳеч,
Чўпон менинг шоҳим, жаҳоним.
Олис йўлин яқин қилақол,
Ёмонларга зор қақшатмагил.
Синиқ дилин инобатга ол.
Ғарибларга, оҳ, ўхшатмагил,
Сочларимни бир-бир ўрайин,
Учган қушдай хабар сўрайин.
Чиқиб кетди кўзда мунг билан
Кулиб келсин, ёрни кўрайин.
...Хаёллари этмай итоат,
Гулнор қилар кўкка илтижо.
Беги учун айлаб ибодат,
Юрагига ёрни қилар жо.

10

Йўл четида тўзиди ғубор,
Тўзиб кетган хаёллар мисол,
Тез ўрнидан туради Гулнор,
Ваҳимадан ақли-хуши лол.
Қафасдаги тоғнинг қушлари —
Қаби волон уради юрак.
Унинг ўткир аёл ҳислари
Бир даҳшатдан берарди дарак!
Эҳ, отлиқлар кўпириб-тошиб,

Елиб келар ошиб четанни.
Бўри каби тикка ёндашиб,
Титроқ тўла гулдек баданни —
Тутиндилар қилмоққа банди.
Олишмоққа Гулнор шайланди.
Ох, надомат аёл тақдири,
Гулнор қўли қаттиқ бойланди.
Хўп олишиб, колгач бемажол,
Ўрадилар сўнг отга ортиб,
Шаҳар томон кетдилар йўртиб.
Йўл четида қолди оқсокол...

11

Гурзидай муштида битта мис чақа,
Ноаниқ туйғудан беҳузур, беҳуш.
Ғизиллайди Чўпон Гулнори ёққа,
Мисоли қафасдан озод бўлган қуш.

Шамолларга қасд қилиб,
Югуриб тошар чўпон.
Чўққиларни паст қилиб,
Тоғлардан ошар Чўпон.
Бургутларни маст қилиб,
Парвозга қанот боғлар.
Эртақларни рост қилиб,
Бош эгар унга тоғлар.
Гуллар атрин тўзитиб
Чечакзорни бўйлайди.
Чўпон еллардан ўзиб,
Гулнорини ўйлайди.
Ҳижрон йўли кўп узоқ,
Висол йўли ундан ҳам.
Бу йўлда бўлмас чарчоқ,
Бу йўлда керак чидам.
Дунёда қанча бардош,

Бўлса қанчалар тоқат,
Барчаси унга йўлдош.
(Бори ҳам шу-ку фақат.)
Яна Гулнори ҳам бор,
Жонга жондош дилбари.
Мангуликка содиқ ёр,
Бу қаламқош дилбари.
Дилбари томон учар
Йўллар қисқа тортади.
Қўлларни тикка кечар,
Ерга соғинч ортади.
Кўрса унинг шиддатин
Довул ҳам қолар беҳол.
Кўриб Чўпон суръатин
Терс йўл солди оқсоқол.
Ана қишлоқ, ҳў, четда,
Атрофи баланд четан. —
Яшнаб турар кулбаси,
Анқир Гулнор нафаси...

Бирок... Йиқил сен эй, меҳвари олам,
Парча-парча бўлгил, эй, нилий осмон!
Кулбада кўринмас бирон-бир одам,
Кулбада кўринмас бирон тирик жон.
Гулнорнинг рўмолин,
Кумуш узугин,
Ерда кўриб Чўпон додлаб юборди.
Аламдан унутди йигит ўзалигин,
Уриб харсангларга бошларин ёрди.
Қулоқларда фақат арбоб сўзлари:
«Бўри, бўри, қўйлар, бўри ва бўри!»
Даҳшатда ёнади унинг кўзлари
Қани, қайлардадир унинг ғамхўри?!
— Гулнор! Эй-й-й, Гул-но-о-ор!
Арслондек ўкирар йигит.
«Гулнор!» —

Тоғлар қилади такрор,
Талвасада югурар йигит.
Тун бўйи ўкириб чиқди бу тоғлар,
Тун бўйи титратди қишлоқни сурон.
Фақат уч-тўрт бола эрта тонг чоғлар
Жасадин топди,
Улиб ётарди Чўпон.
Тугик муштни аранг очди мурдашўй,
Тахтага жиринглаб урилди чақа.
Оламни титратди шунда мудҳиш ўй:
«Умрнинг баҳоси арзон шунақа!»

12

Кўп ўтмади, бир тунда
Уйқудан чўчиб турдим.
Кўзимни очиб шунда,
Рангпар онангни кўрдим. *
Оҳ, қизим аҳволининг
Баёнига тил қани?
Тинглар эсанг, ҳолининг
Поёнига йил қани?
Юз йил ётиб офтобда
Гул шунчалар сўлмасди.
Ун бўлар тош ҳам, инсон —
Чидар экан ўлмасдан.
— Она, — деди, — не қилай,
Одамманми энди ман?
Севар эдим бегимни,
Шу севгимга бандиман.
Оҳимдан ёнар офтоб.
Қимирлашга йўқ кучим.
Тирик ўлдирди арбоб
Ким олар менинг ўчим?
Ким тинглар, кимга ёрай
Юракдаги дардимни?

Ўлай десам, жисмимда —
Жондай бегим гардининг
Заволига қолурман,
Уволига қолурман.
Ажинлар қатларида
Томчилар йилтирайди.
Ўтмиш даҳшатларидан
Гўдак ҳам қалтирайди.
Унинг маъсум юзида
Ўтинчлар қилар жило.
Чехрасида, кўзида
Сачрар ўксик илтижо:
«Қонларга белаб айтдинг,
Отам ҳикоясини.
Бувижон, соз тугатгин
Унинг ниҳоясини!»
Кампир эса бу кезлар
Унутмиш теграсини,
Гўё ўзича сўзлар,
Сезмас неварасини.
Умид, бахт, ўлим ва қон
Бир-бир кирди таърифга.
Шўрлик кампир бу оқшом

Айланганди тарихга.
Тарихни ҳам ой мисол
Пардалар тўсолмайди.
Қат-қат тунлар безавол
Пирпирайди, толмайди.

* * *

Неки мавжуд дунёда —
Барин ниҳояси бор.
Ҳаммасидан зиёда
Икки нарсa давомдор:
Бири бахтдир — ўлчови
Иўқдир, тенг палла тоши,
Бири ғамдир — қамрови
Чикмас қай дилдан тошиб.
Шу икки тақдир бордир.
Фақат шу икки аъмол.
Шулар аро борадир
Авлодлар топиб камол.

* * *

Шаҳарнинг бир четида
Икки қалб олмади тин.
Тошкентнинг оқ бетидан
Тўрин йиғиштирди тун.
Оппоқ саҳар... чирсиллар —
Тошкент узра совуқ қиш.
Борга не ғам, йўқларга —
Тургани бутун ташвиш.
«Худо агар бўлдирсанг,
Супраларни боз тўлдир.
Паймонани тўлдирсанг
Қиш ўлдирма, ёз ўлдир!» —
Деб таҳорат олишга
Қўзғалар кампир бедор.

Бошин қўйиб болишга
Мудраб борарди Едгор.
Уқиб бўлди суннатни,
Икки ракат фарзни ҳам.
Худого дуо бирла
Қилиб бўлди арзни ҳам.
«Раббано, ўзинг бу дам
Ерлақагил, қилмай кам.
Шаҳид кетган Чўпонни,
Дилбандим — Гулнорни ҳам».
Уй идишлар бошидан
Оқ қировга ботибди.
Танча ҳам ич-тошидан,
Изиллаб муз қотибди.
Тиззасин қучиб Едгор
Бўлиб олмиш ғужанак.
Кампир туриб бемадор
Бошига ташлар мурсак
Ҳокандоз тутиб қўлга
Чикди уйдан чўғ излаб.
Йўллар ўхшамас йўлга,
Еғочдай қотган музлаб.
Шошиб борарди кампир
Сирпаниб кетди бирдан.
Учиб тушди қор узра
Узилиб пойи ердан.
Дордан учган кирдайин,
Учиб ҳилпираб тушди.
Бахтига қор сал майин,
Гўё парқувни қучди.
Уч-тўрт одам қор кечиб
Кампир томон тез елди.
Орасида битгаси
Ҳаммадан илдам келди.
Юзидан меҳр оқар,
Савлатдор, баланд бўйли.
Ойнак ортидан боқар

Кўзлари хаё-ўйли.

«Что с вами... Встанте»

Кампирни аста суяр.

Валломатлик ва танти

Бир ҳисни кампир туяр.

Миннатдорлик ҳам уят

Балқиб юзда, турди лол.

«Ким экан бу валломат?» —

Кўнглидан ўтар хаёл.

Юзи заминдек тақир

Орасида йўқдек фарқ:

Шарққа ўхшарди кампир,

Кампирга ўхшарди шарқ.

Кампир эмас, йўқ, асло

Чандиқ тўла юрак у.

Кўҳна шарқдек бир сиймо.

Андуҳ тўла кўкрак у.

Бешик-бешик нур сочиб

Қатра зиёга муҳтож.

Роҳат бўй бермас қочиб,

Меҳнат бошига гултож.

Ҳа, таъзимкор элдир бу,

Миннатлардан қадди дол.

Бурда нонга, лек, зор-ку,

Асрлардан сўрар ҳол.

Зор бўп тола зиёга,

Кўп излади зиёни.

Лек, бахш қилди дунёга

Берунийни, Синони.

Ёв босганда ҳар ёндан

Бағри қонга йўғрилди.

Қасос бўлиб жаҳонда

Ўғли Темур туғилди.

Бугун-чи, ўзга тақдир

Ҳам аламли ўзга шарқ.

Шарққа ўхшарди кампир,

Кампирга ўхшарди шарқ!

* * *

— Встанте, — суяб аста,

Кўлтиғига кирди у.

Дилларга шу нафасда,

Умид-орзу берди у.

Йиқилганни суямоқ,

Тоза имондан хабар.

Лол қолганди муштипар,

Билмасди уни бироқ.

Билмасди бу ёқ томон

Юбормиш уни Ленин.

Билмас: энг олий инсон —

У — Михаил Калинин!

13

Йиллар бир-бир ўтади

Аждар комин билмаймиз.

Бир тортдими, ютади,

Ҳеч эътибор қилмаймиз.

Йиллар деймиз, йилларнинг —

Комларига биз ризо.

Қариб-чириб, паймона —

Жомларига биз ризо.

Не илож, не бўлса ҳам

Хом сут эмган бандамиз.

Не бўларди бу олам

Тургунча турганда биз?

Ривож зиналарида

Ҳаёт йўғрилармиди?

Замин сийналарида

Фарзанд туғилармиди?

Бу дунёга бизлар ҳам

Келолмасдик эҳтимол.

Келганда ё бирор дам

Топармидик эътибор?

Йиллар деймиз, йилларнинг Меҳнаткаш ҳам фидокор,
 Тўхтамаса йўлларнинг Камсуқум, ўктам Едгор
 Бас, ярмида ғизомиз. Мўйсафид одам бўлди.
 Ҳукмига биз ризомиз. Етмишда кўз уқалаб
 Йиллар ўтар бирма-бир. Ўтмишга бир-бир тутар.
 Йиллар бўлмас такрор ҳам. Хаёлидан сафма-саф
 Оламдан ўтди кампир Воқеа пир-пир ўтар.
 Униб ўсди Едгор ҳам. — Юсупов, — дер Сталин,
 Юлдузлар ҳавас билан Вазмин оҳангда сўзлаб.—
 Унга нигоҳ қадади. Бу... Фарғона каналин
 Меҳнатда донг таратиб, Қурилишида не гап?
 Чўпон ўғли аталди. — Хўп, ўртоқ Сталин, ҳозир
 Умрининг ҳар нафаси Хўш, аввало, одамлар...
 Бахшида бу оламга. Бари — мард, бари — асл,
 Унинг ҳар бир лаҳзасин Руҳи тетик, бардамлар.
 Олса арзир қаламга. Ўнлаб ишчи босяпти
 Тарих коммунист бўлиб, Стаханов изини.
 Дадил минди бедовга. Ешларимиз ўсяпти
 Қалби қасосга тўлиб Кўрсатишиб ўзини.
 Омон бермади ёвга. Битта мисол: Дўстматов
 У Файзулло жисмида Минг фоизга етказди.
 Жанубда берди садо. Едгор билан Али дов
 Дунёнинг бу қисмида — Дўстматовдан ўтказди.
 Қолмасин, деди, гадо! — Демак, яхши.
 Шонли йўл этар давом Тақдирлашни
 Тарих қон кечиб борар. Унутмаслик керак эди...
 Кишанларни бу авом Юсупов қадрлашни
 Йўлакай ечиб борар. Биларди, зийрак эди.
 «Фаровонликнинг йўли, — Устоз Ойбек синаган
 Партия, — бу — колхоз», — деди Бу мардликни неча бор.
 — Меҳнат қил деҳқон ўғли, Гафурини сийлаган
 Дил чигилин ёз, — деди. Меҳр билан кўп такрор.
 Тарих бурилишлари, Йиллар ўтди, из қолди,
 Турксиб қурилишлари, Канал битди кўп ўтмай.
 Беш йиллик юришлари, Мардларни кутиб олди
 Алпона қадам бўлди. Москва ҳам кўп кутмай.
 Кетмончи гоҳ дурадгор,

Бекасам тўн, чуст дўппи,
Бодомқовоқ уч илгор.
Ғоз ўмров, юзлар лўппи,
Пойтахтда кезар бедор.
Неча жуфт фируза кўз
Қиёлашиб боқишар.
Ортларидан буриб юз
Томоқларин қоқишар.
Ким экан, қай ўлкадан
Келибди бу валломат?
Майли, туққан онаси
Доим бўлсин саломат.
Елкасига тоғ қўйсанг,
Ғинг демайди, чидайди.
Суйгудек агар суйсанг,
Қалбингга ишқ қадайди...
Мунча тотли шеваси,
Қай юртнинг султони у.
Қайси боғнинг меваси
Қайси дилнинг хони у.
— Тошкент, — дейди гулди-
— Калинин, — дер эшилиб.
Худ бу номлар бир-бирин
Тўлдиргандек қўшилиб.
Ҳа, Едгорнинг наздида
Яқин эди бу номлар.
Тарих гувоҳ аслида,
Бўлган шундайин онлар.
Кўп ўтмади Кремлда
Кутиб олди Калинин.
Не бордир бутун элда,
Ҳатто, қизлар қалинин —
Унутмабди оқсоқол,
Сўрар эди бирма-бир.
Кулишдилар бемалол,

Кўтарилиб барча сир.
Бир нуроний табассум
Оқсоқол юзин безар.
Юракларда шу мавсум
Инсоний оқлик кезар.
— Хўп, — деди туриб шу чок,
— Мақсадга ўтмоқ керак.
Қани, Едгорбек ўртоқ
Орденга тутинг кўкрак.
Едгорнинг чўнг танин
Силкитди майин титроқ.
Кўзга ёш тўлганини
Сезмай ҳам қолди бироқ.
Партия қутлар эди,
Қутлар эди бутун халқ.
Кўзларин тутар эди
Қутлаб уни озод, Шарқ.
Хўрлик надоматларга
Эгмаганди Едгор бош.
Очлик, маломатларга
Беролганди у бардош.
Қалдироқдай товуши
Товланиб кетди шу зум.
Калинин тимсолида
Қутларди уни тузум.
— Бир менга минг эътибор...
Кўп раҳмат, эй, оқсоқол.
Аммо... бир сўровим бор,
Айтай келмаса малол.
Аста эгиб тик қаддин
Едгор қилади таъзим:
— Мукофотни энг олдин
Устоз олмоғи лозим!
Дўнан акам муносиб,
Мендан катталар анча.
Бизлар тайёрмиз доим

Хизмат бўлса ҳар қанча...
Сўнг қовуштириб қўл
Едгорбек ўтди четга.
Дўнан полвон норози
Нигоҳ ташлар йигитга:
«Улоқда тенг ҳамма ҳам
Ғолиб фақат абжири.
Тенг ҳалқалар-ла маҳкам
Адолатнинг занжири». —
Дерди майин бу нигоҳ,
Мард йигитга боқиб лол.
Бундай кечмишдан огоҳ
Қаҳ-қаҳ урди оқсоқол:
— Балли, мана тантилик!
Бир ҳурматки Шарқона.
Бу иззатда юз очди
Тошкент, Қўқон, Фарғона!
Инсоншунос шарқликнинг
Ғамоли бу,
Диди бу!
Ўзбекистон юртининг
Ғамоли бу,
Ғиди бу!

14

Шошда гуллади анор,
Мадҳин ўқир андалиб,

Бир ёни шафтолизор
Кетмиш кўкка қадалиб.
Бир томонда анжири
Ғарчча болга буланган.
Боғи-роғлар занжири
Бир-бирига уланган.
Селпинар ўйнаб товус
Боғларида хиромон.
Бўзсув билан Кайковус
Минг йилларки ҳур-омон.
Қанча сув оқиб ўтган
Санаб етмас асрлар.
Тўлиб барака-қутга
Яна қанча таширлар.
Оҳулардек тинмайин
Қалқиб борар тун, сахар.
Ўтиб одам кун сайин
Қолмагандек бўш шаҳар.
Едгор бобо етмишда
Кексалик гаштин сурар.
Кўз ташласа ўтмишга
Йигит қони жўш урар.
Порлоқ эрта измини
Тутмоққа шайланади...
Ер иқболга юзини —
Тутганча айланади...

САНОБАР ҲАСАНОВА

ДИЛШОД



Санобар Ҳасанова 1934 йилда Қўқон шаҳрида ту-
ғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педа-
гогика институтини тугаллаб, Наманган области мактаб-
ларида ўқитувчилик қилиб келмоқда.

У ўзининг дастлабки шеърий тўпламлари орқали
китобхонларга яхши таниш.

ДОСТОНЛАР

ДИЛШОД

Азиз дўстлар, тоғлар бағри — Уратепа томонда.
Бир соҳибкор яшаб ўтди икки хонлик замонда.
Исеми унинг Раҳимқулдир, рафиқаси Моҳнисо,
Кўрар кўзи Дилшод экан, беназир, ақли расо.
Бибижони эркалатиб Барно деб суяр экан,
Чиройига боқса қуёш, ўртаниб куяр экан.
Дилшод ақл-заковатда донг ёйибди, ҳам гўзал,
Қўлларида чаман унди, кашталарда — гул, ғазал...
Кўрмаганлар бир кўрсам, деб жамолига зор-зор,
Тунда байтлар битар бўлса, ой ва юлдуз интизор...
Ота-она Барносининг камолидан шод экан.
Чаққонлиги, чеварлиги бирла уй обод экан.
Кун ўтибди, қишлоқ бўйлаб тарқалибди дард-вабо,
Онажони кўз юмибди, Дилшод чекибди жафо.
Титратибди ер-самони шўрлик қизнинг оҳ-доди,
Эл оғзида достон бўлмиш ғазалдаги фарёди.
Нола бирлан кун ўтибди, сочин тараб кулмиш тонг.
Қиз кўнглини овунтирар Бибижони — меҳрибон.
Қўлга кашта олибди қиз, армонлари ғазалда,
Тақдирга тан бериш ахир одат эрур азалдан.

* * *

Баҳору ёз сепин йиғди, сарғайди боғда барглар,
Боғлар аро тўшалибди япроқлармас, нақ зарлар.
Нок, беҳию, олмалардан эшакка ортиб оқшом,
Бир кун тонгда шаҳар томон йўл олибди отахон.
Тонг отибди, чой ичарда шаҳарда шовқин-сурон,
Не бўлди, деб мўралайди туйнукчадан Бибижон.
Кўча бўйлаб сарбоз келар, одамлардир сарсари,
«Вой, шўрим!» деб қоқиб-силкир кампир кўйлагин
барин

Кўзин нури — Дилшодини яширди тез омборга,
 Беҳолланиб суянади ўзи қари чинорга.
 Бирдан амир лашкарлари дувиллаб кириб қолди,
 Бир зумдаёқ ҳовли узра саришталик йўқолди.
 Ҳаммаёқни титкилашди, кампирга гоҳ уриб дўқ,
 Ва топдилар қизни зумда, кампирда-чи, мадор йўқ.
 Беҳушланиб қолди она фарёд чекиб зор-зор,
 Дилшод каби асирларга тўлиб кетди кенг бозор.
 Кўзлар йиғлар, диллар ўксир, япроқ каби титрар жон,
 Киприкларда кузги шабнам, ё тизилган оқ маржон...
 Дилшод эса дағ-дағ титрар, кўриб қолди даҳшатни,
 Қалам ожиз ёзмоқликка фожиали фурсатни.
 Минораи Калладаги осмонўпар пештоқда —
 Мингдан ортиқ бегуноҳнинг бошлари бўзламоқда.
 Мингдан ортиқ кесик бошлар... Ўша бошлардан бири —
 Отаси-ку, Дилшоднинг, оҳ, қон бўлиб оқди дили...
 Қиз пичирлар, лабларидан учар ғазаб ўтлари...
 Осмон сари ўрлар эди қизнинг оқу дудлари:
 — Эсиз, эсиз, Истравшаннинг заҳматкаш одамлари,
 Айби шуки, қашшоқ деҳқон, буларнинг йўқ зарлари.
 Отажоним гуноҳи не?.. Фалак, йиғла дод солиб, —
 Осилганлар барчасидир авом халқ, илми толиб...
 Хон ишрати, солиқни деб Истравшан бўлди қурбон,
 Фалак, ёнгин; фалак, титра, бегуноҳлар — саргардон!
 Йиғи билан чун қизарди мотамсаро юзлари,
 Ғазаб билан пичирлар боз, елдек учар сўзлари...
 Дилшод боши узра тушди неча зарбли қамчилар,
 Кеч куз фасли, кўкдан совуқ марваридлар томчилар.

* * *

Чаҳорсувда барча асир ҳозирланди сафарга,
 Хон буйруғи: чалинмоқда карнай-сурнай зафарга.
 Жарчиларнинг наърасини Уратепа тинглади,
 Бир ҳафталик «шоҳ зафар»дан бутун қишлоқ ингради.
 Асирларнинг фигонидан юраклар хуну кабоб,

Амирнинг бу қилмишига аза тутди офтоб.
Бу юришни «ибрат» деди Амир ўзи ғазабда,
Кейинчароқ Дилшод ёзди бу «ибрат»ни ғазалда.
Бу жазодан омон қолган ҳар киши ушлар ёқа,
Асирларни олиб кетди сарбозлар Ҳўқанд ёққа.

* * *

Кўкда юлдуз эртақ сўйлар, сувда музли карашма,
Йўллар олис, аёзли куз, ҳамма уйқуга ташна.
Минглаб асир борар ҳорғин, ортда эса тўзон-чанг,
Ҳар кўнгилда тоғдайин ғам, даҳшатдан бошлар гаранг.
Юра-юра ҳориб-толиб, нақ бир ҳафта деганда,
Минглаб асир етиб келди хон мазгили Кўқонга.
Ғазаб билан қамадилар Ҳрданинг кенг саҳнига,
Олий ҳазрат ташриф этди вазир билан жаҳл ила.
Ажратилди уч нозанин, Истравшаннинг юлдузи,
Қолганларин подадайин ҳайдатди Хоннинг ўзи.
Кеч куздаги баргдай қурир асирларнинг мадори,
Улкан эди, чексиз эди юраклар оху зори.
Андижонда ўттиз адир бўлмиш уларга макон,
Шу асирлар меҳнатидан қад кўтармиш Шаҳрихон.
Чодир қуриб кун кечирди бу асирлар етти йил,
Надомат-ла умр кўриб заҳматкаш бағри чил-чил,
Айрилиб кўп фарзандидан Ҳратепа қақшади,
Асирларнинг кўз ёшидан қақроқ ерлар яшнади.
Ҳар келганда Шаҳрихонга Хон ваз айтур эл аро:
— Улуғларнинг ҳимматига дуо айланг, фуқаро!
Эл кўқувда таъзим айлар: «Дуодамиз, шоҳимиз,
Омон бўлинг, пойингизда ҳар қачон бу бошимиз...»

* * *

Хон қайтади тонг сафардан хушнуд бўлиб димоғи,
Яна Аркда зир титрайди ҳатто гуллар япроғи.
Шеърятда қанча нозик, қанча зукко бўлса Хон,

Кўчаларда елдек учди, бирор кимса учрамас,
Тентирайсан не учун деб бирор кимса сўрамас.
Шу аснода бир ҳужранинг қаршисидан чиқди у,
Дарчасида шам липиллар, эшикдан бош тикди у.
Қўрқувданми ё ҳайратдан беҳолланиб йиқилди,
Ҳужра аҳли-қаландарлар қизга бир зум тикилди...
Лаҳзадан сўнг очди кўзин, пойгакда кўрди ўзин,
Хижолатдан ловуллайди толиққан қизнинг юзи,
Ҳужрабоши аввал туркча, сўнг тожикча сўради,
Чигал ўйлар яна Дилшод хотирини ўради.
Қиз сўзлади не сабабдан бу ерларга келганин,
Тақдирининг аламларин, тунда елдек елганин.
Шунда яна ҳужрабоши бир маслаҳат айлади,
«Не бор экан тақдирда?» — қиз унинг оғзин пойлади.

* * *

Суҳбат тинди. Уч қаландар тун ярмидан оққанда —
Қизни бошлаб йўл юришди, Зухро кулиб боққанда.
Ел изиллар, қалтирайди, бечорага нечора,
Етим шўрли бахтин топиб, иқболи кулса зора.
Йўл-йўлакай дуо айлар йўлбошловчи қаландар,
Зўрға-зўрға одимлайди ҳолдан кетиб қиз — дилбар...
Юра-юра тўртовлари бир эшикда тўхташди,
Не бўларкин тақдирим деб Дилшоднинг ақли шошди.
Кўзларидан дув тўкилди ёмғир мисол ёшлари,
Хаёл билан чимирилди бахмал каби қошлари.
Кексагина юмшоқ сўзли бир аёл кутиб олди,
Онасидай қучиб-қутлаб, қалин кўрпача солди.
Онасини топди гўё, қизнинг кўнгли ёришди,
Қиз бахтини муборақлаб оппоқ тонг ҳам ёришди.

* * *

Йиллар ўтди, Дилшоднинг авж пардададир илҳоми,
Гулгун қизлар сабоқ олар, меҳнатдан ширин нони.
Асалари сара гулдан йиққанидай хуштаъм бол,
Мингдан ортиқ ғазал битди, ғазалларки — бахт-иқбол.

Салтанатда бешафқатдир, зулмқордир безабон.
Қарсақ чалса — маҳрам ҳозир, яланғочлаб шамширин,
Кўз қирида дардлашади канизлар юрак сирин.
Бу зулмдан тутоқади ғазалгўйим Нодирам,
Не қилолсин танҳо ўзи фикри теран шоирам...

* * *

Уч кун ўтар елдек шошиб, асирани йўқлар Хон,
Бу йўқловдан ёш Дилшоднинг кўнгли нотинч, хафақон
Вола уни кийинтириб бошлар Хон ҳузурига,
Ўзи эса секин чиқар таъзиму узр ила.
Хон ўлтирар мағрурона, бошида тож ялтирар,
Эғнида оқ шойи кўйлак, камарида чақнар зар.
Узун бўйли, қора соқол, қизил юзли Умархон
Шоирона қироат-ла савол берар меҳрибон:
— Эй, тоғ кизи, бу анорга не дейурсан байт билан...
— Ичин қонга тўлдирибсан гул қизлар хуни ила!
Шоҳ ғазабнок қарсақ чалар, маҳрам кирар бир зумда,
Вола силтаб етаклайди ўжар қизни зуғум-ла...
Янги либос, безакларни ечиб олар барчасин,
Тутқзади эски кийим, юзга — қарбос парчасин.
Хон буйруғин этди адо — топширди бир сарбозга
Дилшод қақшар кеч куз туни, изғиринли аёзда...
Сарбоз қизга раҳм айлар, ташламайди зиндонга,
Ҳамшаҳаркан, қутқарсам, деб аланглайди ҳар ёнга.
Имо блан уни бошлар дарча-эшикка томон
Ярим тунда қоровуллар ширин уйқуга толган...
Эшикчани секин очиб, қизни айлади озод,
Борар ери йўқ бўлса-да, қуш каби учар Дилшод.

* * *

Аёз изғир, қўк чироғи милтиллар бенургина,
Гоҳ чопди, гоҳ толади бечора суқсургина.
Энди қайга борар ахир, қаёққа ҳам қочарди?
Тун ярмида қай хонадан унга эшик очарди?

* * *

Кеч куз яна. Хазонрезлик мевазору далада,
Истравшанни соғинади Дилшод шундай паллада.
Меҳрибони, ёшлик они, фожиалар бирма-бир —
Хаёлидан ўта бошлар, боши айланар чир-чир.
Чаҳорсувда узилгандай «шоҳ зафарда» не бошлар,
Кўзларидан селоб бўлиб дурларки оқа бошлар.
Шоиранинг кўнгли гўё эзилган анор янглиғ,
Кўкда бевақт чақмоқ чақнар, нури-жаллод тутган тиг.
Кўз ёшини тўкар булут шоирадай ўксиниб.
Хаёлларни тошдай отди ва турди у силкиниб.

* * *

Уйга кирди, хонтахтада қўлёмалар нигорон,
Қалбин ҳукми — «Инқироз»ни оққа кўчирар шу он.
Онажонин, ёшлик онин кўрар Меҳринисода,
Ғазалларни тугиб олиб отланар шу аснода.
Икки ғазал рўмолчада — хонга ўқиб бермоқчи,
Халқ ташвиши — шикоятин шу ғазал-ла демоқчи...
Хон ҳали ёш, зора келса инсофга, адолатга,
Ё бу ғазал сабаб бўлар янги кин-адоватга.
Шу ўй билан етиб келар ғазалхон тез Ўрдага,
Бўёқлари зар-жилвагар Арк товланар ўртада.
Ясовуллар қурол тутган дарвозанинг ёнида,
Ичкарига рухсат сўрар, журъат жўшиб қонида.
Ичкарига рухсат бўлмас, хатни олар қоровул,
Ва тезгина бериб чиқар бош муншийга хатни ул.

* * *

Уйга чўмиб тикилади кошинларга шоира,
Ўқирмикан ғазалимни, не деяркин Нодира?
Ё ғазабнок бўларми Хон, берарми қаттиқ жазо,
Келтирганим ғазал эмас, халқ номидан илтижо.

Үз-ўзига мисраларни шивирлай бошлар Дилшод,
 Нодирага элу юртда кучли эди эътиқод.
 Хаёлида чарх урарди бир лати́фа — аниқат,
 Латифамас, Умархоннинг рашки бўлган ҳақиқат:
 Шоҳ Умархон шуҳрат учун қурдирибди кўп бино,
 Тарихда шон қолдирай деб шуҳратга қўймиш бино.
 Минораки, нақши — заррин, жилоси кўз олади,
 Ранглар ҳақиқ, ял-ял ёниб, боққан кўзлар толади.
 Бу нақшлар бунёдкори бир йигитки ёш ва мард.
 Рашк туфайли хон буйруғи этмиш уни жувонмарг
 Ҳам севиниб, ҳам усталар аҳволини сўрмоққа
 Келган экан Моҳларойим минорани кўрмоққа.
 Эмиш: бека боққан они минорага термулиб,
 Уста наққош қараганмиш Нодирага бир кулиб.
 Учакишиб дайди ел ҳам юлқиганми рўмолин,
 Рашк олови ёндирганмиш шу лаҳза Умархонни...
 Хон меъморни шу заҳоти буюрибди осишга,
 Қимнинг ҳадди сизар ахир хон жаҳлини босишга?
 Бу хабарни битта дўсти меъморга етказганмиш.
 Бор ҳунарин ишга солиб, йигит режа тузганмиш.
 Қанот ясаб учибди у, кўздан ғойиб бўлибди,
 Чала қолган минорага лайлак келиб қўнибди.
 Лайлак демиш: кибрланма, эй, хон, давронинг ўтар,
 Кунлар келар — хон эсанг-да, сенинг ҳам кунинг битар.
 Сўйлабди-ю, учиб кетиб сира қайтиб келмабди,
 Минора ҳам чала қолмиш, ҳеч ким тиклай билмабди.
 Шу-шу бўлиб, битмай қолмиш миноранинг энг учи,
 Ҳатто қушлар қўнмас экан хоннинг жаҳлидан чўчиб...
 Дилшод бетин ўй суради, ичкарида ғазални —
 Қироат-ла ўқишарди, ёдга олиб азални.
 Хон тинглагач, тутақади, вужуди — оташ-олов,
 Маъдалихон кўз ўнгида ғазал эмас, минглаб ёв.
 Мулозимлар ўйга толар, Нодира этар ташриф,
 — Аччиқланманг, ўғлим, зинҳор ҳақиқатдир бу таъриф.

— Ҳақиқатнинг юзи ёруғ, кўмиб бўлмас жаҳл билан.
— Ҳақиқатнинг кўзи юлдуз, чопиб бўлмас зарб билан.
Она сўзин тинглаб ўғил шаштидан тушди бир оз,
Аъёнлар ҳам шоирага айтолмади эътироз.
Лек ўғлининг раъйи билан Дилшодни чорламади,
Волидасин кўнглини деб ўғил ҳам бир сўз демади.
Ташқарида термулади кошинларга бокира,
Интиқ бўлиб кўз тутади чорларми деб Нодира.
Шунда чиқар бир ясовул, ғазабнок сўзлайди тез,
— Кетинг тезроқ, Хон буйруғи... бошқа қайтиб
келманг Сиз!

Қуллуқ қилиб ясовулга, Нодирани кўролмай —
Дилшод аста кетиб борар, ҳақиқатни сўролмай...

* * *

Боғ кўчага интилади қушдек учиб шоира,
Урда ичра байтни ўқир қайта-қайта Нодира:
«Эй, амир, кибру ҳаво келтургусидур инқироз,
Фисқу ғафлат доимо келтургусидур инқироз.
Гарданингга ёш бошинг бирла олибсан кибрни,
Ушбу шайтонлик санго келтургусидир инқироз.
Тингла она сўзини, бемаъниликни тарк қил,
Шоҳга жабру жафо келтургусидир инқироз.
Бўлсалар сендек замонга шоҳлари беғам агар,
Мамлакат бўлгай фано, келтургусидур инқироз.
Шул жаҳон Нодирасидек мушфиқона қайдадир,
Зулмни кўрма раво, келтургусидур инқироз.
Гар шарият подшоси сен каби бўлса разил,
Қўй, йўқолсин, бевафо, келтургусидур инқироз...»

Нодиранинг кўнгли хижил, Дилшодни кўролмади,
Ўғлини деб бир дононинг ҳолини сўролмади.
«Инқироз»нинг ҳар сўзи Нодиранинг ёдида,
Қани энди Дилшод бўлса бир зумгина ёнида...

* * *

Минг ўй билан етиб келди хомуш Дилшод уйига,
Илҳом яна нақшин ўяр янги ғазал — куйига.
Мингдан ортиқ ғазал битди, бахтга бўлди муяссар...
Ҳар бир сўзи дуру инжу, ҳар сўзи ёқут-гавҳар,
Халқ меҳрини куйлаб ўтди қашшоқликда бир аср,
Байти билан икки қардош эл кўнглин этди асир.
Ғазаллари қўшиқ бўлиб кезмоқда ҳар хонани,
Ғазаллари сабо билан кезмоқда Фарғонани.
Бу Санобар Барно-Дилшод ғазалларин этиб ёд,
Достон ёзди меҳр билан этай деб Сизни ҳам шод.

ҚИСМАТ

1

Шоҳжаҳон уйғонди мудҳиш туш кўриб.
Бошини ушлади шу он акс уриб.
Вужуди чўғ бўлиб қизирди чунон,
Тушда кўрганлари даҳшатки, ёмон...
Эмиш: девлар уни ўраб олганмиш.
Аврагзеб тожига чангал солганмиш.
Тожни олмиш кейин бошига кийиб,
Одамлар парвона ундан ўргилиб.
Отани ташламиш йиртқич ёнига,
Евуз даҳшат солар Ота жонига...

II

Шоҳжаҳон чорлатди доно табибни,
Кўнгил яқинларин, ошно-ҳабибни.
Табиблар бўлдилар дардига малҳам,
Ҳабиблар бўлдилар кўнглига ҳамдам:
Сихларга тортилди кийик гўшtlари,
Димлаб пиширилди қўйнинг тўшлари.
Мумтозойим келиб шоҳни овутди,
Серноз канизлари яхна чой тутди.
Торни майин чертар созанда келиб,
Оқсоч бека турар ёнида елпиб.
Лекин бари шоҳни айламас хушнуд,
Тушда кўрганлари айларди беҳуд.
Бобоси Бобирни эслади шу он:
Не-не жафо қилди унга бу замон...
Наҳотки, мени ҳам?..
Ишонай кимга,
Ишонмасам ҳатто мен ўз ўғлимга?
Бобом Бобир шундай куйлаган экан,
Умр бўйи куйиниб сўйлаган экан:

— Она юртим асли гўзал Андижон,
Эсиз, олисдадир энди бу бўстон...
Наҳот, кўҳна дунё мени кўп кўрсанг,
Наҳот, кўҳна дунё, ноҳақ дор қурсанг?
Азизлар, қисматим — аянч, фироқму,
Ер қаттиқ, мовий кўк шунча йироқму?..
Бир куни карвонлар бобомга қовун —
Келтирган эканлар ва хушбўй совун.
Иккисин тўйгунча ҳидлабди аввал,
Сўнг жавоб айтибди бобом мукаммал.
Атиргуллар ҳиди хушбўй совунда,
Она тупроқ ҳиди ушбу қовунда.
Гарчи бунда шоҳман, қудратли ҳоқон,
Дўстлар, соғинганим — азим Андижон.
...Ҳа, бобом ҳақ экан, бобом ҳақ экан,
Ҳақиқат излаган аналҳақ экан.
Естиққа ётганда ёнса вужуд-тан,
Она диёрингни эслар экансан...
Бобом удумларин давом эттирдим,
Не-не ҳайратомуз бино биттирдим,
Адолату карам халққа этдим бахш,
Халқ ҳам ўз меҳрини менга этди нақш.
Ўтди, эсиз умр,
Эсиз давронлар,
Не кунлар кўрарман, — айтинг, ёронлар?..
Торни майин чертар созанда бетин,
Оқсоч бека шоҳни елпиб турар жим.
Шоҳ кўнгли ёришмас, хира тортади,
Чигал хаёллари баттар ортади.

III

Кун оғиб борарди уфққа томон,
Элчи кириб келди, исмидир Раҳмон.
Тиз чўкди пойгакда, мақсадни айтди,

Улимга тенг дақшаг элчининг байти:
— Талаб этаётир тахтни Аврангзеб,
Мени юборди ул иззатлар этиб.
Ўз қўлингиз билан бермасангиз тож,
Бутун юрт этилур талону тарож.
Бошин чангаллади Шоҳжаҳон ёниб,
Вужуди титради, ўтда тутоқиб.
Кўзларини юмиб хаёлга толди,
Бир зумда шум хабар қайғуга солди.
— Йўқол, бундай ўғил менга керакмас,
Ўғил ота билан ўйнар басма-бас.
Бу не кўргуликдир, бу не муаммо,
Бундай разилликдан недур муддао?
...Келди сўнг Аврангзеб қилич кўтариб,
Кириб келди гўё кўкни тўнтариб.
Аждарҳо, дев каби эди сурати,
Унда қолмаганди одам сийрати.
Ваҳший бир махлуққа айланганди у,
Қабиҳлик қалбига солганди қутқу.
Хонани гириллаб айланиб чиқди,
Шоҳжаҳон оҳидан қумри оҳ чекди.
Отанинг бошига чангал солди у,
Ота кўзларидан ёш қуюлди дув.
Ҳайратда боқарди сарой аҳли жим,
Ҳайкалдай қотганди доно мунажжим.
Не-не фузалолар лабин тишлади,
Фирибгар туллаклар, лек, олқишлади.
Аврангзеб лашкари ҳар ёқни тутди,
Фарзандлик бурчини буткул унутди.
Падарин шу заҳот кишанга солиб,
Қалъага элтдирди, Аврангзеб — голиб.
Қалъа деворидан аниқ кўринар —
Обида Тожмаҳал, гумбазлари зар.
Шоҳжаҳон ноласи оламини тутар,
Танҳолик, сукунат қаърига ютар.
Шоҳнинг аламлари, беҳудуд, эвоҳ,
Осмону юлдуз, ой бу сирга гувоҳ...

— Эй, жаҳон, эй, қуёш, эй, ҳинд маъвоси,
Бошимда чарх урар қайғу савдоси...
Боболарим руҳи бўлган мададкор,
Сабру бардош бергин, бобо, бўлдим хор.
Ҳеч кимга қилмаган эдим ёмонлик,
Элга тилақларим эди омонлик.
Азиз Мумтоз бекам, шулмиди умид,
Дилбандим кўнгилни этмади хушнуд.
Бекам, эсингдами энг севиқлимиз —
Шу Аврангзеб эди,
Ахир... ахир, биз —
Жонкуяр бўлар деб умид қилардик,
Узоқ умр, бахту соғлиқ тилардик.
Илк бор кулганида бешикда ётиб,
Суюнчи олгандинг мени уйғотиб.
Қадам босганида олтинлар отдим,
Совға қилган эдим зўр саман отим.
Эсиз, орзуларим сувга оқдилар,
Иблисона иши бағрим ёқдилар,
Қувончим Тоғмаҳал, бағрингда ўтгум,
Термулсам бир лаҳза ғамни унутгум...

IV

Оқшом қанот ёзди Ҳиндистон узра,
Юлдузлар милтиқлар,
Тўлин ой хира.
Аврангзеб ўй сурар тахтда ўтириб,
Собиқ канизақлар елпиб, ўргилиб
Бўлишмоқда энди унга парвона...
(Не ажиб ишларни кўрмиш замона!)
Дилгир куй таратар созанда сози,
Нақадад фусункор раққоса нози.
Канизлар сулуви тутар тилла жом,
Жом тўла хуш гулоб, жомда балки жон.
Бу жон — Шоҳжаҳоннинг занжирбанд жони,

Бобир авлодининг шуҳрати, шони.
Ҳиндистон элининг ажойиб фаҳри,
Илмда яктоси, гавҳарли наҳри.
Ҳақиқат, адолат билан кечган жон,
Элга иззатлигу покиза имон.
Шу гулоб, майу ноб, ишрат ва шуҳрат —
Тожни талашмоққа ундади фақат...
Гулоб товланади, гулобнинг ранги —
Дилни сеҳрлаган найнинг оҳанги...
Ўзал канизаклар таққан жиғаси,
Тожмаҳал пештоқин зар жимжимаси.
Гулоб тутган ота ўғилга кўп бор —
Яхши ният билан бўл деб фидокор.
Эркалаб бошларин силаган чоғи
Майин куйлаганди гуллар япроғи.
Не-не орзуларни ўйлаган ота —
Юрганди хаёлан арши аълода.
Афсус, умидлари бемаврид сўлди,
Умрнинг косаси қайғуга тўлди.
Базм давом этар, янги шоҳ сархуш,
Утирган ўрнида мудрар — кўрар туш.
...Ийғлармиш отаси, тани зирқирар,
Икки соқчи ёнда, шамшир ярқирар.
Дуога қўл очиб, ёлборар минг бор,
Ташна лабларидир қултум сувга зор.
Кўз ёши йиғилиб қўл бўлган эмиш,
Энди Шоҳжаҳонга бир кунлик емиш —
Бир кўза совуқ сув, бурда қаттиқ нон...
Бедаво ўғилга тилармиш имон.
...Чўчиб уйғонади Аврангзеб,
Мудҳиш!
Кўрганлари даҳшат, ҳам ўнги, ҳам туш.
Базмни тўхтатар, хаёлга толар,
Қилмиши кўнглига ғавғолар солар...
Силаб-силаб қўяр олтин тахтни у,
Тахт ишқи солди-ку энг мудҳиш ғулу.

Кунлар ўта берди, ҳафталар ўтди,
 Ҳинд эли зулмдан толиб, энтикди.
 Солиқлар хиллари кўпайди гоят,
 Сабр косалари тўлди ниҳоят.
 Доно мунажжимлар саройдан кетди,
 Жоҳиллар саройни ўз ини этди.
 Базмлар авжида, ишрат авжида,
 Шоҳжаҳон, эл оқи Гангнинг мавжида.
 Кексалар ёш шоҳга ўғит бердилар,
 Ҳикматли инжуни сўз-ла тердилар.
 Аммо ҳеч бир тадбир келмади бакор,
 Зулм тигин чархлади Аврангзеб бадкор.
 Кўкка ўрлаб етди Ҳиндистон оқи,
 Кишанда ўлтирар адолат Шоҳи.
 Шунда Адолат деб эл тутди қилич.
 Бахтиёр, фаровон яшайлик деб тинч.
 Етти кун, етти тун халқ селдай оқди,
 Мағрур, ўжар Шоҳнинг бағрини ёқди.
 Золим қўлларини кишанга солиб,
 Қалъага отланди Ҳинд эли голиб.
 Баҳор кезидаги дарёдай тошиб,
 Қалъага чопарлар чопдилар шошиб.
 Бироқ Шоҳжаҳоннинг битганди куни.
 Ихтиёр этганди мангу уйқуни.
 Кўзлардан тўкилди ёшлар мисли сел.
 Тожмаҳалга қўйди Шоҳжаҳонни эл.
 Кўк ҳам мотам тутди, булут тўкди ёш,
 Булутга беркиниб йиғлади Қуёш.
 Тавба-тазаррулар этди Аврангзеб,
 Бошин ерга урди саждалар этиб.
 У чеккан додига ҳеч ким етмади,
 Ҳақгўйлар тавбасин қабул етмади.
 Оҳу нола билан, саройдан кетди,
 Оҳу фарёд билан чўлларга етди.

Ҳатто уйқусида босарди даҳшат,
Нимадир бўғзини чангаллар фақат.
Даштлар аро кезди силласи қуриб,
Меҳрга зор бўлиб, дарбадар юриб.
Мажнун каби бўзлаб юртига қайтди,
Лаблари пичирлар хазин бир байтни:
— Кечир, отажоним, Шоҳи жаҳоним,
— Кечир, онажоним, олампаҳоҳим.
Кечир, боболарим иззати-руҳи,
Елкамда зилдай юк-ғамлар андуҳи.
Билмайин кирибман иблис сўзига,
Билмай тупурибман элнинг тузига...
Кечир, мени кечир, отажонгинам!..

* * *

Бу ишлар қолса-да йиллар қаърида,
Аврагзеб руҳи лек ота қабрида —
Пушаймонга ботиб, мунгли боқармиш,
Кўз ёши Ганг бўлиб ҳануз оқармиш.
Шоҳжаҳон маскани гўзал Тожмаҳал
Товланиб турармиш бежирим, ял-ял.
Бобир авлодидан ёдгор бу мерос
Халқнинг санъатидир буюкликка хос.
Дунёда тенги йўқ кошинлари зар,
Мангуга ярқираб турар Тожмаҳал...

ТУРСУН ИБРОҲИМОВ

Ю РА К Д А Г И Т Ё Л Қ И Н



Турсун Иброҳимов Тошкентда туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Ҳозирда «Шарқ юлдузи» журналида ишламоқда.

Унинг «Ба ҳор табассуми», «Ирмоқлар қўшиғи», «Япроқлар» номли китоблари чоп этилган.

ЮРАҚДАГИ ТЎЛҚИН

(д о с т о н)

САЛОМ, ҚОНҚУС!¹

Анҳор бўйи, қиёқларнинг тилларида хуш калом,
Силкинишар, саратоннинг ҳовурин қувмоқчими?
Гулга кирган ялпизлар ҳам гўё қилгандек салом,
Тўлқинларга тўш урарлар, гардларин ювмоқчими?!
Қандайин гард... Гардларми ё ўтгучи туну кунлар,
Бу нимаси, киприк қоққан майсаларни саргайтса?!
Чўкиб қолган тол бир ёнда оқар сув шавқин тинглар,
Мункиб-мункиб қўяр гоҳо тўлқинлар шохин тортса...
Офтоб боқар, офтобли кун, ғир-ғир эсар шабода,
Сайраб ўтган қушларнинг гоҳ учиб тушар патлари.
Қувонардим, о, бу жаёл туш бўлсайди мабодо,
Маҳзун этар юрагимни дунё синоатлари.
Салқингина анҳор бўйи, ўйларим салқин-салқин:
Қай бир кўкат уруғ тўкар, қай бири-чи, хас-хазон.
Мен биламан, ўтмоқдаман, умримнинг чеки яқин,
Наҳот умр, умидларнинг нархи шунчалар арзон!..
Қонқус, Қонқус... Қадамжойим, қайларга қоқдинг
қулоқ.

Томиримда қалқиб оққан қонларимда қадринг бор.
Жўнариқнинг, Куркилдакнинг² кулгусин тинглаб бу
чоқ.

Қувондингми, ё кечмишга бир зум бердинг ихтиёр?!
Назаримда, «Тингла!» дея тўлқинлар урди қарсак,
Сархуш қилди ялпиз бўйи, қайрағоч солди соя.
Гўё сувда қалқиб-қалқиб оқарди бетинч юрак,
Қадим Қонқус — қадамжойим сўйлар экан ҳикоя.

¹ Қонқус — Тошкентнинг кунботиш томонидаги ариқ-канал.
² Жўнариқ, Куркилдак — Янгийўл, Чиноз районларини
оралаб ўтган ариқ-каналлар.

БИРИНЧИ ХИКОЯ

1

•Бўта дейман, бу дунёда бормикан бағри бутун,
Бошим қашиб бу ён келдим, чўп йўқдир ўру қирда.
Қора қумғон қайнамайди бўлмаса бир боғ ўтин,
Ҳай, ўнгмағур, кўз очсанг-чи, нон борми бирон бурда?
Қорнимку оч, қорни тўқдек мунча бўлдинг қарамсиз,
Еган этинг эт бўларми бировнинг моли бўлса.
Қандайин ҳол, ўриб-йиғиб ўзинг қолсанг ғарамсиз,
Бола-чақа... маҳшарда ҳам азоб... паймона тўлса!..
Сенга айтсам, молу ҳолни қўрангга қўноқладим,
Қўнимсизга қўним йўқдир, чироқсиздир тунимиз.
Оч келдиму ҳузурингда тўқдайин ўйноқладим,
Насибамиз териб ермиз битгунича кунимиз.
Бўта дейман, чиноқ тушкур, муртингни бургил хиёл,
Паноҳ тортиб ҳузурингга келди бугун элатинг.
Сену менга салом-алик келмайди асло малол,
Тур, турақол, гунг ётмагил, кўрсатақол ҳимматинг!
Ҳали айтдим, бирон бурда бер менга зоғорангдан,
Биродаринг раёйин қилғил, мешда келтирдим қимиз.
Бўл, бўлақол, турақолгин, ўргилдим замонангдан,
Вақтим йўқдир, бир зумгина дардлашайлик иккимиз!»
Бўта бўкиб ухлаб ётар, тин олган тани-жони,
Қар қулоғи Ўрмонбойнинг гапларига қилт этмас.
Отар тонгни олқишларми, тонг қолдириб самони
Тўрғай сайрар баландларни кўрмоқни қилиб ҳавас.
Юксакларда юз кўрсатар ҳали сўнмаган юлдуз,
Шуълалари тун сочини сийпайди, тароқлайди.
Тўлишган ой дов-дарахтга ияк қўйгунча бу кез,
Ўз бағрига чорлагандек чакнайди, чарақлайди.
Мўъжазгина эски кўрғон шох-шаббадан девори,
Қир ўрага тўшин бериб ухлайди қари кўппак.
Илон йили, кутмаганди кўруқ келди баҳори,
Намсиз уруғ унмагандек унмайин қолди тилак.

Қаво қуруқ, ўтлоқ қуруқ, қуруқ эл ғалладони,
 Эсиб қолган дайди ел ҳам фақат чангни тўзитар.
 Йиртиқ чопон ямалар-ку ямаб бўлмас томоқни,
 Тирикчилик тошдан қаттиқ, йўқчилик бош қизитар...
 Туш кўрарми, Бўта гоҳо қўяди ижирганиб,
 Гоҳо кулар: сув етаклар балки ариқ ёқалаб.
 Эккан пиёз, жўхориси ётибди куйиб-ёниб,
 Не кўргилик, қолса кузда қуруқ хуржин орқалаб?!
 Тақир бошин қашиларкан, ўйга толиб Урмонбой
 Аста чўкди уф тортганча куя еган пўстакка.
 Қора қозон ташвишини қилдию у ҳойнаҳой,
 Туриб қолди косов янглиғ қўлин тираб иякка.
 Ажириқнинг илдизидай манглайда ажинлар, —
 Чигаллашди ташқарида маърашаркан моллари.
 Узинингку ҳоли забун, нима бўлди-яқинлар,
 Йўлдан кўчган тўзон каби тўзир унинг хаёли...
 Етти ота, етмиш авлод тупроғи қовушмади,
 Бири сарсон чўл бағрида, бириси Олатовда.
 Уч қариндош¹ уч ён кетди, қизишди, совушмади,
 Сўнгсиз сахро тор келгандек сўқишди тор ўтовда.
 Ўрта юздан ўзи асли, уч уругнинг ўртаси,
 Давраларда сўз бермайди юқори юз бўлмаса.
 Пайти келса савалайди, бўлар гапнинг сираси,
 Қуйи юздан бирон киши назарига илмаса.
 Нега бундай?.. Нега ахир!.. Бари жигаргўшаси,
 Ер дегани гўша бўлса, баланд осмон — битта том.
 Ё одамни йўнар экан, ўтмай қолган тешаси,
 Шундай бўлса, худонинг ҳам қилган иши пича хом.
 «Йўқ, йўқ, асло!..» Урмонбойнинг ҳуши учди бошидан,
 Пешонага бир мушт урди. Деди: «Астоғфурилло!
 Бу иблиснинг васвасаси, бу шайтон талашидан,
 Кечир мени, парвардигор, кечир мени, эй, худо?!»
 Урмонбойнинг нолишидан чўчиб уйғонди Бўта,

¹ Уч қариндош — учта уруг — юқори юз, ўрта юз, қуйи юз маъносида.

Аланг-жаланг ен атрофга қаради алақсираб.
Ҳўллолмасдан томоғини тупугин юта-юта,
Кўз ташлади у ёнига, ёстикқа тирсак тираб:
«Э, сенмисан?.. Бўлмасмиди мундаин туртиб қўйсанг,
Утакамни ёраёздинг, ўлай дедим, беақл!
Тўхта, тўхта, нима бўлди, рангингда қолмабди ранг,
Биз нима ҳам қилар эдик, худо шоҳид, шукур қил...»
Шукур қилиб икки ошна ўлтирдилар ёнма-ён
Ва лек осмон бошларига қулагандек ланж, лоҳас.
Узоқларда қанот қоқиб тонгни олқарми бу он,
Тўрғай сайрар баландларни кўрмоқни қилиб ҳавас.
Тонг оқарар, йўқ, тонг эмас, диллари хуфтон дўстнинг
Хаёлларин чоклай деган юлдузларнинг тақими.
Қовушмасми ҳеч чоклари дунёда каму кўстнинг,
Зарғалдоқ ҳам зорланганча сўроқлайди ҳаққини:

«Биёв, биёв
Саргардон куёв!
Шўрлик илтижо,
Боқмайсан қиё...
Биёв, биёв...»

Қайда экан қидиргани, нечун боқмайди қиё,
Ўзга боғда сайрар балки, кела олмас ётсираб.
Бўта қушнинг мунгли куйин тинглар экан маҳлиё,
Ўрмонбой ҳам кириб келди таёғини жим судраб.
«Қўй-кўзини ўтга қўйдим... Бўтавой, сенга айтсам,
Ташвишингга ташвиш қўшдим, ёрилдим, нетай, узр.
Қошки эди қувонсаму, қувончим кўрсам баҳам,
Икки кўзим, булоқ бўлса, сенга берардим ҳозир...»
«Бе, қўйсанг-чи...— таажжубдан боқди кўзи очилиб,
Ҳузурда турар эди бошин эгиб ошнаси. —
Не деганинг?! Қовушмасдан юрибмиз-ку сочилиб,
Шўрлигича қолмас ахир банданинг пешонаси!..»
Шундай дея апил-тапил Бўта турди ўрнидан,

Ошнасининг қўлтигидан қўлларини ўтказди.
Қучиб-суйиб, жой кўрсатиб, кулбанинг қоқ тўридан,
Чаппар урган хаёлларин жиловини тутқазди:
— Чиним айтсам, жиндаккина чалғитинг, дўстим
Ўрмон,

Сабр қилгин, эртами-кеч ёмғир ёғар яйловга.
Изламасдан из топилмас, бош эғмоқ, ҳай,ҳай, ёмон,
Қўй, қайғурма, қўй бўлмаса, эчки гўшти — чайновга.
Ер кўрмади ёгин-сочин, қуриди экин-текин,
Дастгоҳимга дам бергандим болаларнинг ризқи деб.
Гар деҳқонда дон бўлмаса, шаҳарликка кўп қийин,
Беш-олти пуд ошқовоқ деб ўлтирибман қадалиб.
Ёзда йиғиб олай деган ният дилда бор эди,
Қуримаган қора туршак, қурт еган олма қоқи. —
Топганларим фақат шудир, бошдагин кўз кўради,
Омон бўлсак кўрамиз-да, нима бўлса буёғи.
Агар булоқ бўлса, кўзим берардим, дединг, Ўрмон,
Бошим кўкка етди, билсанг, қувондим азбаройи.
Афсус, ўт ҳам кўкармайди ғам билан, кўзёш билан,
Беҳудага ўтди кунлар, майли, оби-худойи.
Ошнам, кўзинг ўзингники, яхшилиқни кўрсин у,
Қарамасин оч назар-ла ёруғ дунёга фақат.
Кўз оч бўлса дил оч бўлар, эскитдан қолган гап бу,
Қани, эшит, сўзлаб берай ибратнамо ривоят.

РИВОЯТ

Бир вақтлар зўр подшо бўлган экан,
Қўйни-қўнжи кўру қутга тўлган экан.

Подишолар паноҳ тортиб букиларкан,
Кўкдан юлдуз олтин бўлиб тўкиларкан.

Чексиз экан давлати, ҳа, кўп беназир,
Етмиш юртдан олар экан ўлпон-ушр.

Ов овлабон ўз вақтини ҳушлар экан,
Гоҳ ўрмонда, гоҳо қирда ушлар экан.

Мулозиму ҳам мушрифлар, бирга-бирга
Чангалзорда йўлбарс овлаб юрганида,

Ногаҳонда йўлиқибди бир йўловчи,
Балки оддий ўткинчидир, балки овчи.

Ул йўловчи ўз отидан тушибди тез,
Келиб шоҳнинг этагини ўпиб шу кез,

Таъзим ила сўз бошлабди: «Қулинг бўлай,
Минг бор жоним омонатинг, сенга тўлай.

Меҳрингга ҳам, зулмингга ҳам қилгум тоқат,
Бир шартим бор, бажармоғинг лозим фақат!

Шу, пиёла, келмаса гар сенга малол,
Тилла билан тўлдирасан, ўзи сопол...»

Аччиқланиб шоҳ айтибди: «Шаҳид худо,
Давлатимни кам билдингми сен бир гадо?!

Шак келтирдинг, шаккоклигинг берди озор,
Мулозимлар, хазинадан келтиринг зар!

Кўриб қўйсин қудратимни бу муттаҳам,
Тилла билан кўмгим сени мен истасам!..»

Зар, марварид келтиришиб хазинадан,
Пиёлага ташлабдилар озгинадан.

Ташлабдилар, бор бойликни ташлабдилар,
Тўлмас эмиш, бошларини қашлабдилар.

Ҳуши учган шоҳнинг қадди букилибди,
Ўткинчи-чи, бу аҳволдан зап кулибди.

Сўнгра дебди: «Шу эканда, ҳолинг эй, шох,
Оч кўзингга алдандинг сен, бўлдинг гумроҳ.

Бу пиёла кўз хокининг хамиридан,
Ақлингни топ ушбу сўзнинг таъбиридан:

Аслинг тупроқ, тупроқ бўлиб қолганинда
Тўлар эди битта ҳовуч солганинда...»

...Билсанг, ўрмон, айтар гапим пўст калласи,
Кўзи очлар меҳнаткашнинг кушандаси!..

III

Ялангтўш куз, яланглиқда ғарибона беш қўрғон,
Беш дўнглиқда, бешовини жару сойлар ютгудай.
Ҳовлиларда тутаб-бурқсиб ёнмоқда бешта гулхан,
Тутун эмас, эгалари дарди кўкни тутгудай.
Йиғилмоқда супалардан идиш-товоқ, кўч-кўлон,
Қайтмоқдалар, қатим-қатим узилган хаёллари.
Араванинг бир бурчида ё пичану, ё сомон,
Орзулаган умидлари келмади, ҳаяллади...
Тамбаланган шаҳар ҳовли кутмоқдадир ҳувиллаб,
Кутмоқдадир қилич қайраб қишнинг аччиқ аёзи.
Не қиларин билмай Бўта турганда мўйлов бураб,
Ўрмон келди, фарз бўлмасин дея пешин номози.
«Пешинликка пешинку-я...» — Бўтавой турди ҳолсиз,
Белидаги белбоғини аста еча бошлади.
Ютинганча Ўрмонбой ҳам жойнамоз ўрнига тез
Яктагини еча солиб тақир ерга ташлади.
Яйдоқ чўлдан чўчигандек кўзларини юмишиб,
Узмоқ бўлиб чўкишдилар ҳаққи олло қарзини.
Бош эгканча қибла томон, оёқлари увишиб,
Охирида Бўта қилди пешинномоз арзини:
«Парвардигор, биз бандаи ноқобилларинг... омин!..
Яратгансан, ярлақагин... Буёқда бола-чақа...»
Нелардир деб пичирларкан, кутмаганда олиб тин,

Тураётиб тўрсайганча юзга тортди фотиҳа.

«Шундай, томир... — кўп ўтмайин тилга кирди

оҳиста, —

Узилгудай бўлсак агар, сотамиз-да, тўриқни...»

Эзилгандек дир-дир титраб қовжираган полизда

Гўё сўзин тинглар эди жулдирвоқи қўриқчи.

Дилдирайди хас-хазонлар, шамол эсар изиллаб,

Офтоб юзин тўсган булут, сузмоқда ер бағирлаб.

Гала-гала қушлар учар ризқ излаб, макон излаб,

Қарға-зоғлар гўнгхонада ахлат титар қағиллаб: —

Тумшуқлари тош-қаттиқ,

Ғақ-ғақ.

Осмон узок, ер қаттиқ,

Ғақ-ғақ.

IV

Қовоқ уймиш еру осмон, ёқа йиртган булутлар,

Емғир томар, бир аразчи боланинг кўз ёшидай,

Чеҳраларда нохуш тундлик, жонлангандек унутлар,

Бошлар узра хазон тўзир, гўё таъна тошидай!..

Қишу баҳор қуруқ келди, тўлмайн қолди қоқ сув,¹

Нам кўрмаган мешларни ҳам шақал кетди тортқилаб.

Йўқса, махси бўлмаса ҳам чориқ бўлар эди у,

Қора булут қанотида қиш келмоқда изиллаб...

«Хўп, оллонинг паноҳига!» — деди Вўта Ўрмонга,

Бир зумгина жипслашди икки чайир қадоқ қўл.

Сўнгра кўзин ердан узмай миниб тўриқ отига.

Қамчи босди аччиқланиб, шаҳар томон солди йўл.

Аччиқланди гулдирак ҳам, тилди булут бағрини,

¹ Қоқ сув — (қоқлар) — табиий ё атайин қилинган кичик кўлар, иззалар. Қадим қоқлардан молларни сугорганлар, мешларда сув ташиб, экин экканлар.

Бешта кўрғон одамлари бошин эгиб боради.
У ким бўлди, Сартепада² яктагининг барини —
Елга бериб, елдек елиб, не деб кўнгил ёради;
«Биродарлар, ёв билмангиз, ҳей,
Доғ кўнгилни доғ қилмангиз, ҳей!

Мен сизларга сирдош оқсоқол,
Сўзларимни кўрмангиз малол.

Таниб олинг маним ўзимни,
Бирдай тингланг айтар сўзимни!

Шаррос-шаррос ёмғир ёғар, йўртиб келар чавандоз,
Қалтирайди от устида, энгил-боши шалаббо.
Дилтанг карвон каловланиб қулоқ солди-ю, бир оз
Тўхтаб, бефарқ кутиб турди, не дегандек муддао.
Кўрсаларки, ўзларига таниш Юнус оқсоқол,
Отдан туша нос отганча кирди шошиб орага.
Чуваланган салласининг печини суриб хиёл,
Гўёки нос хуморини тўка кетди даврага:

«Айб қилманг, биродарлар, ҳа,
Юзингизда таажжуб, таъна...
Мен биламан, қоқлар тўлмади,
Жужуқларнинг ризқи бўлмади...
Бўз ерларда унмади уруғ,
Тунд дилингиз қилайин ёруғ.
Занги ота, ҳам Қатортолдан,
Хелу хештдан, амма-холадан;
Эшботирдан, Далигузардан,
Чоштепадан, Тариқтешардан!

² Сартепа — Катта тепа. Кузатиш нуқталари бўлган.

¹ Зангиота, Қатортол, Эшботир, Эшонгузар, Чоштепа, Тариқтешар — Тошкент шахрининг кунботиш томонидаги гузар, қишлоқлар.

Мен сизларга хабар келтирдим,
Хўш деганда, нима ҳам дердим:
Мақсад шуки, ариқ қазимоқ,
Чигил бўлган дилларни ёзмоқ!..»

Аравалар ғирчиллади, жонланди бирдан давра,
Паранжилик аёллар ҳам бошларини кўтарди.
Чехраларда ним-ним кулги, кўнгилларда тантана,
Назарларда шилдир-шилдир сувлар оқиб ўтарди..

КҰНГИЛ — ДАРЕ, ХАЕЛ — СУВ

Кутмаганда қалқди Қонқус, қалқди ногоҳ ўйларим,
Не қувончки, суҳбатдошим бағрига солди оташ.
Пойим ўпган тўлқинларнинг пешонасин силадим,
Зарра-зарра томчиларда зорланиб боқди қуёш.
Сувда қалқиб оққан офтоб ороми учунми, ё
Мамнун кезган сувчимикан қувончининг сабаби?
Лол қилмишлар шўх тўлқинлар, қандайин ширин хулё¹
Сархуш этмиш, шайдоланиб лаб излайди лаблари.
Зарра-зарра томчиларда зарра-зарра қуёшлар,
Утингандек кипригимга, ҳам кафтимга қўнмишлар.
Сув остида жилоланиб турфа хил рангин тошлар,
Юзим лойқа босмасин деб хаёлларим йўнмишлар.
Махзун бўлдим, ахир нечун лойқалатай Қонқусни,
Асрим шаддод, шаддод ақл ҳаётга бугун пеша.
Бу кез кимнинг юрагидан силқиган нохуш ҳисни
Ҳайбатидан ҳайрон қолиб: қуёш қилар андиша!..
Инсон буюк... От сурса ҳам буюкликнинг йўлида,
Ҳали-ҳамон етгани йўқ оқ-қоранинг фарқига.
Бир қўлида гул ушласа, тиг тутар бир қўлида,
Хиёнатлар қилинмоқда одамийлик ҳаққига.
Хайё-хут деб ўтмоқ учун хайё-хут деб келмадик,
Гар самоват тандир бўлса, ер эмасдир битта нон.
Коинотнинг косасини тўлдирдигу, тўлмадик,
Бугдой бўлиб бошоқ тортдик: гоҳо сомон, гоҳо дон...

¹ Хулё — хаёл.

Қонқус, Қонқус — кўз қароғим, асрларнинг сирдоши,
Уйнаб, куйлаб оқмоқдадир, ҳузурбахшдир куйлари.
Қонқус, Қонқус, сен эмасми авлодларнинг кўз ёши,
Сен эмасми, оқмай-оқмай оқаётган ўйлари?!
Жимиб қолди, қулоч отган тўлқинлари тин олди,
Тингларми у пайкал кезган сувчининг хиргойисин?!
Ажаб, кўшиқ қувонтирди, қувонганча йўл солди,
Уйнаб-уйнаб оқар экан, бошлади ҳикоясин.

ИККИНЧИ ҲИКОЯ

I

Кимда кетмон, кимда чўкич, кимда эса белкурак,
Атрофдаги гузарлардан гурра-гурра келади.
Келгучилар умидворлар, ҳаммасига сув керак,
Тугиб олган нон-тузини жингилларга илади.
Илиқ-иссиқ чехраларда яхши кунлар илинжи,
Ииртиқ-ямоқ чопонлардан совуқ ҳам ўтмагандай.
Ҳашарга деб Ўрмон келди, гуп шишган бир ён лунжи,
Оғриб қолди бирдан тиши белоғриқ етмагандай.
Лунжин ушлаб отдан тушди, шоду хуррам оломон,
Кўз қисганча енгил тортиб назаридан ўтказди.
Ҳузурига келар экан Бўтавой ҳам шу замон,
Эгардаги хуржинини оласолиб тутқазди:
«Қўйнинг қурти, мойликкина, совуқ шилмас мойингни
Ҳа, айтгандай, омонмисан, омонми бола-чақа?..
Беш-ўн кунда келаман, деб кўндирдим кеннойингни,
Одаммиз-ку, от оқсайди юрса агар бетақа.
Хайрли иш бошладинглар, бир четда тураинми,
Дерлар доим: гар тўкилса қўйнидаги — қўнжига.
Ёру дўстмиз кенг саҳрони бошимга ураинми,
Шуйтиб, десанг, Ўрмон келди Бўтавойнинг пинжига!»
Кулишдилар, кулгилари кулгиларга қовушди,
Гулхан ёнар, чор атрофда сув ҳақида сўзу фол.
Кўриб одам қорасини тин олишди, совушди:

Улуглардан фатво олиб келар Юнус оқсоқол.
 Қандай хабар келтирдийкин, хайрлими ишқилиб,
 Ким ҳам билсин, бою боён, уламоларнинг сири.
 Оқсоқолни кутмоқдалар кўнгилларин гап қилиб,
 Уру қирда уввос солиб кезар аччиқ изғирин.
 Кутганлари келиб етди, қўниш олди давра ҳам,
 Мўйлабини силаб аста кулиб қўйди у майин.
 Хиёлгина бошин эгиб бергандай бўлди салом,
 Сўнгра мамнун сўзлай кетди отидан ҳам тушмайин:
 «Пушти паноҳимиз Искандар Султон,
 Бахтимизга ул зот бўлсинлар омон!
 Еру кўк оллонинг ҳақ инояти,
 Шавкатли Искандар анинг сояси.
 Султон буюрмишлар, очурмиз ариқ,
 Йўқлик, юпунликдан бўлурмиз фориг.
 Олинар ҳосилнинг учдан иккиси
 Аркони давлатнинг холис тегиши.
 Шундайин гап бўлди, бандаи мўмин,
 Оллонинг ҳукмидир, илоҳа омин!..»

II

Кўкдан томган томчиларга юзин чаймиш бўз тупроқ,
 Ҳам чайилган юзи билан юзларга унсиз боқмиш.
 Юзлаб одам кетмон тутган, кимнинг қўлида ўроқ,
 Ариқ қазир, изғирин-ку, манглайдан терлар оқмиш.
 Ер қизиган, қучоғидан кўтарилар дуд, ҳовур,
 Тушмагурлар кетмон урар маромини келтириб.
 Пешонадан томган терни, ажаб, кўтармоқ оғир,
 Сўзлайдилар чарчаш билмай оғизларин тўлдириб;
 — Ариқ қазиб, сув чиқарсак, ҳей, эшит, айтар сўзим,
 Экмоқчиман уч-тўрт пушта қовун, тарвуз, хандалак...
 — Менинг бўлса, истагим шу — бутун бўлса-ю ноним,
 Сўнгра жонон хотин олсам, бўлса сочи жамалак...
 — Маъқул, маъқул... Тингланг мени, эй нияти яхшилар,
 Оғилхона бўш ётибди, боқсам дейман қўш тана...
 — Мен-чи, э-ҳе, боғ қиламан, ниятга етсам агар,

Шафтолининг шохларида сайратаман бедана...
Ҳа, сув эмас, ўйлар оқар хаёлот аригидан,
Ишлайдилар терлаб-пишиб, ариқ-ку битгани йўқ,
Куёв бўлмиш... бармоқлари кўринмиш чоригидан,
Ҳандалакнинг бўйин туйган полизчининг кўнгли тўқ.
Гангур-гунгур суҳбат қизир, фақат Бўта олган тин,
Ҳеч ким билан сўзлашмайди, нимадандир у хафа.
Тутаб-бурқсиб гулханларда чирсиллайди ҳўл ўтин,
Биқир-биқир қайнамоқда дошқозонда халфана¹.
Узоқларга кўз ташлайди, уф тортади ҳар замон,
Ўрмон тупроқ ташир экан тошириб хуржинидан,
Не бўлганин билолмасдан бўлганича у ҳайрон
Тортди ахир чидолмасдан ўртоғининг пинжидан:
«Нима бўлди, айтгин бундай? Қон қилдинг-ку юракни,
Қандайин дард, кела солиб бошингда гимирлади?»
Бўта қараб атрофига, қўйди-ю белкуракни,
Бармоғини лабга босиб оҳиста шивирлади:
«Гумондаман... Гунг бўлгину, қани, мен-ла четга юр,
Ҳалигина кулоқ солдинг оқсоқолнинг сўзига.
Кўзи очиқ бўлатуриб кўрмаганлар, асли кўр,
Дориғалар¹ оёқ қўйди эл-улуснинг юзига!..»
Четга чиқиб ўтирдилар, ўчди Ўрмоннинг ранги,
Не гаплигин билолмасдан, одат, бошин қашлади.
«Бунча латта чайнамасанг, дуруст сўзла, даванги,
Хўш, дориға, ё оқсоқол қандай шумлик бошлади?»
«Ўзингни бос... Биласанки, ҳамма жойда йўқчилик,
Тилим лолдир, о, қўрқаман ўтишга муддаога.
Сезмоқдаман, пешонада бордек мудҳиш кўргилик,
Шундай гап бор: йўқдир даво ичдан чиққан балога. —
Бўта маъюс кулиб қўйди. — Қўй, сўрама, биродар,
Сўзлай десам, юрагимда оҳу нолам қатма-қат.
Сув чиқариб, томчисига бўлмасайдик ҳали зор,
Кел, қўятур, ҳозирчалик эшитатур бир ҳикмат.

¹ Халфана — масаллиги бақамти қилинган овқат.

¹ Дрига — бой-амалдор.

ҲИҚМАТ

Кунинг ўтар гоҳида хуш, гоҳо нохуш,
Тирикликнинг ўзи асти кони ташвиш.

Оғир ташвиш чеккан экан қай бир замон,
Ўзи десанг, бечорамас, кимсан, султон.

Ошиб-тошиб ётса ҳамки молу дунё,
Тирноққа зор қилган экан уни худо.

Кечалари хосхонада йиғлар экан,
Хотинларин юрак-бағрин тиглар экан.

Елбораркан у худога ич-этин еб,
Кар бўлса ҳам, гунг бўлса ҳам фарзанд бер деб.

Э-э... худонинг қарами кенг, қисматига
Ачинибми, етказибди ниятига.

Султонзода туғилибди, суқсурдайн,
(Шоҳ ўлса, юрт шоҳсиз қолмас, эга тайин...)

Қирқ кун юртда нақ тўймисан тўй бўлибди,
Қирда улоқ, боғда қўшиқ-куй бўлибди.

Чақалоқ ҳам улғайибди кунлар ўтиб,
Куладиган бўп қолибди ёшга етиб.

Қарасалар, кулармишу тингламасмиш,
Гапни қайда, шовқинни ҳам англамасмиш.

Не бедодлик, ҳам гунг эмиш, ҳам кар эмиш,
Учибди де, шўрлик шоҳнинг бошидан хуш.

Амр қилмиш у аламдан, жазавада:
«Келтирилсин ҳақим бўлса қанча, қайда!»

Йиғилишиб ҳақимлар ҳам келибдилар,
Кенг саройда даво излаб елибдилар.

Сўнг дебдилар узр айтиб: «Аввал худо,
Шаҳзодага одам сути бўлар даво.

Шарти шуки, сут бергучи бўлсин ҳалол,
Оғринмасин ҳам кўрмасин зинҳор малол!..

Эҳ, гуноҳқор бандалармиз: тақдир — ўйин,
Ҳалол бўлиб яшамоқлик жуда қийин.

Сенга айтсам, гоҳ маърака, гоҳ тўй деймиз,
Ўликнинг ҳам, тирикнинг ҳам ҳаққин еймиз...

Хуллас калом, топилибди битта хотин,
Миннат қилмай у берибди кўкрак сутин.

Шаҳзоданинг тил, қулоғи очилибди,
Сут берганининг бошидан дур сочилибди.

Шунда унинг ўчибдию ранги-қути,
«Билинг, — депти, — сотилмайди она сути!..»

...Юрт безовта, шўрлик юртим, онадай пок,
Ҳа-ҳа, Ўрмон, юртсиз эрнинг асли нопок!..

III

Томчи сув деб тупроқ ташиб, кўтарма кўтарганлар
Экинларин йиғмоқдалар: ўйлари ширин-ширин...
Жулқопларин тўлдиришиб, бўғзидан бўғарканлар
Овоз келди кутмаганда, овоз — гўё изғирин:

— Балли, балли!.. Баракалло,
Ҳа, ишингиз, жуда соз!
Ҳеч гап эмас, берса худо,
Ана макка, ҳам пиёз...
Дерлар шундай: ерда сувнинг,
Сувда ернинг ҳаққи бор.
Улуғларнинг ҳукми ила
Шундайин қилдик қарор:
Хирмонингиз тўртдан бири,
Боринг-э, ўзингизга!
Қолдирасиз қолганини
Пошшоликнинг ҳаққига.
Ҳа, зап ҳосил етилибди,
Балли-е, баракалло.
Ҳукми олий шул бўлипти,
Ҳокимни қилинг дуо!..

Дуо қайда, оқсоқолга кўз тикдилар бесадо,
Нурга тўлган юракларин «олий ҳукм» қамчилар.
Жим қолдилар, ичга чўккан дардлари зил, бедаво,—
Отдан тушиб хирмонларни бўлишар ўлпончилар!
Ҳосил чўғи ўчиб битди, атроф қолди ҳувиллаб,
Бошларини ҳам қилганча хаёлларга ботдилар.
Бир сўз демай бир-бирига, кўз ёшлари тирқираб,
Аравага туйнак-пуйнак, ҳам аламини орддилар...

IV

Қосим найнов, дейди ҳамма, найновлиги қолганмас,
У «Самарқанд» дарвозасин қирқ йилдирки, дарбони¹.
Қадди-басти букилса ҳам гап теришдан толганмас,
Одам тугул, билгудайин сирин еру осмонни,
Тақдирданми, қилмишдан, бўлмаган бола-чақа,
Сархонаси қийшиқ чилим, қора қумғон — қўр-қути.
Билмаганга гунг кўринар, аслида жиндак наша —
Оғзин қайда, ҳатто унинг қулфи-дилини калити.

¹ Д а р б о н — дарвозабон, эшик оғаси.

Эшик очиб, эшик ёпар, ким келару ким кетар —
Кўрмагандек, биқир-биқир қайнайди қора қумғон.
Аммо унга ўтганларнинг ҳамёнида неки бор,
Ҳатто харам чирогининг ёниш-ёнмаси аён.
Бугун унга нима бўлди? Йўлини солди айри —
Унутдими намозини, калта-култа нафаси.
Шошилади, шошилгани шодон кунларин хайри —
Тугадими кутмаганда киссасида нашаси!..
Юзин қаро босган оқшом, дарбон кўнгли ҳам қара,
Чойхонага кириб борди, супага чўкди оғир.
Қора чироғ ёруғида беш-ўн юнун бегона
Чой ҳўплашиб, дил ийлашиб қилишар шивир-шивир:
«Ҳоммоллик ҳам юрт тўқ бўлса... Қарз эдим

Кунбўйи кеза-кеза қўёлмадим ўрнига...» улгуржидан

«Бир кунингни айтасан сен, ёз бўйи кезиб сарсон
Муса қайтди даласидан қўлин тикиб бурнига!..»

«Нима бўпти... Ариқ қазиб, сув чиқардик деганди,
Жа бўлмаса қишга андак келтиргандир егулик?»

«Бе, қаёқда, амлоқдорлар талаш қипти хирмонни,
Қўли ошга етганида, ана, унга кўргилик...»

«Топарини бўйи етган қизига атаганди,

Э-ҳе, тўй ҳам тўқларники... Нима қилсин бечора!..»

«...Э, бу ҳолва!.. Бошларингга не кулфат тушмас ҳали,
Қизи борнинг оёғи шол, бағри бўлар садпора! —

Косим — «найнов» чидолмади, чилимни кўлдиратиб
Териб келган гапларини даврага тўкиб солди: —
Кимда сулув қиз бор бўлса ювинтириб, ясатиб,
Имонсиз хон хузурига фақат жўнатмоқ қолди...»

«...Бўлса агар номус-оринг,
Ҳам шарафинг, ифтихоринг,
Кўтаргину қўлда боринг,
Чиқ даврага, чиқ даврага!»

Гўё тонг ҳам жароҳатли, қиёфаси тунд, заҳил,
Ўнлаб жарчи кўчаларда жар устига жар солди.
Емонликни маҳв этиш-чун яхшилар бўлди аҳл,

Топган чўқмор, топмагани қўлига сопқон олди.
Оқим, оқим... Ҳар жабҳадан овоз кўпчир ногаҳон:
«Киндик қони томган тупроқ, наҳот бўлса омонат?
Емай-ичмай едирсагу, бу қандай телба-замон,
Замонани заҳар қилган золим хонга минг лаънат!..»
Жазавада Қосим дарбон, дарвозани ланг очган,
Ғазабланган деҳқонлару чўпон-чўлиқ ўтади.
Қўлларида калтакми, тош, юзларидан қон қочган,
Мадад бўлсин дея найнов бир-бир чилим тутади.
Имонимни ютмай деган сарбозлар ҳам даврада,
Саройда-чи, сарой беги югурар савдойидай.
Искандарнинг холи забун, хосхонада — панада
Нола қилар, кўз ёш тўкар омонлик тилай-тилай...
Совуқ кўздан оққан кўз ёш кўл бўлганми бир замон,
Қандайин куч тутиб қолар тоғнинг кўчган тошини?!
Ситамдийда халқ зулмга кўксини қилди қалқон,
Танасидан жудо қилди Искандарнинг бошини.
Ноғоралар гумбирлади, чалинди чирмандалар,
Қафасларни йиртиб чиққан қушлардай шод оломон.
Емғир ювган чечаклардай чехраларда хандалар,
Кўкда қуёш хомуш боқар...
Гўё бир кунлик меҳмон!..

VI

Бўтавойдан дарак йўқдир, ўтди қанча куну ой,
Нур сели-ла булутларни савалаб қолди қуёш.
Уйғонгандек қамишзорлар, уйғонгандек дала, сой,
Қаҳри қаттиқ қиш бўлса-чи, юм-юм йиғлаб, кўзда ёш.
Ширин ариқ қалқиб қўяр, оқмоқда бўтана сув,
Фарзанд кутган жувон янглиғ яланмишдир тепалар.
Қаердадир, баҳорними кутлаб сайрайди какку,
Ертўлалар қазилмоқда, тикилмоқда капалар.
Деҳқон экин ташвишида, қўриқ очар ошиқиб,
Индан чиққан чумолилар оҳиста ўрмалайди.
Жингилларга қўниб олиб, қай бир куйни машқ қилиб,

Жуфт-жуфт қушлар шайдоланиб патларини тарайди.
 Қир-адирда қўй ўтлайди, ўйноқлайди от-улов,
 Сартепанинг бўй-бастига ташлангандек бахмал тўн.
 «Эй, бугун ҳам келмади-я... Унга бир гап бўлди-ёв!.. —
 Дўмбирасин четга қўйиб Ўрмон оғир олди тин. —
 Ер-сув деса совутилган отдайн ўйноқларди,
 Бир кори ҳол бўлган унга, йўқса биқиб ётмасди.
 Кетарида аччиқланиб суҳбатни шувоқлади,
 Боши омон бўлса бўлди, болтадан ҳам қайтмасди...»
 Кўнгли хижил, икки-уч бор дўстини йўқлаб борди,
 Аммо унга очилмади шаҳарнинг дарвозаси.
 Мана, энди чўпон-чўлик, ўткинчига тарқади,
 Искандарнинг халқ тиғи-ла ўлганин овозаси.
 Ажаб савдо... Баданида юргандек қора илон,
 Тун чўкмоқда, тун каби тунд Ўрмоннинг табиати.
 Қапаларда жонсизгина липиллайди пилпилон,
 Ҳокимга тиғ урган халқнинг не бўларкин қисмати?!
 Бош қотган, қўним топмас ўйлари чувалашар,
 Мол-ҳолини қир ошириб жўнаб қолсамикин, а?
 Қаёққа кўз ташламасин кўз олди хиралашар,
 Мушкул ҳолга тушганида мункиб қолсинми Бўта?!
 Бирдан чўкди далау дашт зимистонлик қаърига,
 Қапаларда милтиллаган пилпилонлар ўчдилар.
 Зор қўшилиб кўноқ излаб келган қушлар зорига,
 Чирқирашиб, қанот қоқиб, қаёққадир кўчдилар.
 Ўрмон хомуш, тинглар экан кўчган қушлар зорини,
 Сартепада кутмағанда аланга олди гулхан.
 У ўзича шивирлади: «Элга душман дориди...
 Тонгни кўрмай тиғдан ўтар қанча-қанча ширин жон!..
 «Егий¹ босди, қоч—ҳа, қоч!» деб от суриб ўтди чопар,
 Дардли деҳқон кўч-кўронин, ташлади омоchini.
 Мунгли бошин қайга урсин, пешонаси экан шўр,
 Аёллар ҳам йўлга тушди юлқиб-юлқиб сочини.
 Ёв келмоқда: ёруғ кунни ёритарми, йўқ, ёқар,

¹ Егий — ёв, душман.

Қўлларида қилич-шамшир, илон тилли машғала.
Эски, янги ариқлардан сув ўрнига қон оқар,
Тўйни кутган хонадонлар ўтказарлар маърака.
Саф олдида суворийлар кетиб борурлар равон,
Қора черик², тўп отарлар... Ҳали орти кўринмас.
Алаmidан чилим тортиб келар экан мағрур хон,
Тархонларга³ қўл силкиди, дегандайин: «Тўхтаианг, бас!»
Тўхтадилар. Гўё хон сўзларди битта-битта,
Мулозимлар юганини ушлаб турди саманни.
Бош эгдилар куйингандек кўз юмган валиаҳдга,
Пушти паноҳ виқор билан кузатди жаъми жонни:
«Черикларим!» — гап бошлади у, —
Чекмоқдаман алам ва қайғу...

Умрим ўтди эл-улусни деб,
Тожу тахтни, халқнинг гамин еб,

Хонлик учун хондек яшадим,
Душманларнинг кўзин ёшладим.

Обрў кўрди аркони давлат
Ҳамда сизлар топдингизлар бахт.

...Шум шошликлар ўлдирди ўғлим,
Шош¹ аҳлига истагим: ўлим!»

— Улим!.. Улим!.. Қасос, қасос!.. — наъра тортдилар
шу чоқ

Наъра тортди қилич тиглаб кўкда момақалди роқ.
Телбаланган сипоҳларни кузатаркан, шу дам шоҳ,
Вазирига кўзин қисди аламнок ва бадқовоқ.
Сўнг дол бўлган қоматини от устида тутиб роз

² Қора черик — оддий аскар.

³ Тархонлар — лашкарбошилар.

¹ Шош ёки Чоч — Тошкент.

Маҳкам қисди қиличининг қўйма олтин сопини.
Тунд юзида аксланаркан алам, аччиқ эътироз,
Бир-бир айтди жанг олдидан айтадирган гапини:

« Мен, ким — Имомқулихон².
Хукмим шулдир, қилгумдир баён:
Лашкар тортиб келибманми, бас,
Душманларим бўлсин хору хас.
Бошин кесинг қарисини ҳам.
Бешикдаги боласини ҳам,
Дарё-дарё қонин оқизинг,
Шахрин қилинг тупроқ билан тенг.
Мол-дунёсин олингиз талаб,
Ер-сувини боргумдир ҳатлаб.
Саман отим қорнига тегиб —
Оқсин қонлар, оқсин ҳайқириб!..
Хоҳишим шу: ичаман қасам,
Ботирларим, бўлингиз бардам!»

Лашкар қалқди, йўлга тушди, қонталашган кўзлардан
Титраб-қақшаб бойчечаклар маънос эгди бошини.
Илк баҳорнинг шабадаси қайлардадир саргардон,
Қора кийган осмон бедор, тўкмоқдадир ёшини.

ТУЎҚИНЛАР ТИРИК — ТИРИК ТОРЛАР

Хаёллар ҳам кўтаргулик юкми дейман, ажабо,
Юки бордай коинотнинг ҳатто ялпиз исиди.
Кўзим очсам кўз олдимда яшнаган ёруғ дунё,
Енгил тортиб яйраб кетдим, ҳаммаёқ тинч-осуда.
Абадият айвонида носоз чолғудек одам,
Уйга чўмиб ич-ичимдан созландиму чалиндим.
Ҳам у кечмиш оҳангларин тўйдиму, чўчиб шу дам

² Имомқулихон — Бухоро хони. Уғли — Тошкент ҳокими Искандар 1612 йили халқ томонидан қатл этилгач, лашкар тортиб келади. Аёвсиз жангда қирқ минг тошкентлик, ўн минг бухоролик қурбон бўлади.

Тиниб-тинмай тошаётган ўйларимга ялиндим:
Ярлақагин ёруғликни, ярлақагин, эй, инсон,
Менинг куйчи Қонқусгинам қирғоғидан тошмасин.
Қара, атом болалади, номи унинг нейтрон,
Фикр оқсин, хаёл оқсин ва лек ҳаддан ошмасин!
«Восток» учсин, «Салют» учсин, учаверсин «Апполон»,
Биргалашиб улар очсин самоватнинг сирини,
Камолотнинг тантанаси, камол топган бу замон —
Мункимасин, ювсин энди кўҳна тарих кирини.
Чилонзорнинг чироқлари абадий чарақласин,
Кимки тушса гар метрога, бекатин топиб олсин.
Кўзин очган гўдакларнинг манглайи ярақласин,
Хамир қорган, ёпадиган нонини ёпиб олсин.
Дарвоқе, биз чолғулармиз, аслида созланмаган,
Созлашайлик, бир-биримиз бир оҳангга солайлик.
Муҳаббатнинг кўчасида қиз борми нозланмаган,
Назокатли дунёмизда тўй-тўйлашиб қолайлик...
Шовуллади ногоҳ Қонқус, англадим ниятим,
Таноб ёзган тўлқинлари қувлашди, қучоқлашди.
«Хуш келибсан! — сўз қотди у.— Фақат оширма

кадрим,

Мени кечир, мен туфайли назаринг узоқлашди.
Толиқтирдим, сувим шаффоф, ҳовуч-ҳовуч ичиб ол,
Мен-ку сени унутмайман, йўқлаб тургин ҳамсоя.
Илтимосим, кўзгалмагин, ҳузуримда пича қол,
Диққат билан эшит фақат, эшит, сўнгги ҳикоя!»

УЧИНЧИ ҲИКОЯ

I

Саҳар палла, бўзарган тонг, бўзлар дарбон мудраб,
Ёнбошида мўъжаз чилим, тутаб турар сархона:
«...Рози эдим саратонда юрсам агар қор кураб,
Эриб битган қорлар мисол адо бўлди сармоя...»
Улик чиққан ҳовлидайин совуқ кўринар дунё,
Темир зирхли дарвозанинг занжирида қурум, занг.

Сўнган гулхан атрофида шамол кўтарар ғафғо,
Чехралару таъблар заранг, нам кўрмаган ер заранг.
Бўғотида қизғалдоқлар қон қақшаган уйлардан
Аҳён-аҳён кимдир боқар, мўралайди қисилиб.
Шаҳар нотинч, унашганлар маҳрум бўлган тўйлардан,
Чий тутилган расталарда каноп турар осилиб.
Кабобпазнинг кўрасида кўринмайди ўт-олов,
Итбозларнинг шудлик ити қилмайди бирон хуриш.
Кўчаларга доримайди на отлиғу, на яёв,
Гўё бугун тош қотгандай ҳам сахархез носфуруш.
Улкан мачит пештоқидан парт-пурт учди мусича,
Мезанада учинчи бор қаддин қўйди муаззин.
«Оллоҳ акбар, оллоҳ акбар!..» томоғин қириб пича
Қайта бошдан азон айтди, азон таралмиш, хазин.
Яна ҳеч ким кўринмайди, сўфи қайтди ҳужрага,
Тирикчилик издан чиққан, ўлда-жўлда юмушлар.
Хуржунларин бошга илиб тушгунча жазавага,
Кўчаларда нола қилар қаноатсиз дарвешлар:

«Тингланг, дарвеш арзини,
Ҳаққи таолло қарзини,
Ҳам бандалик фарзини
Узмадик, келди бало,
Ҳақ дўст, ё олло!..

Оға-ини ғаш бўлди,
Танга шайтон бош бўлди,
Бир-бирин саваш бўлди...
Не қилайлик?! Биз — гадо,
Ҳақ дўст, ё олло!..

Хотин-халаж бузилар,
Кўкдан қуёш узилар,
О, бандалар, бандалар,
Куйиб, кул бўлар дунё,
Ҳақ дўст, ё олло!..

Тингланг дарвеш арзини,

Ҳаққи таолло қарзини...»

Мушга чўмган гўшалардан кўпчиди йиғи-сиғи,
Дардли Қосим найновнинг ҳам тарқаб кетди хумори.
Шу пайт шошиб чопар келди, бир қўлида юрт туғи,
Шаҳар бўйлаб дув тарқади ғолибликнинг хабари.
Хушxabардан хушнуд бўлиб кўча-кўйга чиқди эл,
Кимдир чўчиб қараб қўяр, турибдими деб қуёш.
Оломонни туртиб-суртиб найнов шошиб очди йўл,
Ғолиблар ҳам кириб келди, Бўта чиноқ унга бош.
Жим қолдилар, дарбон мамнун ўт ташлади чилимга,
Қуриллатиб тортар экан, ён-атрофга солди кўз.
«Ҳақ гапим шу, ҳақ гапимни яширмайман дилимга, —
Бўта қўлин қовуштириб, қуллуқ қилиб, айтди сўз. —
Оқтепада уруш бўлди, беҳудага тўкдик қон,
Биз энгдик деб айтолмайман, хон чекинди чамаси.
Қайда қолди дин, диёнат, қайда қолди, хўш, имон,
Рости, бошдан ҳушим олди бу дунё машмашаси!..
Бир отанинг боласимиз, бир ёнғоқнинг донаси,
Бухоролик куёв бўлса, келин бизнинг қизимиз,
Набиралар нима қилсин, тўлсинми паймонаси,
Наҳот қирсак биргалашиб ўзимизни ўзимиз?!
Халқ тангликдан бош кўтарди, балки тақдир ҳукмидир,
Искандарнинг бошин кесган, йўқ, тиғ эмас, асли ғам.
Очиқ гапни сизга айтиш менинг учун кўп оғир,
Хон лашкари туман-туман, эълон қилган қатли ом¹.
Сизга маълум, ҳунармандман, лашкарбоши эмасман,
Жафолардан юрагим қон, тугаган сабру тоқат.
Ев пойига юзни қўйиб, ёлборайлик демасман,
Не десангиз, Бўтангиз шай, ўзингиздан маслаҳат!»...
Йиғилганлар ўртасида ғала-ғовур бошланди,
Бўта ҳорғин отдан тушиб, қоқди чангли дўпписин.
Қай бир кўзда ўт чақнайди, қай бириси ёшланди,
Бир фикрга келолмасдан тарқалдилар шу йўсин.

¹ Қ а т л и о м — ялли қирғин.

II

Этагини йиғиб-йиғмай суринади кўр оқшом,
Новдан тўлиб тушаётган сув шовуллаб оқади.
Пинагини бузмас кампир кимдир берса ҳам салом,
Енмай турган оловини пуфлаб-пуфлаб ёқади.
— Салом кампир, ҳей, кампиршо, тегирмон юрадим,
Кўндан буён чақираман, кармисиз нима бало?!
— Ҳа, намунча бақирмасанг, яжуж-мажуж қувдими,
Меҳмон бўлсанг келабергин, ризкингни берар худо.
— Ун тортарга донимиз йўқ, сиздан бўлар чиқимлар
Буком билан тўланади, тунаб кетамиз, хола.
— Чолнинг кўрпаси бордир, болахонага чиқинглар,
Тўлов бўлса бир гап бўлар, қайнамоқда атала...
Хон либосин ўзгартирган, лозим шундай қилмоқлик,
Бухорога чопар чопди, қочган лашкари сойда.
Нима бўлди ўзи асли, бу қандай кўрнамаклик,
Минг черекдан ўн минг черек қочса пою пиёда!..
Ғазабда хон, қўш мулозим суянчиқ, қанот бўлиб,
Болахонага чиқиб, чор-атрофга боқдилар.
Уринишиб-туртинишиб хуржиндан шағам олиб,
Чақмоқ тошни чақа-чақа бир амаллаб ёқдилар.
Сокин кеча, сўлгин кеча, шовқин солар Қуркилдак,
Шақалларнинг уни келар чакалаклар қаъридан.
«Чол қайтмади... Икковлонмиз, ҳеч кими йўқ, ҳа бўлак,
Кампир оғир хўрсинганча сўз қотди ташқаридан —
Тирикчилик, мева-чева олиб шаҳар кетганди,
Кўрпа-ёстиқ деганига пахта керак, бўз керак.
Жа, борганда, Занготада бир кун тунаб етганди,
Ҳафта ўтди, кўнглим нотинч, чол тушмагур бедарак.
Кеча биров келдию, денг, айтиб қолди шум хабар,
Қай бир гўрдан ёв келганмиш, нима бўлди бу замон!..
Худовандо карим ўзи... Не деяпман, алҳазар,
Шўрим қуриб қолмаса деб, нима қилай, қўрқаман...»
Ажаб, осмон тор келдими, юлдуз учди ногаҳон,
Оз бўлмаса тушай деди тегирмоннинг устига.

Аталасин көвләйтиб кампир келтирди имон,
Җам у оғир тин олди-ю, туфлаб кўйди кўксига.
Кўп ұтмасдан кириб нелди, ёзди қуроқ дастурхон,
Бир-бир товоқ узатаркан, ошли кўлин ялади.
Җалтасини излай-излай топди, кўйди қотган нон,
Сўнгра хира кўзин қисиб меҳмонларга қаради.
«Чўкиб қолдим, не кунларни кўрмади кекса бошим,
Илоҳимдан сўровим шу: у дунёда бўлай тинч.
Савдогарга ўхшайсизлар, тортинманг, җалол ошим,
Хўш, ёмон кўп, ёлғиз юрманг, ахир замона нотинч».
Бу гаплардан хон җайратда, аталадан җўплади,
Нақ оловни ютгандайн бўлди узоқ бетоқат.
«Майли, майли... — деди кампир, гапга оғиз жуфтлади,
Эшитинглар, совугунча сўзлаб берай ривоят.

РИВОЯТ

Балки, минг йил олдинмиди, балки кейин,
Бир мамлакат бўлган экан җаддан тўкин.
Подишосин дер эканлар, кимсан Җотам,
Халқй ила кўрар экан борин баҳам.
Учибдию шайтанатнинг ғавғосига
У тушибди молу дунё савдосига.
Кўзин юмиб, кўни демай, кўшни демай
Босқин қипти тўрт тарафга, қаранг, җай-җай..
Ярим олам унга қарам, эмиш ташна,
Кичик элдан пешонаси бўпти қашқа.
Чекинибди, бир қишлоққа бекинипти,
Бу не сир деб, ич-ичидан ўкинипти.
Олис йўлда қолган экан карвонлари,
Хуржинида битган экан гўшту нони.
Супрасини қоқиб-қоқиб уй эгаси,
Аталани қайнатибди, насибаси.
Товоқ тўла аталани аста кўйиб,
Шоҳга дебди: «Топганим шу, ичгин тўйиб!»

Очиққан шоҳ ҳўплабдию, қотиб қопти,
Оғзи куйиб, кўнгли озиб ётиб қопти.

Сўнг кўз очиб у сўрапти ичганини,
Ҳам сўзлапти шум бошидан кечганини.

«Бу, атала, — депти шунда уй эгаси, —
Қошиқ билан сириб ичмоқ керак асли.

Бундай овқат кўрмагансан, сен, ҳойнаҳой,
Шаҳарни ҳам ютмоқ бўпсан аталадай...»

Шунга ўхшаш меҳмоним ҳам қилди гўллик,
Бу ҳам, бўтам, сенга айтсам, бир кўргилик!..

III

Елкаси ер искамасдан тун бўйи тўлғанди хон:
«Гўллик қилдим!.. Овқат ҳўплаб панд егандек панд
едим.

Шош аҳлига ғазот бўлса, кампирга мулки дархон¹
Яхшиликнинг юзи ёруғ, қадимдан қолган удум...»

Мулки дархон ҳаёлини қилдими кекса бека,
У бошига урармиди дунёдан ўтарида?

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам чирмашганми баданга,
Хон эгилиб қуллуқ қилди тонг-саҳар кетарида.

«Яхшилар кўп... — кампир чорлар товуқларин
беҳ-беҳлаб, —

Савдолари барор олсин, ҳазм бўлсин не еса».

О, қайтадан авлодларин гўрига кесак қалаб,
Билмайдики, гўдакларнинг умрин қилишин қисқа.
Турмуш тархи² — ривоятлар, ҳикматлару ҳақ луқма,
Тирикликда улуш олиб, унга қўшарлар улуш.
Чекинган хон содда кампир ривояти баҳона

¹ Мулки дархон — дахлсиз, ер, вақф.

² Тархи — шакли, чизмаси.

Қинга солган қиличини суғирди, қилди юриш.
«Пири Жамшид мададкордир, турибди бизни қўллаб,
Енгишимиз аён менга, тунда кўрдим ажиб туш,
Бузилган Шош қайноқ ошдай, ютамиз пуфлаб-пуфлаб,
Шароб узат қани соқий, бугун менинг вақтим хуш.
Жанг олдидан раққосалар ўйинга тушсинлар, ҳа,
Созандалар созин чалсин, авж олсин гиж-бадабанг.
Қудратимиз, қаҳримизни осмон қилсин тамоша,
Қандайин жон йўлиқмасин бўлгусидир ҳоли танг!»
Хон қувончда, қувончининг ким билсин сабабини,
Бу пайт Бўта ётар эди, кўксини бериб музга.
Камбағалнинг аталаси қуйдирмаса лабини,
Гуноҳсизлар қонин тўкмай қайтармиди изига.
Бўта халққа бор гапини айтган кунидан буён.
Тўқлар тугиб жўнаб қолди, тугади озиқ-овқат.
Қирғин бўлса қийқимга зор оч-яланғочга зиён,
Қон олишиб, қон беришиб, бош қўймоқ қолди фақат.
Она ери — кўнгил мулки, қочсинми уни ташлаб,
Босқинлар ҳам битар бир кун, не дейди хелу хештлар.
Ўтганни ҳам, кетганни ҳам танг қилиб, кўзин ёшлаб,
Кўчаларда саннаб юрар мотамсаро дарвешлар: —
Оға-ини ғаш бўлди,
Танга шайтон бош бўлди,
Бир-бирин саваш бўлди...
Не қилайлик?! Биз — гадо,
Ҳақ дўст, ё олло!..

IV

Мўрилардан тутун чиқмас, ёниб битган эшиклар,
Қиндан чиққан қиличлардан хору саргардон шаҳар.
Дарахт қуриб дорлар унган, чилпарчиндир бешиклар,
Гуноҳқору гуноҳсизга оғу, гўристон шаҳар.
Нури — мисли қонли сочдир, юзи — селли яралар —
Онаизор бошидайн, о, кўкда қотмиш қуёш.
Кўчаларни билиб бўлмас, қалашганлар мурдалар,
Ев от суриб, кўз юмганлар ризқини қилар талаш.

Бўта ҳамон жанг қилади, ундайди жўраларин:
«Қон кечдик биз, қонга ботмоқ бор экан пешонада.
Ўлим-ку ҳақ, лек битмайлик, ўтганимиз хабарин
Асрагучи бир жон қолсин бу қонли қошонада!..»
Кўзи чақнар, куч тенг эмас, кучсизлигин алами
Танга ботган тигдан кўра ортиқ тугатар дармон.
Тархонлари даврасида, ёдда ичган қасами,
Узангига оёқ тираб, шаҳар кезиб юрар хон.
Мажжомийнинг қаршисида тўхтади, кўйди қомат,
Ерни ўпиб қарши олди уни бир тўп уламо.
Қўлларида каломулло, хон эса бетаҳорат,
Таъзим қилиб ўгиндилар, ҳам қилдилар илтижо:»
Қуллуқ сизга, хон ҳазратлари,
Узримиз — оллоҳ хабари;

Ёруғ бўлсин доим йўлингиз,
Бизлар сизнинг содиқ қулингиз.
Гуноҳ бўлди, гуноҳдан ўтинг,
То абадки, муродга етинг.
Кўпни бирдай қилсангиз қирғин
Ғазнангизни ким қилар тўкин?
Важоҳат-ла бўлиб сиз ҳамдам,
Қон кечай деб ичдингиз қасам...
Фатво шулким, ўйлаб нетасиз,
Қонли сувдан кечиб ўтасиз.
От қорнига тегиб оқар қон,
Шундай қилсак, мушкуллар осон...»

Хоннинг қилич тутган қўли алланечук бўшашди,
«Худо ҳукми!..» Кутмоқдадир уламолар мунтазир.
Тархонлару мулозимлар бир-бирига қарашди,
Мол топарсиз култепани нима қилсин у ахир!
«Маъқул, — деди хон охири қошларини чимириб,
Гуноҳини кечдим халқнинг, майли чироғин ёқсин.
Менга қарши тиг кўтарган қайда бўлса қидириб,
Топинглару бошин кесинг, қутурган қони оқсин!..»
Ҳукми олий, олиймақом, базм, деб жар солинди,
Бир-бир чиқиб Ширин ариқ бўйига ўтирдилар.

Карнай-сурнай, ноғоралар бирваракай чалинди,
Қўлга тушган бандиларни кетма-кет келтирдилар.
Сув шовуллар, кўтармада қатор-қатор кундалар,
Оқсоқоллар бандиларнинг қўл-оёғин боғлайди.
Дўппи эмас, бош олинар, не қилса ҳам бандалар,
Қози калси, домла-имом бир-бир имон тилайди.

«Киндик қоним томган тупроқ, —
Бўта ўйга толади. —
Бўлмадим сендан йироқ,
Тоza қоним томади...»

Бош жаллоднинг қўлларида ярақлайди ойболта,
Ич-ичидан ўкраб-ўкраб четла йиғлайди Урмон.
Оти билан сувга тушган хон қилмоқда тантана,
Қон оқмоқда сув юзида, қон оқмоқда, тоза қон...

НИҲОЯ

Эй, менинг замондошларим, болам,
Томирда оққан қондаймиз ҳаммамиз;
токи,

мавжуд экан қуёш ва ёруғ олам,
биз — тирикчиликни эмас,

тирикликни деганлар
аждоди

Томирда оққан қондайин оқамиз...

Ўзр, қора ўтмишдан
сам... нотинч кечмишдан

сўйладим,

қайрат, ҳаяжонда ўйларим:

трикларда тўлиб-тўлиб сувлар оқсин-эй...

Оқсин... оқсин!.. Эй...

Кўнгилларда жўшиб-жўшиб куйлар оқсин-эй...

Оқсин... оқсин!.. Эй...

Бўлмайлик тошбағир,
ахир,

дунё, юрт фарзандларимиз,
фарзанд бўлиб қолмоқ — бурчимиз!

ХОЛДОРЖОН ҚУРОНБОВ

ОНА ЖОНЛАР



Холдоржон Қуронбоев 1932 йилда Қирғизистон ССР Уш областининг Аравон районида туғилган. Мирзо Улугбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти-нинг ўзбек тили ва адабиёт факультетини тугатиб, бир неча йил ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Ҳозирда Андижон область «Коммунист» газетасида ишлаяпти.

Х. Қуронбоев «Булоқ бўйида», «Юлдузларни кўзларнигоҳим», «Лола мавсуми» сингари тўпламлар муаллифидир.

КУТИШ

(Достон)

I

Ўтиб кетди орадан, мана,
Ғалабадан кейин ўттиз йил.
Ўғлин кутар муҳтарам она,
Ғам зарбидан пора-пора дил.
Ўттиз йилки, юракда алам,
Ўттиз йилки, кутар Зарифин.
Ениб кетар шубҳасиз қалам.
Бу аламнинг ёзса таърифин.
Оромсиздир сал кам беш минг тун,
Она канда қилмас дуони.
Ҳаловатсиз кечди шунча кун,
Раҳми келмас аммо худонинг.
Не савдони кўрмади боши,
Тортган сари ғами бўлди мўл.
Ўттиз йилда тўккан кўз ёши
Ғар жамланса бўлур эди кўл...

II

Елғизини кутиб яшар у,
Елғизликда кутмоқдир иши.
Қону зардоб ютиб яшар у,
Ютиб, бардош этмоқдир иши.
Қариндошлар кўпдир қишлоқда,
Олиб кетмоқ бўлар уйига.
Бундай таклиф эшитган чоқда,
Шу гап келар она ўйига.
«Бу ҳовлидан бир кун силжисам,
Силжисаму келса ёлғизим,
Демайдим: «Ўлибди онам».

Иўқ, бормайман, қатъий бу сўзим».
Елғиз қўйиш бўлмаса-да эп,
Нима қилсин улар? Не чора?
Елғиз яшар ёлғизини деб,
Ўттиз йилки, она бечора.
Елғиз яшар... Иўқ, йўқ, ёлғизмас,
Елғизининг ёди ҳамхона.
Елғиз яшар... Иўқ, ундай эмас,
Ўғли билан яшайди она.
Сурати бор Зарифжонининг,
Ҳар кун юз бор чангин артади.
Бир хати бор полапонининг,
Ҳар кун юз бор кўзга суртади.
Қўни-қўшни, қариндош-уруғ
Хабар олиб турар ҳар куни.
Она сабаб бу ҳовли қутлуғ,
Тавоф қилмоқ керакдир уни.
Қани, юринг кириб бизлар ҳам,
Бир зумгина олайлик хабар,
Ғаниматдир одамга одам,
Кутмоқда у онаи сарвар.

* * *

Она йўлга кўзин тикади,
Бир йўлпашша айланар шу чоқ.
Киприк қоқмай у энтикади,
Қалбни чулғар шикаста титроқ.
Йўлпашшадан узмас кўзини,
Чаппар урар пашша ҳам бир қур.
Она қўлга олиб ўзини,
Шивирлайди: «Тангримга шукур.
Елғизимдан даракчидир бу,
Албат бугун келар полвоним.
Келади деб айтар эдим-ку,
Бунга кафил эди имоним...»

Тошган сутдек қалб гупуради,
Хабар олар сандикда нондан.
Апил-тапил уй супуради,
Тўшак олиб солар тахмондан.
Газга қўйиб чойдишни дарров,
Пиёлани ювиб тўнкарар.
Бу орада шошилиб, бирров —
Кўчадан ҳам олади хабар.
Лек, ўғлидан дарак йўқ, дарак,
Йўлпашша ҳам кўринмас, э воҳ.
Она бошин қилади сарак,
Қалб қаъридан узилар бир «оҳ».
Уйга кириб тикилар энди,
Зарифжоннинг зариф расмига.
Боқиб туриб кўзи ҳам тинди,
Қариликми олди аксига?
Бир вақт келар она ҳушига,
Пичирлайди: «Бугун келмади».
Жуда оғир кутган кишига,
Юришмаса агар омади.
Уйга кириб олди тоқчадан
Кунлик ҳамдард кутчасини.
Эҳтиётлаб худ дурри Адан,
Ундан олди хат парчасини.
Кўзга суртиб, босди лабига,
Сўнг кўксига қўйиб ингради,
Зулмат чўқди шўрлик қалбига,
Фақат бир сўз деди: «Келмади!»

III

Тун саҳарга оғиб қолганда,
Мушфиқ она бир зум мизғийди.
Аммо умид этмайди қанда,
Тушга кўчиб, қонда изғийди.
Келган эмиш ўғли Зарифжон,

Устидамиш йўл-йўл беқасам.
Дер эмиш у: «Она, онажон,
Кутдирдимми сизни тозаям».
Она ўглин бошин силармиш,
Упар эмиш юзу кўзидан:
Гапиролмай ҳадеб йиғлармиш,
Койинармиш ўзи ўзидан:
«Нега тилинг тутилди, нодон,
Гўдак мисол хўнг-хўнг йиғлайсан?
Кутган болаи келди соғ-омон,
Нега йиғлаб бағрин тиглайсан?»
Сўнг ўзини қўлга олармиш,
Ва дер эмиш: майли, болажон,
Кутдирсанг ҳам, солсанг ҳам ташвиш,
Қанча кутсам, қанча ютсам қон.
Бугун барин унутдим, қўзим,
Бир кунчалик бўлмай қолди ғам.
Қўп соғиндим лекин, азизим,
Бор экан-ку кўрар куним ҳам».
Эркаланар эмиш Зарифжон,
Она бағрин билиб бир олам.
Келар эмиш шу пайт Лутфихон,
Она дермиш: «Ке, ке, жон болам».
Лутфихон-ку ўглин севгани,
Айтмаса ҳам билармиш она.
Шунча бўлар келин дегани,
Икковга бахт тилармиш она.
Ўглин бўшатармиш бағридан,
Иккисини қўярмиш ҳоли.
Кузатармиш туриб наридан.
Тўппа-тўғри чиқармиш фоли.
Икков икки гулдек ёнишиб,
Жилмаярмиш бири бирига.
Бир зум чирмовиқдай чирмашиб,
Сўнг кетармиш ҳовли тўрига.
Она ўйлаб қолармиш: «Ажаб,

Лутфинисо ўлган эди-ку?
Бу тушимми, ўнгимми, ё раб,
Қайдан билиб етиб келди у?
Арвоҳ ҳозир дерди қадимлар,
Арвоҳимас, келди ўзи ҳам.
Омин, энди қўша қаринглар,
Бу дунёда ҳеч бўлманглар кам».
Шу пайт гурра-гурра келармиш
Қўшнилари ва бутун қишлоқ.
Кутиб она елдек елармиш,
Билмас эмиш мутлақо чарчоқ.
Бўғизлармиш бир қўйни қассоб,
Кўтарармиш болалар қий-чув...
Чўчиб она уйғонар шу тоб,
Иститмадан терлармиш сув-сув.
Оғиз қақроқ мисоли саҳро,
Хўллагани ҳалқумда йўқ нам.
Танглай какра, тил усти какра,
Чиппа-чиппа ёпишар лаб ҳам.
«Ўғлим, дейди инграб, талпиниб,
Болам, Зарифжоним, қанисан?
Сув бер, дейди аранг ютиниб,
Қўзим, полапоним, қанисан?»

IV

Шу пайт эшик очилар секин,
Тўпдек сапчир она ўрнидан.
Остонада турарди лекин,
Ҳар кунгидек қўшни Ўринхон.
«Қани Зариф, Зарифим қани?
Ҳозиргина шу ерда эди.
Яна ташлаб кетдимми мени?
Тагин қачон келади энди?!» —
Мудраб кетди бедармон она.

Дарров суяб қолди Үринхон.
«Туш кўрибди шекилли яна», —
Бир зум ўйга толди Үринхон.
Сўнг онани ётқизиб аста,
Манглайига босди қўлини.
«Аттанг, — деди, — онахон хаста»,
Юпатишнинг қилди йўлини.
Далда берди, хатто алдади,
Уни-буни айтиб боладек.
Кампир йиғлаб уни алқади,
Қўш юракда ўт ёнарди лек...
Ҳар иккисин алам тигларди,
Чархламасдан ўтмас тигини.
Икки юрак унсиз йиғларди.
Тушунарди бири бирини.
Бир хўрсиниқ оғир кўчади
Онахоннинг юрак қатидан.
Умид тагин келиб қучади.
Дариг тутмай боз шафқатидан.
Она умид билан тикилар
Үринхоннинг юзи, кўзига:
«Болам шу ой албатта келар,
Қулоқ солгин, қўзим, сўзимга,
Ун боланинг онасисан сен,
Назаркарда, бахтли хотинсан.
Ҳар бир сўзинг бир оятга тенг,
Буфотмадан улуг отинсан.
Бир туш кўрдим йўйгин-чи, болам,
Уғлим кепти нордай гуркираб.
Устидамиш йўл-йўл беқасам,
Турган эмиш у кулимсираб.
Лутфихон ҳам келганмиш яна
Маҳалла-кўй бари шундамиш...»
Туш таъбирин сўрайди она,
Кўзларида умид ва ташвиш.
Жуда яхши билар Үринхон

Бундай тушни кўп кўрган она.
Юрак тўла умид ва армон,
Туш таъбирин кўп сўрган она.
Она тушда ўғлини бир гал
Тоғда юрганини кўради.
Илиқ сўзга у бўлиб маҳтал,
Ўринхондан таъбир сўради.
«Яхши туш бу, деди Ўринхон,
Тушдаги тоғ — баланд мартаба.
Зариф бўлди дея қаҳрамон,
Хабар келар балки эртага...»
«Шундай йўйган эдим ўзим ҳам,
Ниятимиз бир экан, қизим,
Бу дунёда ҳеч бўлмагин кам,
Айтганингдек бўлсин ёлғизим».
Ўринхонни ўпиб ўшанда,
Дуо қилди.
Ва қилиб ирим —
Ўша-ўша қилмасдан канда,
Не туш кўрса сўрар таъбирин.
Тагин бир кун туш кўрса она:
Ўғли бир от сотиб олганмиш.
Йўйиб берди Ўринхон яна:
Зариф йўлга чиқиб қолганмиш...
Таъбирчимас Ўринхон опа,
Лекин бундай пайтда шартми бу?
Онахонни қилмай деб хафа,
Туш таъбирин айтиб берар у:
«Отам айтар эди: беқасам —
Тушга кирса, бу йўлдан дарак..
Бахтимизга Зарифжон акам
Йўл тортибди, кеп қолса керак.
У келади, келади, албат,
Тўлиб қолар тагин қўйингиз.
Кўришасиз соғу саломат,
Тўқ бўлсин, тўқ, она, кўнглингиз».

Чой дамлайди Ўринхон яна,
Ичиради кампирга қистаб.
Бир оз енгил тортади она,
Бир зумгина равшанлашар таъб...
Чиқиб кетгач Ўринхон опа,
Она ўглин расмига боқар.
Минг бор боқса, мингинчи дафъа
Шу нидолар қалбини ёқар:
«Қаердасан ҳозир, шунқорим,
Иўлдамисан, чўлдамисан, айт?
Етмадими фиғоним, зорим,
Денгиздами, кўлдамисан, айт?
Е сен сўзла, кажрафтор фалак,
Менинг офтоб рухсорим қани?
Ҳаяллама, тезроқ бер дарак,
Отасидан ёдгорим қани?
Е отаси сингари у ҳам
Тиғи бадга бўлдими дучор?
Босмачилар бошга солган ғам
Э воҳ, тағин бўлдими такрор?
Иўқ, йўқ, фалак! Бунга «ҳа» десанг,
Тилингнинг тош қотгани яхши.
Пешдаҳану бағритош эсанг,
Бағрингга тиғ ботгани яхши».
Кўкка ўрлар нолиш тутуни
Қора булутсимон зил, ҳорғин,
Она ҳамон ҳаёл тутқуни,
Остонада ўтирар толғин...
Куллар кечар ана шу сифат,
Умид сўниб, умид туғилар.
Шафқатсиздир шунчалар қисмат,
Кўп синоқдан ўтар туйғулар...

V

Ховлидаги бир туп оқ ўрик
Бодроқ-бодроқ гул шода тақд:

Онаизор қоқмасдан киприк,
Шодаларга суқланиб боқди.
Қирқ биринчи йил баҳорида
Умид билан экканди Зариф.
Ниҳол эди унинг борида,
Энди у ҳам қоляпти қариб.
Қирқ иккиннинг баҳор чоғида
Жангга кетди навқирон Зариф.
Шундан бери ҳижрон доғида
Она ғариб, ўрик ҳам ғариб.
Йўқ, ғарибмас, улар бир-бирин
Овутади, мудом суяйди.
Бир-бирининг бидади сирий,
Бир-бирини кўздек аяйди.
Ўғли каби кўриб ўрикни
Она унга парвона бўлар.
Ҳар кун юз бор сўрар: «Тирикми?»
Ҳа, дегандек у ҳам солланар.
Бугун яна гуллади ўрик,
Оппоқ алангада оқ ёниб.
Онаизор қоқмасдан киприк,
Оқ оловга боқар суқланиб.
Ўшанда ҳам ўрик гуллолди.
Ўшанда ҳам оқ эди олам.
Елғизини жангга йўллолди:
«Йўлинг шундай оқ бўлсин, болам!»
Қирқ бешда ҳам ўрик гулида
Сўнгги хати келган эди, оқ.
Ўша хати она қўлида,
Ўша хатдан бўлганди огоҳ;
Яқин қолган эди ўшанда,
Зарифжони ёв уясига.
Деган эди: «Берлин — нишонда,
Фашист учрар қон киясига!»
Қон кияси тутди фашистни,
Қусди ахир лахта-лахта қон.

Дунё лаънатлади иблисни,
Лаънатлади замину осмон...
Лекин қайтиб келмади Зариф,
Лекин тўкилганлар тўлмади.
Ҳаёт, ўлим — азалдан ҳариф.
Лекин ҳаёт маҳв бўлмади.
Ҳар йил ўрик гуллаб турибди,
Зарифжонни тушириб ёдга.
Унинг руҳи гулга урибди,
Шу гул бўлиб боқар ҳаётга.

VI

Боласидан дарақ йўқ ҳамон,
Атрофга туң тортар пардасин.
Она кўнгли ҳайҳотдай вайрон,
Тақдирними яна қарғасин?
Болажони, оҳ, болажони,
Булут бўлиб кўкка сингдими?
Қаерларда унинг ошени,
Оёқ етмас тоққа индими?
Бадкор фалак, хабар бер ундан,
У қаерда, яширма, не ҳол?!
Энди умид эртанги кундан,
Она чўкди тўшакка беҳол,
Шу пайт кириб келиб Ўринхон
Ҳар галгидек таскин беради.
«Вақт бўпти, қаранг, онажон»,—
Дея радиони буради.
Дарҳақиқат, бошланган эди
Эфирдаги «Мардлик — мангулик».
.....
Диктор деди: «Навбатни энди
Уруш ветерани — қаршилиқ
Зариф Раҳмоновга берамиз...»
«Нима деди? — қичқирар она, —

Зариф Раҳмон ўгли дедими?
Зарифжоним ростдан келдимиз?
Келибди-я мендан пинҳона!
Уша менинг ўғлим, Зарифим,
Тойлоққинам, онанг қоқиндиқ.
Қулунгинам, тўқлим, Зарифим!
Тўхта... Тўхта!..
Нега қаршилиқ?!
Йўқ, йўқ, қаршилиқмас, завроқлик!
Ана, овози ҳам дўриллоқ.
Завроқлик, де, ҳа-ҳа, завроқлик,
Адашдинг-а! Қўй-е, қизалоқ.
Елғиз ўғил эдим деяпти,
Елғиз ўғил эди-да болам.
Уч йил уруш қилдим деяпти,
Уч йил уруш қилган ўғлим ҳам».
Не дейишин билмас Уринхон,
Ахир ўхшаш ном кўп дунёда.
Ўғлингизмас деса, у ёмон,
Она дарди ортар зиёда.
Ҳа, ўғлингиз деса-чи, унда —
Онахонни алдар бақрайтиб.
Бундай пайтда нимани удда —
Қилсанг бўлар онага айтиб?
Ёмон таъсир этувчи ростдан
Даркорроқдир ҳозир бир ёлғон.
Дард арийди баъзан ихлосдан,
Ихлос, ишонч бўлса ёнма-ён.
.....
Она чақиртирди шу куни
Жиянлардан бири Султонни.
Қаршисига ўтқазиб уни,
Деди: «Топдим мен Зарифжонни!
Бугун радиёлда гапирди,
Яшар экан ҳозир Қаршида.
Раҳмон ўғли Зарифман, деди.

Бола кўнгли... дегани шу-да!
Менинг кўнглим болагинамда
Ўттиз йилки, йўлида кўзим.
Айбламайман, майли, чамамда,
Мени йўқ деб эшитган кўзим.
Улди деган мени, Лутфини,
Биронтаси ёзган хатида.
Алам йўлга бошлаган уни,
Қолиб кетган шундан Қаршида.
Эртагаёқ жўнаймиз бирга,
Кўриб қўйгин йўлга ҳозирлик.
Болам, ҳамроҳ бўл мен кампирга,
Пулим ҳам бор йўлга арзирлик.
— Бундай бўлиш мумкинмас, эна, —
Деиди Султон. — Хат ёзиб сўрай...
— Бўйгинангга бўлай садаға,
Олиб боргин, ўғлимни кўрай.
— Хат ёзайлик, хат олган ҳамон,
Тоғам бўлса, келади учиб.
— Раҳминг келсин менга ҳам, Султон,
Унгача мен ўлгум ичикиб.
Не қилишин билмайди Султон,
Тушунтирса она кўнмайди.
Қаттиқ туриб олди онахон,
Не деса ҳам кўнгли тўлмайди,
— Хўп, энажон, бўлмаса бундай:
Эртагаёқ жўнайман ўзим.
— Мен бормасам бўларкин қандай,
Ўлган экан демасми кўзим?
Ўйлаб-ўйлаб охири Султон
Деди: «Олиб борганим бўлсин.
Ўзи кўриб, бўлсин беармон,
Ўзи кўриб, кўнгли ҳам тўлсин».
Эртасига она ва Султон.
Жўнаб кетди Қаршига шитоб.
Йўл тасвирин ўзи бир дoston,

Лек бошлаймиз энди янги боб.

VII

Қарши шаҳри. Оддий хонадон.
Она тўрда ўтирар позмон...
Зариф ака ҳикоя сўзлар.
Қалби эса бўтадек бўзлар.
Сўзлайди-ю, қалби бўзлайди,
Осон эмас унга ҳам ҳозир.
Оғир дардга даво излайди.
Осон эмас ҳозиқлик ахир.
Не умидда келганди она,
Умидлари соврилди, э воҳ!
Қалб яраси арчилик қонар,
Жигар ўтда қоврилди, э воҳ!
Она яна алам тутқуни,
Юрак - бағри боз қийма-қийма.
Нима қилса юпатар уни,
Юпанарми у жафодийда?
Зариф ака минг изтиробда,
Жангу жадал ҳақида сўйлар.
Билиб турар худди шу тобда
Шўрлик она неларни ўйлар.
Дунё ҳозир она наздида
Ташландиқ уй сингари бўм-бўш.
Жисми бунда мисли бандида.
Лекин бунда эмас ақлу-ҳуш.
У хаёлан излар боласин,
Жангу жадал аро ҳангу-манг.
Бу боласин гапин — ноласин
Эшитарди узоқдан аранг.
«Шунча йўлдан келибсиз излаб,
Раҳмат сизга, азиз онахон.
Энди она-боламиз бизлар,
Қўшалоқ денг энди Зарифжон.

Унутмайин умрбод сизни,
Келди бугун тирилиб онам.
Фарзандим деб атанг сиз бизни,
Она дедик сизни бизлар ҳам.
Энди бирга-бирга кутамиз
Қадрдоним, дўст, адашимни.
Ғамни бирга маҳв этамиз,
Кутиб азиз илиқдошимни.
Ҳозирча бир илтимосим бор:
Олиб кетинг Зафаржонни сиз.
То адашим келгунга қадар
Ҳамдам бўлсин шу неварангиз.
Рози бўлди келинингиз ҳам,
Енингизда бўлсин Зафаржон.
Тез-тез бориб турамиз биз ҳам,
Узоқ эмас энди Андижон.
Она ўйлар: «Кечагина бу
Уйдагилар эди бегона.
Бугун эса муқаддас туйғу —
Сабаб, уни дейишар она.
Дунёда кўп яхши одамлар,
Сени ташлаб қўйишмас ёлғиз.
Ақс қолда андуҳу ғамлар
Ютар эди бўлиб ялмоғиз.
Мана улар мени дейишиб,
Беришмоқчи ҳатто боласин.
Тикилишар хурсанд бўлишиб,
Топган каби туққан онасин».
Бу сахийлик ўхшарди тушга,
Ва ёки бу ширин бир хаёл?
Она қалби келди жунбушга,
Саховатдан бир зум қолиб дол.
Ниҳоят у деди: «Болажон,
Энди сен ҳам менинг боламсан.
Сен ҳам энди мен кутган армон,
Сен ҳам энди қалбим, ноламсан.

Кечир мени бўтам, тойлоғим,
Дард қолдириб кетяпман сенга.
Керак эди ўзим ўлмоғим,
Васвас тегиб ўша кун менга,
Бу ерларга келиб қолдим мен...
Кечир, унут, васвас кампирни.
Келиб сенга ташвиш солдим мен,
Энди дунё менга татирми?
Майли Зафар бўлсин неварам,
Ҳимматингга онанг тасаддуқ.
Бу дунёда асло бўлма кам,
Саховатинг учун минг қуллуқ.
Лекин уни олиб кетмайман,
Олиб кетолмайман, қоқиндиқ.
Қалбга илҳақ солиб кетмайман,
Солиб кетолмайман, қоқиндиқ.
Сен — боламсан, боламга кутиш —
Азобини раво кўрмайман.
Менга қисмат экан қон ютиш,
Қон ютаман, аммо ўлмайман.
Бориб турсин соғинганимда,
Ўзинг билан бирга олиб бор.
Сени, уни кўрсам ёнимда,
Қалбим топар таскин ва мадор».
Она жўнаб кетди эртаси,
Қалбда ўша умид ва армон.
Қалбда ўша васвас шарпаси,
Қалбда ўша соғинч ва туғён:
«Зарифим ҳам келади бир кун,
Бу Зарифни топганим — бир фол,
Чекинади туман, зулмат, тун,
Қарши томон чопганим — бир фол.
Мен бу ёқда, балки ёлғизим —
Уйда ўтиргандир бўлиб зор.
Кеча «учиб» турди ўнг кўзим,
Бунда албат бир аломат бор».

Кўз ўнгига келади ўгли:
Кенг кифт, бўла, қомати дароз.
Содда, лекин мард, қалби чўғли.
Ўрни билан қайсарроқ бироз.
Кўзи худди отасин кўзи:
Серкиприк ва андак қийикроқ.
Кўп ёқимтой буғдойранг юзи,
Туташ қоши қоп-қора, бароқ.
Бу Зариф ҳам ўхшар ўғлига,
Танти феълли, содда, ёқимтой.
Ёқиб қолди дарров кўнглига,
Ухшашликдан бу ҳам, ҳойнаҳой...
Мана тагин «учяпти» кўзи,
Она сийпаб, сўнг ўпар кўлин.
Кутиб қолдимикан ёлғизи,
Қани, арий қолсайди йўли.
Учакишиб самолёт бугун.
Имирсилар гўё ҳоргин сор.
Ё чашига айланиб гардун,
Учқур қуш ҳам қолдими ночор?
Қани, энди самолётлар ҳам
Кўнгиш каби югурик бўлса.
Кўзни юмиб очгунчалик дам
Сен интилган манзилга кўнса!
Она қалби шуни истайди,
Учқур қушни уч деб қистайди.


VIII

Она тагин ўша Завроқда,
Маъсум қалбда устивор сурон.
Яна мунгда, яна фироқда,
Яна ўша-ўша нигорон.
Яна учиб ўтса йўлпашша
Даракчи деб йўлга қарайди.
Хушхабарга яна дил ташна,

Туш кўради, таъбир сўрайди.
Эртаю кеч кўзи тўрт йўлга.
Лекин йўллар йироқдан йироқ,
Кўз ёшлари айланар кўлга.
Ғарқ этолмас онани бироқ,
Ҳали юз йил етади бардош,
Ҳали қалбада ҳокимдир умид.
Кутиш — жафо, она — жафокаш,
Кутиб ғамни қилади унут.
Балки шунча йиллик кутгани
Кутишларнинг бир ибтидоси!
Бас эмасдир зардоб ютгани,
Бўлмас балки ҳеч интиҳоси.
Аммо она... у — жафодийда,
Жафоларга балоғардондир.
У танҳомас ғам водийсида,
Минглар бир ён, она бир ёндир.
Кунлар ўтар бири умидбахш,
Бири дардқаш ва бири фориг.
Бири оғир карвон, бири рахш,
Она кутиб яшар, во дариг!

МУМИН АБДУРАСУЛОВ

ЯХШИЛИК



Мўмин Абдурасулов 1931 йилда Тошкент областида туғилган. ТошДУнинг филология факультетини битирган. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига қарашли И. М. Мўминов номи Фалсафа ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтида сектор мудири бўлиб ишламоқда.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Кўз очиб кўрганим ўша Ватансан,
Озод инсонларга гўша Ватансан.
Бошқаларда Ватан биттаю, менда —
Ўн беш хур юрт, қўша-қўша Ватансан.

* * *

Қар кимнинг ўзича яшаш тарзи бор,
Ҳаётдан ё мамнун, ёки арзи бор.
Қандай бўлганда ҳам қар бир инсоннинг
Ватан, эл олдида катта қарзи бор.

* * *

Инсон табиаги жуда ажабдир,
Энг муҳими ақл, виждон, адабдир.
Мужассам бўлса бас учта фазилят,
Қолгани шуларга боғлиқ бир гапдир.

* * *

Тош бўлсанг, тошларнинг мармари бўлгин,
Гул бўлсанг, гулларнинг сарвари бўлгин.
Қадрим бўлсин десанг ёруғ жаҳонда,
Инсонларнинг инсонпарвари бўлгин.

* * *

Ҳар бир нарсанинг ҳам бор ўз меъёри,
Меъёр билан бўлса заҳар ҳам дори.
Меъёри бузилса ҳатто асалнинг
Қолмаскан ҳаётбахш шифолик кори.

* * *

Битта душманим бор, у ҳам бўлса ғам,
Фақат ғамдангина енгилар одам.
Битта чин дўстим бор, у шодлигимдир,
Бундай дўст сездирмас йўқни, камни ҳам.

* * *

Обрўйим борида кўп эди улфат,
Қочишди бошимга тушганда кулфат.
Ишларим юришса келишар қайтиб
Мусофир каптардай истаб мурувват.

* * *

Дўстдай тутиб ўзин, тотса ҳам тузим,
Бадниятдан қайтмас қора дил бир зум.
Қанчалик парвариш қилсанг ҳам аммо
Қишмишга айланиб қолмас итузум.

* * *

Тақдир қизик, сен-ку бировга хуштор,
Аммо у биров-чи, ўзгага хумор.
Ўзга эса бошқа бировга шайдо,
Сенга ҳам зорлар бор, сен безътибор.

* * *

Баъзида тасодиф ғолиб келади,
Кимга завқ, кимга ғам олиб келади.
Гоҳ биров қўлидан бахтини юлиб
Ўзгалар қўйнига солиб келади.

* * *

Дил ёзай деб кўча кезиб келаман,
Бағоят жўшқинлик сезиб келаман.
Яхшиларни кўриб, тафти дил очиб,
Емонлардан жуда безиб келаман.

* * *

Чўлларда баҳор гул пайдо қилибди,
Кўнгилни шу гулга шайдо қилибди.
Ҳаёт бахш этсин деб азиз гулшанга,
Меҳримни мавж урган дарё қилибди.

* * *

Янглишган кишини солиб таҳқирга,
Асли шу деб зинҳор йўйманг тақдирга.
Фақат инсон эмас, баъзида ҳатто
Ҳаёт ҳам муҳтож-ку, ахир, таҳқирга.

* * *

Баъзи бемор чақтирилар арига,
Баъзиси-чи, зулук солар бағрига.
Улар захри шифо, аммо баъзи шахс —
Улар эди дуч келса ўз захрига.

* * *

Бир-икки зарбада бирор ёмонни —
Даф қилиш мумкин деб қийнама жонни.
Улди деб ўйлама думидан ушлаб —
Урганда сулайиб ётган илонни.

* * *

Оддийни улуғлаб, зеб бериб сўзга.
Бўрттириб кўрсатмоқ бўламиз кўзга.
Шойи ё кимхобга айланиб қолмас
Пардозни қанча кўп берсак ҳам бўзга.

* * *

Инсон умри шундай қисқа, беш кунлик,
Бир қисмин олмасин унинг тушкунлик.
Ҳаётбахш чашма ҳам қуриб чўл бўлар
Бирор он тўхтаса унда жўшқинлик.

* * *

Шошмай тур, ҳар кимнинг гали келади,
Келмаган бўлса кут, ҳали келади.
Келажак кўрсатар кимнинг кимлигин,
Кимга лаънат, кимга балли келади.

* * *

Ҳаётнинг ишига бўламан ҳайрон,
Баъзан кўнгилларни этади вайрон,
Андишанинг оти ростдан қўрқоқми,
Баъзан ор устидан беор ҳукмрон?

* * *

Ҳамиша баҳордай гуллаганлар бор,
Ҳар ишда тулкидай туллаганлар бор.
Бебаҳо ҳислат — виждон, номусни,
Арзимас нарсага пуллаганлар бор.

* * *

Мавжудот ичида энг ёши — инсон,
Оламнинг машғали қуёши — инсон.
Қўҳна табиатнинг кенжатоғи ҳам,
Гўзаллик бахш этган наққоши — инсон.

* * *

Тинимсиз чиқ-чиқлаб тураркан соат,
Эслатар яқин деб бахт ва саодат.
Вақтнинг келиши яхши-ю, аммо,
Кетиши қалбингга солар жароҳат.

* * *

Баъзи одамларга кўп арзандаман,
Баъзилар наздида нақ газандаман.
Кимга қандай куй ёқар, қайдан билай,
Мен ҳам ўз ҳолимга бир созандаман.

* * *

Меҳнат қилиб яшаш ҳар инсон иши,
Ва у қаҳрамонлик шараф-шон иши.
Ҳақ йўлда курашмоқ, ҳақ сўзни айтиш
Қиёссиз жасорат, соф виждон иши.

* * *

Биз янги нав, янги насл яратдик,
Табиатдан кўра асл яратдик.
Ақл заковатнинг қудрати билан
Қишда ҳам гулбаҳор фасл яратдик.

* * *

Шодликнинг чеки йўқ, давоми узоқ,
Ғамнинг оёғига қўйганмиз тузоқ.
Меҳнатдан камолга эришар инсон,
Бизни атасалар бўлар умурзоқ.

ХИДИР МУРОД

ҲАЕТ НАФАСИ



Хидир Мурод 1937 йилда Бухоро область, Шофиркон район, Хонаобод қишлоғида педагог оиласида туғилган. У Бухоро Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида таълим олган. Ҳозирги пайтда Хидир Мурод Пешку районидаги Абу Али ибн Сино номли мактабда дарс беради.

Педагог-шоирнинг асарлари республика газета ва журналларида тез-тез босилиб туради.

БУХОРО САТРАРИ

Қудрати — илоҳий шуҳрат эмас,
Азалдан маърифат, зиё чашмаси.
Шу боис аталган мулки муқаддас.
Бўлган эмас сира довруғ ташнаси.

Рўдакий ашъори етилди бунда
Ва машҳур Фирдавсий «Шоҳнома»си ҳам.
Баҳроми тийрандоз, Заххоки морон,
Рустаму Сиёвуш ҳангомаси ҳам.

Синони ардоқлаб шу эл сийнаси.
Қалбига завқ берди, фаҳмига қанот.
Расми доригарлик дил хазинаси —
«Ал-қонун» аталмиш илми тиббиёт.

Туташган пайваста қошларга монанд
Масчиду мадраса тоқлари ажиб.
Минора, гумбазлар фалакка тирбанд,
Кўчмади нақшлар асрлар кечиб.

Чинни пештоқларга меъмори замон
Хатти шикастада кашф этиб санъат.
Нили нафармонни югуртган ҳамон
Боқий бўлиб қолди тафаккур, ҳикмат.

Бу юртга қашқирдек ташланмади ким,
Қутайба, Чингизу Нодиршоҳ... ҳайҳот!
Маҳмуд Торобийлар бўлмади таслим,
Ёвларга қаҳрини қилди мукофот.

Ва лекин косибу деҳқон бошида
Бир лаҳза тинмади амир таёғи.
Нола қилиб ўтди аркнинг тошидан
Толиб Толибий ва Турди Фароғий.

Хақ талаб бўлганлар қилинди зиндон,
Минордан ташланди, тортилди дорга.
Фалакка ўрлади нолаю ғиғон,
Тоғу тош титради бу оху зорга.

«Гуноҳ ҳаддан ошса, чидамас қодир»,
Наҳотки қақшатса одамни одам!
Ленинга эргашди халқи баҳодир,
Етиб келди шоҳлар титрайдиган дам.

Айнийнинг «қуллари» отилди пешвоз,
Фрунзе тинглади улар арзини.
Файзулла Хўжаев Ленинга ҳамроз,
Очди Шарқ инқилоб дарвозасини.

Шу дўстлик боиси имон мустаҳкам,
Ғўзани ўстирдик меҳр тафтида.
Ажабланса арзир бу кун олам ҳам
Олтин тоғни кўриб деҳқон кафтида.

Беҳад бахтли бу кун Аму, Зарафшон,
Келинчак кўриқнинг юзидан ўпиб.
Гармсел ёндирган чўл энди бўстон,
Ошиқлар кезади гулдаста тутиб.

Лочин қанотидан тикилсам ҳарчанд,
Тўймайман замини муаззамимдан.
Тупроғи юрагим ториға пайванд,
Шеърим зуваласи, ҳа, шу заминдан!

М А Н З А Р А

Фавворанинг шаббодаси мисоли,
Эсар эди гулбаҳорнинг шамоли.
Жам бўлгандек бор гўзаллик чорвоқда,
Ёмғир тиниб, симобдай дур япроқда.
Турфа чечак майсазорнинг атласи,
Дув тўкилмиш унга қуёш қатраси,
Дарахтларнинг яшил попук қамчиси
Силкиб сечар найсоннинг ҳар томчисин.
Кўз-кўз қилар боғлар туккан мевасин,
Она замин пуркар ҳаёт нафасин.

Қ О З О Ғ И М

Азал-азаллардан буён қондош, уруғ-аймоғим,
Чексиз меҳру муҳаббати, дўстга дили чароғим.
Бориб қолсам овулига, пешвоз чиқиб қозоғим,
Омон-эсон келдингми, дер, поёндозда оёғим.

Ўзбекларсиз ўтказмайди катта тўйни бирови,
Минг товланган шолу гилам, асл бахмал ўтовни,
Овул тўлар меҳмонларга, дoston айтса жиrowи.
Қўшиқ тинглаб, тонг отгунча чоғ бўлади димоғим.

Кўпқарида тулпор отда ўзбек-ла қўштақимлаб,
Исканжани ёриб чиқар, улоқни отга ўнглаб,
Кўз-кўз қилар жасоратин сулуw қизларни имлаб,
Соҳибчангал чавандозим, паҳлавон, мард ўртоғим.

Меҳмонхонам — ўтовингдир, тўрга ўтгин, марҳамат.
Сен — меҳмоним, мезбонингман, сийлаб қилайин иззат,
Шарбат сузай, палов дамлай, аскияга қил тоқат,
Жамбул, Абай авлодига шеърим — меҳр булоғим.

О Қ Ш О М

Тунларни севаман, ўтсам ҳам бедор,
Сокин оғушига тортар мени тун.
Осмон гумбазининг ранги нилуфар,
Чарақлаб ой, юлдуз этади мафтун!

Уфққа ястаниб ётар далалар,
Борлиқни чулғамиш ажиб сукунат.
Паришон шамоллар юзимни силар,
Маъшуқам кокили теккани сифат.

Йўқ, бу дам қўмсамас кўнглим шаробни,
Оқшом навосининг лабимда жоми
Табиат, жамолинг кўз-кўзлаб гоҳи,
Маст этиб қўясан мени тамоми!

О Р О М И Т А Н

(Э р т а к)

I

Боболардан эшитгандим қизиқ ҳикоят,
Кўп фасллар кечиб, ипга тиздим ниҳоят.
Афросиёб ўтган экан қайси бир замон,
Етти иқлим қўшки узра соҳиби даврон.
Ўрда қилиб турган жойи Самарқанд экан,
Юрт-элатнинг ташвиши-ла кўнгли банд экан.
Фаровонлик ила дами хуррам ўтса ҳам
Ҳукмдорни қийнар экан доим бир алам.
Саккиз фарзанд кўриб, унинг еттитасини —
Бой берибди; қон қилибди ўз сийнасини!
Умид қилиб қолган сўнги қизалогига,
Меҳри ортиб борар экан кўнгил боғига.

Қувлашмачоқ ўйнаб, йиллар ўтиб кетибди,
Қиз — тез пишар мева, ўсиб бўйи етибди.
Икки ўрим сочи гўё Сайхуну Жайхун,
Ошиқлари тўлғанаркан бўлиб жигархун.
Ханда урса, сочиларкан атрофга садаф,
Дийдорига тўймас экан одамзод қараб.
Кўнгли тусаб, боғ сайрига чиқса бир йўла —
Ҳам замин, ҳам осмонга солар гўлгула.
Савол берсанг, саволингга шавқли жавоби,
Сўйлайверсанг, таърифининг бўлмас адоғи.
Ипак каби сўзларида бир олам маъно,
Қиёси йўқ, шунча зукко, шунчалик доно.
Қувончидан ота уни қиларкан дуо:
«Қизгинамни паноҳингда асрагин, худо!»

II

Дейдиларки: «Хас тушади асраган кўзга»,
Подшоҳ ухлаб ётганида бирдан туш кўрса:
Пахса қавагидан чиқиб чипор бир илон,
Шоҳ қизининг оёғига ўралмиш шу он,
Шоҳ сесканиб, алаҳсираб уйғонган маҳал
Хабар олса, қизалоғин оёқлари шол!
Оҳ урибди, куйдирибди фалакни оҳи,
Мотам либосини киймиш шоҳ қароргоҳи.
Ҳатто қушлар қимирламай қотиб қолибди,
Элу юртни гўё аза чулғаб олибди.
Амр этибди шоҳ: «Тўплансин барча аъёнлар...»
Эл оғзида турли мишмиш, турли баёнлар:
«Маликани жин-алвасти чалиб кетганмиш...»
Ошиқларнинг юрагида андуҳ ва ташвиш
Тоқати тоқ бўлиб подшоҳ, берибди фармон:
«Келтирилсин қайдан бўлса табиб, дуохон!»
Навкарлар тўрт томонга тез чопибдилар,
Табиб, жарроҳ, дуохонни кўп топибдилар.
Минг табобат, кўчириқ ҳам бермабди фойда,
Қим билади, шол оёқнинг шифоси қайда?

III

«Не маслаҳат бермоқчисан, айт-чи, вазирим?
Шифокорга бор хазинам бўлсин назирим!» —
Дебди подшоҳ саройида ўтказиб кенгаш.
Оқ соқолин силаб айтди вазири дилкаш:
«Маликамиз шифо топгай, тез, иншооллох,
Қаҳрабодай сарғаймасин чехрангиз, эй, шоҳ!
Ўтсайдингиз гар бир қошиқ менинг қонимдан,
Маслаҳатим аямасдим сиз — султонимдан».
«Гапир!» дебди шоҳ юраги қинидан чиқиб.
Ҳаяжони сиртмоқ каби томоғин сиқиб.
Вазир дарҳол итоат-ла ўрnidан туриб,
Шундай дебди ҳурматини бажо келтириб:
«Қизни сайру саёҳатга чиқармоқ керак,
Авлиёлар шифо берар, ахтармоқ керак».

IV

Қирқ туя ва чопқир отлар сайланиб шу он,
Хўб тараддуд кўриб, йўлга чиқибди карвон.
Саропарда ичра шоҳнинг ёлғиз юлдузи,
Қўлтиғидан икки каниз кеча-кундузи.
Ясовуллар чопқир отда ўраб бораркан,
Подшоҳ оғир хаёл суриб ҳориб-толаркан.
Кўчманчидай санғибдилар, йўллар чанғибди,
Ўтов тикиб, ўтов бузиб қуллар ганғибди.
Қилсалар-да неча азиз қабрин зиёрат.
Қиз дардига топмадилар асло шифоат.

V

Қовурарди саратоннинг ўтли қуёши,
Эрир гўё туёқлар ва даралар тоши,
Карвон келар дашт-сахрони қолдириб хайрон,
Умид борки, ҳар нарсани енгади инсон.
Чўл-тақирлар аста-аста ортда қолдилар,

Кунботар пайт бир манзилга етиб олдилар.
 Рўпарада ночор турар эски бир кўрғон,
 Шунда озроқ тўхтаб қолди ҳориган карвон.
 Пешвоз чиқди бир йигитки, бургут сиёқли,
 Ҳайдаб келар бир сурув қўй, кўлда таёғи.
 Ҳўб жуссадор ва яғриндор, қабарган кўкрак,
 Салобатли шердай, кўзи чақнар, ўт юрак.
 Чехрасидан нур ёғилар, кенг, қалин қоши.
 Йигирма уч-йигирма тўрт чамаси ёши.
 Паҳлавондай қадам ташлар вазмин, гурсиллаб,
 Келар, оёқ остларидан учқунлар сачраб.
 Афросиёб бўз йигитга суқланиб боқди,
 Чўпон шоҳнинг юрагига бир ҳавас ёқди.
 Шу тобда у бир дақиқа қолмишди ўйлаб:
 «Бундай эрни кўрмагандим мамлакат бўйлаб,
 Ҳарбу зарбдан сабоқ олса, лашкарга сардор.
 Мажлис кўриб, ўгит олса, юртга ҳукмдор».
 Саропарда ортидаги қиз ҳолин сезиб,
 Чўпон йигит юрагини дард ўтди эзиб.
 Таъзим билан шоҳдан ҳолу аҳвол сўради.
 Ясовуллар атрофини дарҳол ўради.
 — Қайси бойнинг хизматида юрибсан, чўпон,
 Тилагинг не? — дейди подшоҳ. — Айлайин эҳсон!
 — Ун беш йилдир, Ваҳоббойга қилурман хизмат,
 Камбағалга кун йўқ экан, шу экан қисмат.
 Қуллуқ сизга, саховатда Ҳотам экансиз,
 Дунё кезган, муруватли одам экансиз.
 Тахминимча, тинмай кезиб сиз дашту сахро,
 Бемор қизнинг дардларига излабсиз даво.
 Тақсир, агар берсайдингиз менга ижозат,
 Ёш бошимдан ўтганини қилсам ҳикоят.
 «Майли!» деган каби подшоҳ қимирлатиб бош,
 Ҳикоясин тугатгунча айлабди бардош.
 — Етти-саккиз ёшларимда бир дард қаёқдан
 Келиб менга илашди-ю, қолдим оёқдан.
 Шўрлик, умри қисқа менинг онайи зорим

Қимдан шифо истамади, у ғамгузорим!
Қичитқи ўт даво деса янчиб боғлади,
Дарахт тўккан ёшларини суртиб, ёғлади.
Хуллас, нени ишлатмади оёқларимга,
Ихлос қўйиб кўрди бир-бир ҳар хил иримга.
Охир қўрғон чашмасидан сув элтиб онам —
Чўмилтирди, шу сув бўлди дардимга малҳам!
Чўпон айтган ҳикоятдан умид уйғониб,
Деди подшоҳ, кўзларида аланга ёниб:
— Бахш айлагум сенга қизим, топса у шифо,
Йўқса, сени ёлғончи деб бергайман жазо!..

VI

Қўрғондаги ялангликка бордилар чиқиб,
Фурсат ўтмай, ҳар галгидек чодирлар тикиб,
Хос ошпазлар ўчоқ қазиб, қозон осдилар,
Сур гўштларни ювиб-ювиб унга босдилар.
Шом қуйилган, шабнам инган, ажойиб оқшом,
Сутдай ипак чодирларда париллайди шам.
Шоҳ буюрди, канизаклар сув келтирдилар,
Тоғорада ёш бекачни чўмилтирдилар.
Қуйиларкан баданига шаффоф сув бу шом,
Хаста тани яйраб-яшнаб, оларди ором.
«Соф ҳавода ётса эдим» деганда бемор,
Парқув тўшаб, ётқиздилар уни беозор.
Канизаклар хизмат этиб елар ёнида,
Не истаса, бажо қилар айтган онида.
Қиз истади, илиқ сувдан яна келтириб,
Қўйдилар ул тилла тосни яна тўлдириб.
Оёқларин солган они сув ҳам бижирлаб,
Оғриқ юмшаб, қиз тин олди, чунон ҳам яйраб.
Хаёлида яшнаб кетди шу борлиқ, жаҳон.
Фалак гўё ерга сочар марварид-маржон.
Фақат унинг қаршисида йўқ эди чўпон.
Ҳалоскори боши узра бўлсайди шу он.
Қувончидан осиларди унинг бўйнига,

Эриб кетмасмиди кириб унинг қўйнига!
Бемор роҳат қилиб, кўзлар юмилиб қолди.
Ширин тушлар қиз руҳини оғушга олди.
Тушида у чопқилларди, урарди хандон,
Унга мафтун бўлиб боқиб турарди чўпон.

VII

Тонг ҳам отди, уфқ гўё артилган мрамар,
Қуйилгандай ёйилмоқда олтин шуълалар.
Боққанигда беихтиёр кўнгилни чоғлар
Минг анвойи гул-чечаклар унган ўтлоқлар.
Кўкатларнинг япроғида шудринг мунчоғи,
Гуллар атри билан тўлган тириклик боғи.
Зар кокилин қуёш ерга ёйган фурсатда
Тонг завқини сурарди шоҳ хуш кайфиятда.
Шу пайт боқиб сўқмоқ томон, лол қолди бирдан,
Келар эди бир фаришта, чиқиб чодирдан.
Кўзларига ишонмади, келарди қизи,
Орқасидан елар эди икки канизи.
«Болам!» дея қучоқ очиб, тўкди кўз ёшин,
Қиз ҳам келиб қўйди падар кўксига бошин.
Бу воқеа кўрганларни ҳангу манг этди.
Бу овоза шамол каби тарқалиб кетди.
«Бу манзилгоҳ ороми тан қўрғони экан,
Шифо излаб келганларнинг дармони экан» —
Дея подшоҳ тез орада бир қаср қурди,
Қиз чиқармоқ бўлиб, тўйга тараддуд кўрди.

VIII

Ҳар томонда гиж-гиж одам, чайқалар бозор,
Жарчи келар шовқин солиб: «Дўсту биродар!
Эшитмадим деманг, бу кун сарвари олам —
Тўй бошлади, даргоҳига йиғилсин одам!
Маликани узатмоқчи бир қўйчивонга,
Ул чўпонки, ёқиб қолмиш моҳитобонга!»

Шоҳ саройи томон шу дам ёғилди одам,
Гўё шовқин-суронларга тўлганди олам...
Дастурхонда муҳайёдир минг нозу неъмат,
Давра аҳли шоҳни мақтар, қизийди суҳбат.
Минглаб чинни қадаҳларда қилқиллар шароб,
Сертабассум чеҳраларда ўйнайди офтоб.
Бир томонда чолғувчилар машқи авжида,
Раққосалар тўлғонади оҳанг мавжида.
Ҳофизларнинг таронаси — хониши булбул,
Жаранглаган мақомларнинг асири — кўнгил!
Юраклардан отиларди ҳайратдан нидо:
«Ўлма ҳофиз, товушингга жонгинам фидо!»
Ичкарида келин-куёв расми-русуми,
Алламаҳалгача борар элнинг удуми.
Ваҳобхўжа ёвуз қарар чўпон бахтига,
Меросхўр бўб қолди, дея, шоҳнинг тахтига!
Кимсалар бор — ўзи ётга бир нон беролмас,
Ўзгаларнинг берганин ҳам, лекин, кўролмас.
Қариялар соқолларин силашиб бир-бир,
Ўзларича йўядилар бу ҳолга таъбир:
«Қодир эгам пок бандани қўймайди қуруқ,
Ҳалол эрнинг мартабаси бўлғуси улуг!»

* * *

«Ромитан» мас, «Оромитан» — таннинг ороми...
Ривоятдан келиб чиққан бу ернинг номи.
Ромитаним ҳақидаги бу — бир афсона,
Афсонани ҳақиқатга бурди замона.
Минг бир дардга даво бўлди ўсган гиёси,
Хаста руҳга шифо берди суви, ҳавоси.
Дардмандларнинг мададкори — Синонинг юрти,
«Ал-қонун»нинг ижодқори — Синонинг юрти!
Марзияда, Газлисида иссиқ суви бор,
Беморларни даволайди юзлаб шифокор...
Демоқчимаан сўзни яқун қилмоқ-чун осон:
Ўзбекларнинг ҳар қишлоғи ўзи бир дoston.

Едгор
Обидов

«Нигоҳ» 3

Абдусайд
Кучимов

«Войчечак» 43

Жўра
Алимардон

«Кедажакка саволлар» 69

Абдулҳай
Носиров

«Жавдар» 95

Гелди
Бердиев

«Турналар» 125

Ашурали
Аҳмедов

«Нур» 141

Сабриддин
Садриддинов

Ер айланади» 157

Санобар
Ҳасанова

«Дилшод» * 179

	Турсун Иброҳимов	
«Юракдаги тўлқин»	197
	Холдоржон Қуронбоев	
«Онажонлар»	231
	Мўмин Абдурасулов	
«Яхшилик»	251
	Хидир Мурод	
«Ҳаёт нафаси»	259

Ч — 29

Чашма: Шеърлар, дostonлар.—Т.: «Еш
гвардия», 1983 — 272б.

Источник: Стихи, поэмы.

Уз2

На узбекском языке

Коллектив

ИСТОЧНИК

Стихи, поэмы

Редактор А. Обиджонов
Рассом С. Субхонов
Расмлар редактори А. Гуломов
Техн. редактор Л. Вуркина
Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 1314

Теришга берилди 18.03.1983 й. Босишга рухсат этилди 25.11.83 й. Формати $70 \times 108^{1/2}$. Р—18219. № 3 қозоғга «Школьная» гарнитурادا офсет босма усулида босилди. Босма листи 8,5. Шартли босма листи 11,90. Нашр листи 10,24. Тиражи 10 000. Буюртма № 899. Шартнома № 169—82. Баҳоси 1 с. 40 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Фотополимер андозалар офсет босма фабрикасида олиниб, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош бошқармасида босилган. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.